

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

Усманходжаева Адибахон Амирсаидовна, Адилов Шухрат Қаюмович,
Высогорцева Ольга Николаевна

Таълим соҳаси: 500000 - “Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот”

Билим соҳаси: 510000 - “Соғлиқни сақлаш”

“УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ФИЗИОТЕРАПИЯ АСОСЛАРИ”

Ўқув қўлланмаси

Таълим йўналиши:

5510100 – “Даволаш иши”

5111000 – “Касбий таълим”

5510400 – “Стоматология иши”

ТОШКЕНТ – 2018

Тузувчилар: халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент, т.ф.н. Усманходжаева А.А.

халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси доценти, т.ф.н. Адилов Ш.Қ.

халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси доценти, т.ф.н. Высогорцева О.Н.

Тақризчилар: ТТА факультет ва госпитал теркапия кафедраси мудири, профессор, т.ф.д. Ризамухамедова М.З.

ТДСИ соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва тиббий реабилитация кафедраси мудири, доцент Буранова Д.Д.

Ўқув қўлланма халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедрасининг 2016 йил 2 декабрдаги 4-сонли йиғилишида мухокама қилинди ва муаммоли комиссия йиғилишида тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ўқув қўлланма 2017 йил 1 февралдаги 6-сонли Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгашида мухокама қилинди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....
1 - Боб. Электр токи билан даволаш.....
1.1. Доимий ва импульсли токлар.....
Гальванизация.....
Дорили электрофорез.....
Электр уйқу.....
Диадинамотерапия.....
Амплипультерапия.....
Доимий ва импульсли электр токлари билан контактлы (алоқали) терапиянинг хусусий усуллари.....
Болаларда гальванизация ва электрофорез.....
Электрдиагностика ва электростимуляция.....
Электродонтодиагностика.....
Электростимуляция.....
Флюктуоризация.....
Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....
Амалий қўникмалар.....
Мавзу бўйича эгалланган билимларни назорат этиш турлари:
Назорат саволлари.....
Тест вазифалари.....
Вазиятли масалалар.....
1.2. Ўзгарувчан электр ва магнит майдонлари, турли характеристик майдонлар.....

Дарсонвализация.....	
Дарсонвализациянинг хусусий усуллари.....	
Франклинаизация.....	
УЮЧ-терапия.....	
УЮЧ-терапиянинг хусусий усуллари.....	
Дециметрли тўлқинли терапия.....	
Сантиметрли тўлқинли терапия.....	
Магниттерапия.....	
Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....	
Амалий қўникмалар.....	
Мавзу бўйича эгалланган билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	
2-Боб. Ультра товуш билан даволаш.....	
Ультратовуш терапия.....	
Дорили ультрафонофорез.....	
Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....	
Амалий қўникмалар.....	
Мавзу бўйича эгалланган билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	

3-Боб. Ёруғлик нурлари билан даволаш.....	
Инфра қызил нурлар.....	
Ультрабинафша нурлари.....	
Лазертерапия.....	
Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....	
Амалий күнікмалар.....	
Мавзу бүйічә эгалланған билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	
4-Боб. Аэрозольтерапия.....	
Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....	
Амалий күнікмалар.....	
Мавзу бүйічә эгалланған билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	
5-Боб. Сув ва иссиклик билан даволаш	
Гидротерапия.....	
Бальнеотерапия.....	
Парафинтерапия.....	
Озокерит.....	
Балчиқ терапия.....	

Физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш учун рецептларни расмийлаштиришга мисоллар.....	
Амалий кўникмалар.....	
Мавзу бўйича эгалланган билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	
6-Боб. Куротология. Ўзбекистон курортлари.....	
Асосий курорт турларининг характеристикиаси.....	
Саралаш тартиби ва bemорларни санатор-курортк давога юбориш.....	
Ўзбекистон курортлари.....	
Мавзу бўйича эгалланган билимларни назорат этиш турлари:	
Назорат саволлари.....	
Тест вазифалари.....	
Вазиятли масалалар.....	
7-Боб. Амалий машғулотларда ўқитишининг замонавий педагогик технологияси.....	
Ўқув машғулотларида ўқитиши технологиясининг универсал модели ва технологик харитаси.....	
“Кейс-стади” усули.....	
“Мияга ҳужум” усули.....	
“Бирга ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули.....	
График органейзерлар : мавзу бўйича кластерларни тузиш.....	
График оргайназер – Венна диаграммаси.....	
График органаейзерларни расмийлаштиришга мисоллар	

Эслатма.....
1.Электрофорез учун қўлланиладиган дори моддалари, уларнинг концентрациялари ва кутблилиги.....
2.Физиотерапевтик муолажа хоналарида бемор ўзини тушишининг асосий қоидалари.....
3.Муолажа карточкаси.....
4.Логико-дидактик тузилма.....
Глоссарий.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Қисқартилган сўзлар рўйхати

АКТГ – Адренокортикотроп гормони
 НҚЛА – нурланган қоннинг лазер аутотрансфузияси
 НҚУБА – нурланган қоннинг ультрабинафша аутотрансфузияси
 БД – биодоза
 ЧПЖБ - чакка-пастки жағ бўғими
 ГКС – глюкокортикостероидлар
 МЧ – модуляция чуқурлиги
 ДДТ – диадинамик токлар
 ИТТ – икки тактли тўлқинсимон
 ИТУ – икки тактли узлуксиз
 УД – узоқ давр
 УУБТ – узун ультрабинафша тўлқинлар
 ОИЙ - ошқозон-ичак йўли

ҚД – қисқа давр

ҚУБТ – қисқа ультрабинафша түлқинлари

МСГ – меланин стимулловчи гормон

ПИЛН – паст интенсивдаги лазер нурлари

ЯҚНВ – яллиғланишга қарши нестероид воситалари

БТТ – бир тактли түлқинсимон

БТУ – бир тактли узлуксиз

БТР – бир тактли ритмик

ҮММ – ўзгарувчан магнит майдони

ДММ – доимий магнит майдони

СМТ - сантиметрли түлқинлар

СМТ- синусоидал модуллашган токлар

ҮУБТ – ўрта ультрабинафша түлқинлар

ҮЮЧТ – ультра юқори частотали терапия

УБН – ультрабинафша нурлатиш

ФТД – физиотерапевтик даволаш

МНС – марказий нерв системаси

ЖЮС - жағ-юз соҳаси

ЭМ – электр майдони

КИРИШ

Беморларни даволашда, касаллигини олдини олишда ва реабилитациясида физик даволаш омиллари мустақил даволаш усули кўринишида ҳамда бошқа даволаш усуллари билан комплексларда қўлланилади. Бундай ҳолат уларнинг қуидагиларига боғлиқ : табиий ва қайта шакллантирилган омилларнинг кенг даволаш имкониятларига, таъсирининг универсаллигига, ижобий таъсирининг давомийлигига, бошқа даволаш воситалари билан яхши мос тушушиши ва уларнинг самарадорлигини оширишга, даволаш муддатининг қисқариши ёки ремиссиянинг бўлишига, bemorlar томонидан физиотерапия муолажаларини рухан қабул қилишларига.

Охирги йиллар давомида турли мутахассис шифокорлар томонидан физиотерапевтик усуллар bemorlarни комплекс даволашда нафақат касалликларнинг маҳаллий белгиларини йўқотиш учун балки касалликнинг умумий патоганетик механизmlariga таъсир этиш учун ҳам кенг қўллаб келмоқдалар. Афсуски физик даволовчи омиллари стоматология амалиётида кенг қўлланилмайди.

Физик омилларга умумий қизиқиш фақат уларнинг кенг даволовчи-профилактик ва реабилитацион имкониятларига эмас балки бошқа даволовчи воситалар олдидағи кўпгина афзалликларига ҳам қаратилган. Физиотерапиянинг қўлланилиши, турли касалликларнинг патологик жараёнларига универсал таъсир этишга эга, яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдиришни таъминлайди, маҳаллий қон айланишининг ва микроциркуляциянинг фаоллашиши модда алмашинувини ва трофиқани стимуллайди, бу эса репаратив реакциялар кечишини тезлаштиради ва жароҳатланган тўқима тузилмалари регенерацияси учун қуллай шароитларни ташкил этади.

Бироқ қон билан таъминланишга бой ва оғиз бўшлиғи органларининг марказий нерв системаси, эндокрин безлари ва ички органлар билан нерв-

рефлектор алоқалари бир вақтнинг ўзида жағ-юз соҳасининг касалликларида организмнинг системали мураккаб реакцияларининг турли асоратларини ривожланишига олиб келади ва шу соҳанинг ташқи мухит омилларига, шу билан бирга физик даволовчи таъсирга эга омиллар, сезувчанлигини оширади, буни маҳаллий физиотерапия муолажасини тавсия этишда ва ўтказишда инобатга олиш зарур. Оғиз бўшлиғи органлари ва мия тузилмасининг анатомик яқин жойлашиши ҳисобига, ўтказиладиган маҳаллий физиотерапевтик муолажа бош мия бошқаруви марказларининг қўзғалишини чақиради, бу бир томондан бузилган гомеостатик алоқаларга ва организм тўқималарининг нормаллашишига ижобий таъсир этса, бошқа томондан орган ва системалари томонидан ёқимсиз реакцияларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Замонавий аппаратларни қўллаш билан физиотерапевтик муолажаларни касалликнинг ҳамма кечиши даврларида қўллаш мумкин – ўткир, ўткир ости, сурункали, шунингдек реабилитация ва касалликни олдини олиш. Оптимал физик омилларни танлашда касалликнинг клиник кечишига, ҳамроҳ касалликка, bemornining ёшига, олдин олган муолажаларни қандай ўтказганлигига асосланади.

Терапевтик ва жарроҳлик bemornarning давосида ва реабилитациясида физик омиллар кенг қўлланилади, лекин стоматологик касалликларни даволашда ва реабилитациясида физиотерапевтик муолажалар фаол ва кенг қўлланилмайди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: стоматология факультети талabalari учун хусусий физиотерапия курсининг бўлмаслиги, стоматолгик хоналарнинг, балки катта поликлиникаларнинг замонавий физиотерапевтик апаратуралар билан яхши таъминланмаганлиги. Уш бу қўлланманинг асосий вазифаларидан бири амалиёт шифорларига, айниқса стоматологларга bemorlarни комплекс даволаш даврларида физик усулларни кенг қўллашга кўмаклашишдир.

1-Боб. ЭЛЕКТР ТОКИ БИЛАН ДАВОЛАШ

1.1.ДОИМИЙ ВА ИМПУЛЬСЛИ ТОКЛАР

Машғулот ўтказиш жойи: ўқитиш хонаси, физиотерапея бўлими ёки хонаси.

Машғулот мақсади: доимий ва импульсли токлар ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш, физиотерапевтик муолажалар ўтказишга рецепт ёзиш қўнимасини ривожлантиришт ва уларни амалий ўтказиш.

Педагогик вазифалар:

- ❖ гальванизация, электрофорез, электр уйқу, диадинамик токлар, синусоидал модулланган токлар ҳақидаги умумий тушунчаларни мустахкамлаш;
- ❖ bemor организмига қўрсатилган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми ва уларни қўлланилиш мақсади ҳақидаги билимларни тартиблаштириш;
- ❖ bemorларга, айниқса стоматологик bemorларга физик омилларни қўллаш учун қўрсатма ва қарши қўрсатмалар (умумий ва хусусий) ҳақидаги билимларини мустахкамлаш ва кенгайтириш;
- ❖ қўрсатилганфизиотерапевтик муолажанинг қўлланиш тартибини қўриб чиқиш ва уларни намоён қилиш;
- ❖ физиотерапевтик муолажаларни ўтказишга рецептларни ёзиш қўнимасини ривожлантириш;
- ❖ физиотерапевтик аппаратлар билан ишлаш ва физиотерапевтик муолажаларни техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан мустақил ўтказиш қўникмаларни ривожлантириш;
- ❖ тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, ахборотни таҳлил этиш қўникмаларини шакллантириш;
- ❖ коммуникатив қўникмаларни ривожлантириш.

Ўқув фаолияти натижалари

Талаба билиши керак:

- ❖ доимий ва импульсли токларга классификация беришни;
- ❖ бемор организмига ўрганилган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми ҳақида гапиришни;
- ❖ беморларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ❖ физиомуолажаларни қўлланилиш методикасини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- ❖ амалий кўникмаларни бажаришни – гальванизация, электрофорез, диадинамотерапия, амплипульстерапия ўтказишга рецепт ёзиш ва физиомуолажаларни мустақил ўтказишни.

Ўқитиши усули ва техникаси: мияга хужум; техника: график органайзер-кластер.

Ўқитиши воситалари: ўқув қўлланмалар, ўқиш материаллари, физиоаппаратлар, слайдлар, маркерлар, А3, А4 форматли қофоз варақалари.

Ўқитиши шакллари: индивидуал иш, гурӯхлари ва жамоавий

Ўқитиши шароитлари: гурӯхларда ишлаш учун шароити бор аудитория.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат: назорат саволлари, гурӯхларда ўқиш вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецептларни ёзиш.

Мотивация. Физик омиллар организмга ҳар тарафлама таъсир қиласи, стимулловчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши, сўрдирувчи, репаратив-регенератив самарадорлигига эга. Касалликлар реабилитациясида ва комплекс даволашда қўлланиладиган физик омиллар қўлланилаётган дорили даволаш самарадорлигини оширга, соғайиш муддатини

камайтиришга, ремиссия даврини узайтиришга, бемор организмига дорили юкламани камайтиришга сабаб бўлади.

Турли касалликларни даволаш амалиётида физик омиллар жуда кенг ва муваффақият билан қўлланилади, бу эса уларни чуқур ўрганиш зарурлигини тақазо этади.

Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик

Мазкур мавзууни ўқитишда талабаларнинг физика, биофизика, биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропедевтикаси асослари билимларига таянади (вертикал интеграция). Шунингдек мазкур мавзуу терапия, жарроҳлик, терапевтик ва жарроҳлик стоматологияси билан ҳам интеграцияланади (горизонтал интеграция).

ДОИМИЙ ТОКЛАР

Гальванизация


Гальванизация – даволаш мақсадида доимий электр токини қўллаш. Тўқималарга қўйилган ташқи электромагнит майдони таъсирида уларда *m o k ў m k a z u v c a n l i k* ҳосил бўлади. Мусбат зарядланган зарралар (катионлар) манфий қутб (катод) томон, манфий зарядланганлар эса (анионлар) – мусбат зарядланган қутб (анод) томон ҳаракатланади. Электроднинг металл пластинкасига яқинлашган ионлар ўзининг ташқи электрон қобиғини тиклайдилар (ўзининг зарядини йўқотадилар) ва юқори химиявий фаолликка эга атомларга айланадилар (*э л е к т р о л и з*). Сув билан алоқага киришиб, улар электролиз махсулотларини ҳосил қиласди. Анод остида кислота (HCl), катод остида ишқор (KOH, NaOH) ҳосил бўлади.

Электролиз махсулотлари химиявий фаол моддалар ҳисобланади ва етарли концентрацияда таъсир этаётган тўқимада химиявий куйишни чақириши мумкин. Уларни олдини олиш ва йўқотиш учун электродлар

остига сув билан намланган *м а т о* (*п р о к л а д к а*) кўйилади, бу химиявий фаол бирикмаларни етарлича эритишга имкон беради.

Токни ўтказиш зичлиги электрмагнит майдонининг қучланиши билан аниқланади ва тўқиманинг электр ўтказичанлигига боғлиқдир. Терининг электр ўтказувчанлиги паст бўлгани учун тўқималарда зарядланган заррачалар ҳаракати тер безларининг чиқариш йўллари ва соч фолликулалари бўйича ва кам даражада эпидермес ва дерма хужайраларо юза орқали бўлади. Чуқур жойлашган тўқималарда максимал ток ўтказиш зичлиги организмнинг суюқ мухитида кузатилади : қон, сийдик, лимфа, интерстиция, нерв олди юзаси. Шуни ҳисобга олиш керакки, тўқималарнинг

электр ўтказувчанлиги яллиғланиш шишишида, гиперемияда ҳосил бўладиган кислота-ишқор мувозанатининг ҳаракти натижасида ошади.



Ионларнинг электрфоретик ҳаракатининг фарқи хужайра мембраналарининг турли юзаларида бир хил белгили ионларнинг миқдорининг маҳаллий ўзгаришини чақиради, шунинг ҳисобига виртуал (оралиқ, қисқавақтли) қутблар ва ионларнинг маҳаллий қарши оқими ҳосил бўлади. Натижада хужайра мембраналари, тўқима оралиқ тўсиқлари ва фасцияларининг икки томони бўйича қарама қарши белгили ионлар йиғилиши ҳосил бўлади.

Ионларнинг электрофоретик ҳаракатланишида фарқланиши хужайра мембраналарининг турли юзаларида бир хил белгили ионлар сақланишининг маҳаллий ўзгаришини ҳосил қиласди, бунинг натижасида виртуал қутблар (оралиқ, қисқа муддатли) ва ионларга қарши маҳаллий ҳаракат ҳосил бўлади. Бу хужайра мембраналари, тўқималар аро тўсиқлар ва фасцияларнинг икки томонида қарама қарши белгили ионларнинг йиғилиши пайдо бўлади.

Доимий электр токи таъсири остида ионларнинг ҳаракатланиши хужайра ва хужайралар аро юзасида уларнинг нормал нисбатининг ўзгаришини чақиради. Ионлар конъюнктурасининг бундай динамикаси айниқса қўзғалган тўқима плазмолеммасига таъсир этади, уларнинг *қутилек* ишинге ўзгартиради. Шуни ҳисобга олиш зарурки. Нерв толаларининг сезувчанлик чегараси бошқа токларга нисбатан олганда доимий токларига минимал ҳисобланади.

Катод остида доимий токлар таъсирида аввал қўзғалган мембраннынг деполяризациянинг критик даражасида (ДКД) тинчлик потенциалининг пасайиши кузатилади. Калий ионлари каналларининг потенциал мухтожлигининг инактивацияси билан тушунтирилади ва қўзғалган мембраннынг қисман деполяризациясига олиб келади (*физиология* кадар *электропотенциал*). Шу билан бирга, токнинг узоқ вақт таъсирида натрий ионлари каналларининг потенциал мухтожлиги ва инактивацияси кузатилади, бу эса ДКДнинг позитив силжисига ва тўқималар қўзғалувчанлигининг камайишига олиб келади. Анод остида калий ионлари каналларининг потенциал мухтожлигининг фаоллашиши пайдо бўлади.

Натижада ўзгармаган ДКДда тинчлик потенциали катталиги ошади, бу қўзғалган мембраннынг қисман гиперполяризациясига олиб келади (*физиология* кадар *анэлектропотенциал*). Кейинчалик ДКДнинг негатив силжиши натижасида, бир нечта натрий каналлари микдорининг стационар фаоллигининг пасайишини йўқотиш билан боғланган, тўқималарнинг қўзғалувчанлиги ортади.

Ионларнинг силжиши билан бирга электр токлари биологик мембраннынг ўтказувчанлигини ўзгартиради ва улар орқали йирик оқсил молекулларини (амфолитлар) ва бошқа моддаларнинг (*электроподиум* – *физиология* ҳолати) пассив транспортини оширади. Бундан ташқари электр майдони таъсири остида тўқималарда мос ионларнинг (асосан Na^+ , K^+) гидрат қобиғига кирган сув молекулаларининг ҳар томонлама ҳаракати юзага

келади, катион гидрат қобигида сув молекулаларнинг миқдори анионларнига нисбатан кўп бўлганлиги ҳисобига, катод остида сув ийғилиши ошиди, анод остида эса камаяди (*электроосмос*).

Шундай қилиб, доимий электр токи биологик тўқималарда қуидаги физик-химиявий самарадорликни чақиради : *электрополиз, қутбланиши, электродифузия ва электроосмос*.

Гальванизация ўтказиш вақтида таъсир этувчи тўқималарда маҳаллий қон айланиш системаси бошқаруви фаоллашади ва биологик актив моддаларнинг (брадикинин, калликреин, простагландинлар) ва томирларни бўшаштирувчи омилларни (взот оксида ва эндотелинлар) фаоллаштирувини чақиравчи вазоактив медиаторларнинг (ацетилхолин, гистамин) миқдори ошади. Натижада тери томирларининг кенгайиши юзага келади ва унинг гиперемияси юзага келади.

Маҳаллий нейрогуморал жараёнлар натижасида капиллярларнинг кенгайиши ва деворлари ўтказувчанигининг ортиши нафакат электродлар жойлашган соҳада, балки доимий электр токи ўтадиган чуқур жойлашган тўқималарда ҳам юзага келади. Қон ва лимфаайланишининг кучайиши, тўқималарда резорбцион қобилиятининг ортиши билан бир қаторда мушаклар тонусининг сусайиши, тернинг чиқарув функцияси ва яллиғланиш ўчоғида ёки жароҳат соҳасида шишишнинг камайиши кузатилади. Бундан ташқари анодда яққол электроосмос натижасида оғриқ ўтказувчиларнинг компрессияси камаяди.

Доимий электр токи хужайраларда макроэрグルар синтезини кучайтиради, тўқималарда алмашинув-трофик ва маҳаллий нейро-гуморал жараёнларни стимуллайди. У макрофаглар ва лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллигини оширади, периферик нервларнинг, сұяқ ва бириклирувчи тўқималарнинг регенерация жараёнларини, қийин битувчи ва трофик яраларнинг эпителізацияни тезлаштиради, шунингдек сўлак безларининг, ошқозон ва ичакнинг секретор функцияларини кучайтиради.

Токнинг таъсир этиш параметларидан, беморнинг функционал ҳолатидан ва гальванизациянинг танланган усулидан келиб чиқкан ҳолда беморларда маҳаллий, сегментар-метамер ёки генерализацияланган реакциялар юзага келади. Таъсирнинг маҳаллий жавоб реакциялари одатда терида ва қисман интерполяр соҳада жойлашган тўқима ва органларда намаён бўлади. Гальванизация вақтида рефлексоген ва паравертебрал соҳада, шунингдек мос сегментлар ва бош мия тузилмаларида юқори тартибдаги реакциялар юзага келади.

Даволаши самара до рилиги: яллиғлан ишга қарши
(дренажловчи – дегидратловчи), анальгетик, седатив
(андада), вазодилататор, миорелаксацияловчи, метаболик, сектор (катода).

Кўрсатма. Юрак-қон томир системаси касалликлари (ЮИК, зўриқиши стенокардияси I- ва II- ФС, гипретоник касаллиги, вегето-томир дистонияси), ошқозон-ичак йўли касалликлари (гастрит, яра касаллиги, колит, холецистит, панкреатит ва гепатит), сийдик-таносил системаси касалликлари (нефрит, цистит), таянч-харакат аппарати касалликлари (Бехтерев касаллиги, остеохондроз, артроз-артритлар), периферик томир ва нерв касалликлари. Сурункали яллиғланиш жараёнлари, гингивитлар, глоссалгия, кариес, пародонтит, пародонтоз, патологик милк чўнтаклари, сиалит, юз ва эшикв нервларининг неврити, уч бош нерв невралгияси, чакка-пастки жағ бўғимларининг артрити ва артрозлари.

Қарши кўрсатмалар. Ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари, тери сезувчанлигининг бузилиши, токни индивидуал кўтара олмаслик, электродларни жойлаштириш юзасида тери бутунлигининг бузилиши, экземалар.

Параметрлар. Даволаш мақсадида паст кучланиши (80 В гача) ва кичик кучли (50 мА гача) доимий ток қўлланилади. Бунда максимал ток қўл-оёқлар (20 – 30 мА) ва тана (15 – 20 мА) гальванизациясида қўлланилади. Юз соҳасида одатда 3-5мА, оғиз бўшлиғи ва бурун шиллик пардаларида 2-3 мА дан ошмайди.



Гальванизация ўтказиш учун Поток-1 аппарати қўлланилади. Трансформатор ёрдамида ўзгарувчан ток кучланиши 60 В гача камайтирилади, у ярим ўтказувчи икки ярим босқичли тўғрилагич билан тўғриланади ва токлар пульсацияси фильтрлар билан текисланади. Доимий ток аппаратнинг чиқувчи клемма-ларига юборилади. Унинг катталиги 5 ёки 50 мА мослама билан миллиамперметр ёрдамида ўлчанади. Потоп-1 аппарати корпусдан, элементлар схемалари жойлаштирилган платалардан ва потенциометрлардан ташкил топган. У деворга махкамланган, шунинргдек столга қўйиб ишлатиш мумкин.

Дорили электрофорез

Дорили электрофорез – организмга доимий электр токи ва унинг ёрдамида юбориладиган дори моддасининг биргаликдаги таъсиридир.

Усул қўлланилганда юқоридаги таъсиrlарга маълум юборилаётган дори моддасининг даволовчи самарадорлиги хам қўшилади. Унинг самарадорлиги электромагнит майдонида модданинг форетик ҳаракати, уни киритиши услуби, организмга киритилаётган дори моддасининг микдори, хамда киритиши соҳаси билан аниқланади.

Дори моддалари суюқликда ионларга парчаланиб, кейинчалик зарядланган гидрофил комплексларини ҳосил қиласди. Бундай суюқликлар

электр майдонига жойлаштирилганида ундаги ионлар қарама қарши қутблар томон ҳаракат қиласидилар. Электр майдони кучи таъсири остида дисперс заррачаларининг суюқ фазага нисбатан феномен ҳаракати *элeктрофo-реz* деб аталади. Агар уларнинг йўлларида биологик тўқималар жойлашган бўлса, дори модда ионлари тўқимага чукур кириб боради ва даволовчи таъсир кўрсатади. Дори препаратлари эпидермиснинг ва тери юқори қатламига кириб боради. Уларнинг кучсиз ваксуляризацияси терида дори моддаларининг йиғилишига олиб келади, ундан улар лимва томирлари ва микроциркулятор оқими томирлар эндотелийларига ҳаракат қиласиди. Тери депосидан дори моддаларининг чиқиш муддати 3 соатдан 15-20 қунгача давом этади. Натижада тери ости депосининг ҳосил бўлиши организмда дори моддасининг узоқ сақланишини ва уларнинг узоқ даволовчи таъсири таъминлайди.

Биргаликда таъсир этиш натижасида даволовчи самарадорлик дори




Схема проникновения лекарственных веществ

1 — интрацеллюлярно; 2 — трансциеллюлярно; 3 — через проток потовой же-
лезы; 4 — через волосянной фолликул.

моддаларининг кичик концентрацияларида ҳам амалга оширилади (баъзи антикоагулянтлар, фермент-лар ва антигистамин препаратларидан ташқари). Организмга юборилаётган препаратлар маҳаллий соҳада йиғилиб, жароҳат

соҳасида ва патологик ўчоғда уларнинг кўп микдордаги концентрацияси ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Дори моддасининг бундай усулда қўлланилиши натижасида препаратларининг перорал ва парентерал юборишида ҳосил бўладиган асоратларининг бўлмаслиги кузатилади ва аллергик реакцияларнинг ҳосил бўлиши кескин камаяди. Бу кўрсатилган хусусиятлардан ташқари дорили электрофорезда балласт инградиентлар таъсири кучсиз бўлади ва ишлатилаётган суюқликлар стериллашни талаб этмайди, бу эса муолажаларни очиқ жойларда ишлатишга рухсат этилади.

Даволовчи самараси. Кучли даражали галванизация самаралари ва ток орқали дори воситасини киритишдаги маҳсус фармакологик самараси.

Кўрсатмалар. Галванизация учун кўрсатмалар ва киритилаётган дори моддасининг фармакологик самарасини ҳисобга олган холда аникланади.

Қарши кўрсатмалар. Галванизацияга қарши кўрсатмалардан ташқари, дори воситасига қарши кўрсатмалар ҳам киради (дори моддасини кўтара олмаслик, аллергик реакциялар).

Дори моддалари бир хил қутблардан киритилади, унинг заряди дори моддасининг фаол қисмларига мос келади. Агар дори моддасининг иккала қисмини организмга юбориш зарур бўлса унда дори моддаси иккала қутдан организмга юборилади. Металл ионлари ва кўпгина алколоидлар мусбат қутдан киритилади, кислота радикалларининг ионлари ва металлоидлар манфий қутдан юборилади. Муолажалардан олдин антибиотикларни аллергияга текшириб кўриш керак.

Дори воситасини организмга киритилишига қараб тиш усти, милк усти ва бурун ички электрофорез усуллари, ионли (гальваник) Шербак бўйича“ёқа” ва бошқалар фарқланади.

Стоматологик амалиётда кўпинча ГР-2 гальванизация аппарати ишлатилади. Гальванизация ва дорили электрофорез токни зичлигига кўра, вақти ва бир курс давога муолажалар сони бўйича дозаланади. Оғиз

бўшлиғида токнинг терапевтик зичлиги $0,1—0,5 \text{ mA/cm}^2$, болаларда эса $0,05 \text{ mA/cm}^2$ ҳосил қиласи. Таъсир қилиш даври - 20—30 минут. Даво курси 30 та мурожа.

Стоматологияда контактли электротерапия учун пластинкали, оғиз ва милклар учун электродлар қўлланилади (кичик - 2-3 см, ўрта - 3-5 см ва катта - 8-10 см). Электродлар тўғри бурчакли ёки маҳсус шакли бўлиши мумкин. Пульпага таъсир этиш учун тиш бўшлиғига киритишга мўлжалланган фаол электрод пахтали тампон билан ўтказувчи хлорвинил қоплама билан юпқа изоляцияланади. Нервлар касалланганда оғриқ соҳаларига қўйиш учун электродлардан фойдаланилади (марказига ўтказувчи пайвандланган диаметри 3- 5 см ли юмалоқ қўрғошинли пластиналии электрод). Пластина 1,5 см қалинликдаги пахта билан қопланган ва дока билан ўралган. Электродни қўл билан фиксациялаш учун унинг юзаси юпқа резина қўлқоп ўтказувчига қаратилган ҳолда тикилади. Нервнинг электриагностикаси, юз мушагининг электростимуляцияси учун электрод сифатида майдони 1 cm^2 ли тутмасимон электрод қўлланилади. Электр уйқуда икки жуфт электродлар қўлланилади – кўз ва энса – бу нам пахта тампони жойлаштириладиган металли мосламадир.

Галванизация учун металл пластинкадан тайёрланган электрод ва унинг юзасидан бир неча см катта бўлган қалинлиги 1- 1,5 см қалинликдаги гидрофил пахта матодан тайёрланган прокладка қўлланилади. Оғиз бўшлиғи учун прокладка бўлиб бинтнинг 10-12 қавати қўлланилиши мумкин. У қўрғошинли пластинкага жойлаштирилиб, охирлари пластинкага ўралади. Оғиз ва милк учун мўлжалланган прокладкалар бир марта ишлатилишга мўлжалланган. Пластина билан ўтказувчи қайнатиш билан стерилизация қилиниб, кўп марта қўлланилишга мўлжалланган. Электродлар аппаратга маҳсус қисқичлар билан боғланадилар. Пародонт касаллигини даволаш учун яккали электродлар ёки юқори ва пастки жағларни бир вақтда даволаш учун бўлинган электродлардан фойдаланилади.

Тери ва оғиз бўшлиғи шилиқ қаватининг керакли соҳасига гальванизация ўтказиш учун аввал илиқ сувда яхшилаб намланган ва сиқиб ташланган гидрофил пахтали мато, унинг устидан металл пластинка қўйилади, улар терига доимо бир хил томонидан қўйилиши керак. Электродларнинг жойлашиши бўйича бўйлама ва кўндаланг усуллари фарқланади. Кўндаланг усулда электродлар бир текисликда бир бирига қарши (паралелл), бўйлама усулда кетма-кет жойлаштирилади, бунда электродлар бир бирига тегиши керак эмас. Уларнинг орасида масофа электрод энидан кам бўлмаслиги керак. Бир вақтнинг ўзида икки электроддан кўп электрод қўлланилиши мумкин, лекин улар аппаратнинг битта клеммасига боғланган бўлиши керак (икки тармоқли). Электродлар резина ёки эластик бинт билан фиксацияланиши мумкин, ишочли алоқа бўлиши учун қумли ёстиқчалардан фойдаланилади.

Гальванизацияда ток зичлиги катталар учун $0,05\text{--}1 \text{ mA/cm}^2$, болалар учун – $0,03\text{--}0,08 \text{ mA/cm}^2$. Муолажанинг давомилиги ҳар хил ($6\text{--}10$ минутдан $20\text{--}30$ минутгача). Бир курсга $10\text{--}20$ муолажа. Муолажадан сўнг бемор $20\text{--}30$ минут дам олиши зарур.

Ҳар бир муолажадан кейин прокладка чучук сув ва қайнаган сув билан яхшилаб ювилиб, қуритилади.

Дори электрофорез ўтказиш техникаси ва тартиботи гальванизациядан фарқ қilmайди, фақат электродлар проклад ва тери (шилиқ қават) оралиғига дори моддаси шимдирилган фильтр қофоз (марля) қўйилади.

ИМПУЛЬСЛИ ЭЛЕКТРТЕРАПИЯ

Электр уйқу терапия – бош мия тузулмасига импульсли токларнинг даволовчи таъсиридир.

Қўлланиладиган импульсли токлар кўз тешиги орқали мия бўшлиғига кириб боради. Максимал ток зичлиги мия асосида жойлашган томирлар бўйича ҳосил бўлади. Бу ерда шакланаётган ток *бош – мия нервлари инг сенсор ядроларига* бош мия гипноген маркази устунларига

тўғридан – тўғри таъсир этади (*гипоталамус, гипофиз, варолиева күпргининг ички соҳаси, ретикуляр формацияни*). Улар кўк доғ аминергик нейронларнинг ва ретикуляр формацияни импульсли фаоллигини тўхташини чақиради, бу эса бош мия пўстлоғига кўтариувчи фаоллаштирувчи таъсирнинг пасайишига ва ички тормозланишнинг тезлашишига олиб келади. Бунга импульсли токларнинг синхрон частота билан бош мияга биоэлектрик фаолликнинг секин ритмлари туртки бўлади.

Бош мияда тормозланиш жараёнини тезлаштириш билан бир қаторда импульсли токлар серотонинэргик нейронларни фаоллаштиради. Бош миянинг пўстлоқ ости тузилмасида йигилган серотонин шартли-рефлектор фаолиятни ва эмоционал фаолликни сусайишига олиб келади. Бунинг натижасида bemорларда мудраш ҳолатлари, баъзида уйқу ҳолатлари юзага келади.

Импульсли токлар марказий тузилмалар билан бир қаторда қош терисининг нерв ўтказувчанлигининг сезувчанлигини қўзгатади. Уларда ҳосил бўлаётган афферент оқимлар уч бошли (гассеров) тугунининг биполяр нейронларига боради, у ердан уч бошли нервнинг катта сенсор ядросига тарқалади ва кейинчалик таламус ядросига тарқалади. Рефлексоген соҳаларнинг электрик стимуляцияси импульсли токларнинг марказий гипноген самарадорлигини кучайтиради, у ўз навбатида юқори нерв фаолиятини нормаллаштиради ва кечки уйқуни яхшилайди.

Мия устуни ядроларининг бир бирига морфо-функционал яқинлиги импульсли токларнинг томирларни ҳаракатлантирувчи, нафас марказига, вегетатив марказга ва эндокрин системасига индукциона таъсирини таъминлайди. Бундай токлар ички органларнинг ва тўқиманинг бошқарув фаолиятига тўғридан тўғри таъсир этади, парасимпатик нерв системасининг уларга трофик таъсирини фаоллаштиради. Бу томирларнинг ошган тонусини пасайтиришга, микроциркуляр оқимда транспорт жараёнларининг

фаоллашишига, қоннинг кислород ҳажмини оширишга, қоннинг ивиш ва ивишга қарши нисбатни нормаллаштиришга олиб келади. Бундан ташқари импульсли токлар ташқи нафаснинг камайиши ва чуқурлашишини, унинг минутлик ҳажмининг ошишини, ошқозон-ичак йўлининг, айирув ва жинсий системанинг секретор функциясининг фаоллашишини чақиради. Улар организмда бузилган углевод, ёғ, минерал ва сув алмашинувини тиклайди, мчкм секреция безларининг гормон ишлаб чиқариш функциясини фаоллаштиради.

Электр уйқу терапияда иккита функционал фаза фарқланади : *т о р-м о з л о в ч и* ва *ф а о л л а ш и р у в ч и*. Тормозланиш фазаси муолажа олиш вақтида намаён бўлади ва мудраш ҳолати, юрак қисқариш ва нафас частоталарининг секинлашиши (брадикардия ва брадипноэ), бош миянинг биоэлектрик фаоллигини, ритмлар фаоллашиш интенсивлигини пасайтириши билан характерланади. Муолажадан 30-минут – 1 соатдан кейин иккинчи фаоллашиш фазаси бошланади ва узоқ давом этади. Бу беморнинг ҳолсизланишини камайишида, тетиклашишида, иш қобилиятининг ошишида, кайфиятининг яхшиланишида ва пўстлоқ жараёнларининг фаоллашишида намоён бўлади.

Д а в о л о в ч и с а м а р а д о р л и г и : транквилизацияловчи, седатив, спазмолитик, трофик, секретор.

Кўрсатма. Марказий нерв системаси касалликлари (неврастения, реактив ва астеник ҳолат, кечки уйқунинг бузилиши, логоневроз), юрак-қон томир системаси касалликлари (бош мия томирлари атеросклерозининг бошланғич даври, юрак ишемик касалликлари, гипертоник типи бўйича нейроциркулятор дистония, I- ва II-даражали гипертоник касаллиги, қўл-оёқ томирларининг облитерик касаллиги), ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги, бронхиал астма, нейродермит, экзема, энурез.

Қарши қўрсатма. Эпилепсия, юрак порогининг декомпенсацияси, электр токини кўтара олмаслиқ, кўзнинг яллиғланиш касалликлари (конъюктивит, блефарит), юзнинг нам дерматити.

Параметрлари. Электр уйқу терапиясида тўғри бурчакли, частотаси 5 – 160 имп. Ва давомийлиги 0,2 – 0,5 мс ли импульс токлари қўлланилади. Беморнинг ҳолатига қараб импульсларнинг частотаси танланади. Марказий нерв системасининг яққол қўзгалиш ҳолатларида паст частотали (5-20 имп/с), унинг тормозланишида юқори частотали (40-100 имп/с) импульс токлари қўлланилади.



Муолажани ўтказиш учун Электросон-4Т (ЭС-4Т) ва Электросон-5 (ЭС-10-5) аппаратлари қўлланилади. Улар ёрдамида импульсли токларнинг частотаси ва амплитудасини ўзгартириш мумкин.



Методикаси. Муолажа яrim қоронги, шовқиндан ҳимояланган хонада ўтказилади. Беморлар қуллай ҳолатда, кушеткада ётган ғолатда бўлишлари лозим. Электродларнинг кўз - энса қўйилиш усулидан фойдаланилади. Бунинг учун резина манжетига ўрнатилган икки тармоқли электроддан фойдаланилади, унинг

мосламасига 1 см қалинликдаги сув билан намланган гидрофил матолар жойлаштирилади. Кўз соҳасига қўйиладиган электродлар ёпиқ киприкларга

кўйилиб, катод билан боғлантирилади, энса электродлари энса суюгининг сўрғичсимон ўсимтага кўйилади, фиксацияланади ва анод билан боғлантирилади. Ток кучининг ишлатиладиган чегараси 8 мА дан ошмаслиги керак. Уни электродлар остида енгил оғриқсиз вибрация пайдо бўлгунча ошириш мумкин. Агар нохушликлар сезилса, электродлар остида ачишиш кузатилса ток кучини тушуриш тавсия этилади.

Даволовчи муолажанинг давомийлиги 20 – 40 минут. Муолажа ҳар куни ёки кун ора ўтказилади, бир курсга 15 – 20 муолажа. Зарурият туғилганда электр уйқу терапия муолажасини 2 – 3 ойдан сўнг қайтариш мумкин.

Диадинамотерапия - организмга даволовчи диадинамик импульсли токларнинг таъсир усули.

Усулда кўлланиладиган динамик токлар ритмик ҳолатда миелинизацияланган нервлар ўтказувчанлигининг соматосенсор системасига (тери ва мушак афферентлари) қўзғатувчи таъсир этади. Шу нарса маълумки, терининг нерв ўтказувчанлиги бу токларга максимал сезгириликка эга. Ҳосил бўлган ритмик кўтарилиувчи афферент оқимлар қалин миелинлашган толалар бўйича орқа мия орқа шохларининг желатинали субстанциялар йўналиши бўйича тарқалади ва кейинчалик палеоспиноталамик, неоспиноталамик ва спиноретикулоталамик йўллар бўйича бош мия поясининг эндоген опиоид ва серотонинергик системаларини фаоллаштиради ва унинг пўстлоғида доминант қўзғалиш ўчогини шакллантиради.

Ритмик қўзғалиш доминантаси орқага қайтувчи индукциянинг манфий қонуни бўйича пўстлоқдаги оғриқ доминантаси жойининг ўзгаришига ва парасимпатик нерв системаси марказларининг фаоллашишини чақиради. Натижада bemорда оғриқ сезувчанлиги камаяди, ҳаттоқи тўлиқ оғриқ йўқолгунча. Натижада оғриқ ўчогидан афферент импульсация марказий нерв системасига етиб бормайди. Бу ҳолат кўпроқ катод остидаги тўқималарда намаён бўлади. Диадинамик токларнинг аналгетик таъсири бир

вақтда маҳаллий анестетикларни (диадинамофорез) юбориш билан потенцияланади ва 2 соатдан 6 соатгача давом этади. Пүстлоқ ва пүстлоқ ости марказларининг фаоллашиши натижасида шаклланаётган тушувчи эфферент импульс оқимлари жарохатланган орган ва тўқималарда қон оқими тезлигини кучайтиради, симпатик нерв системасининг трофик таъсирини ва маҳаллий ҳимоя гуморал механизмларини фаоллаштиради. Эндорфинларнинг ишлаб чиқарилишининг фаоллашиши, ферментлар фаоллигининг ортиши юзага келади, диадинамик токларнинг паравертебрал соҳага таъсири натижасида Реншоу хужайралари фаоллашади ва спинал тормозланиш системасининг бузилишлари тикланади. Бу оғриқ синдроми билан боғлиқ мушакларнинг ошган кучланишини камайтиришга олиб келади. Тананинг жарохатланган соҳасига бевосита таъсири скелет мушакларда ва томирнинг силиқ мушакларида қўп сонли миофибриллаларнинг ритмик қичқаришини юзага келтиради. Уларнинг контрактил хусусиятларнинг ўзгариши микроциркулятор оқим томирларининг ўзига хос массажига олиб келади, у қон оқимининг рефлектор кучайишини аниқлайди, шунингдек анастамоз ва коллатералларнинг фаол миқдорини оширади. Бу усулда қўлланиладиган импульс токлари тўқималарда алмашинув жараёнларини фаоллаштиради. Натижада уларнинг ҳарорати таъсир этиш соҳасида $0,4 - 1^{\circ}$ га ортади. Томирлар силлиқ мушакларининг қисқариши гиперемия чақириш бир қаторда веноз оқимининг ортишига, ионлар ва сув диполларининг интерстицияда сақланишининг қайта тақсимланишига, хужайра аутолизи, тўқима дегидрацияси махсулотларининг чиқариб ташлашига ва шишишларнинг камайишига олиб келади.

Даволовчи самара доғлиги: мионейростимулловчи, анальгетик, вазоактив, трофик.

Кўрсатма. Периферик нерв системасининг ўткир ва ўткир ости касалликлари (радикулит, неврит, радикулоневрит, симпatalгия, орқа мия жарохати), суюк-мушак системасининг ўткир травматик жарохатлари

(боғламлар жарохати, лат ейишлар, миалгия, периартритлар, мушак атрофияси), юрак–қон томир системаси касалликлари (гипертоник касалликнинг II–даражаси, Рейно касаллиги, қўл–оёқ томирларининг атеросклерози, варикоз касаллиги, болитерик эндаритерит), бронхиал астма, ошқозон–ичак йўли касалликлари (холецистит, ўт хайдаш йўлларининг дискинезияси, атоник ва спастик колитлар, панкреатит), ревматоид артритлар, энурез, деформацияловчи остеоартроз, Бехтерев касаллиги, битишима касаллиги ва бошқалар.

Қарши қўрсатмалар. Суяк синишида суяк бўлаклари иммобилизациясининг йўқлиги, сийдик ва ўт тош касалликлари, тромбофлебитлар, висцерал келиб чиқишли ўткир оғриқлар (стенокардия, миокард инфаркти, буйрак коликаси хуружлари, туғиш, жарроҳлик манипуляциялари).

Параметрлари. Муолажа ўтказиш учун диадинамик токлардан фойдаланилади – ярим синусоидал шаклли, частотаси 50 ва 100 Гцли импульсли токлар. Француз врач–стоматологи P.Bernard организмнинг қўзғалган тўқималари бу токларга жуда тез мослашишини кўрсатиб берган. Токларга мослашишни камайтириш учун диадинамик токлар турли қўшилишларда қўлланилиши керак. Ҳозирги кунда 5 та асосий турлари ва 2 та тўлқинли модуляциялари қўлланилмоқда.

Диадинамик токларнинг асосий турлари. 50 Гц частотали *бир ярим даврли узлуксиз* яримсинусоидал ток. Кучли қўзғатувчи ва миостимуляцияловчи (мушакларнинг тетаник қисқаришигача бориши мумкин) таъсирга эга. Беморда йирик ёқимсиз вибрация чақиради.


Икки ярим даврли узлуксиз 100 Гц ярим синусоидал ток. Яққол оғриқ қолдирувчи ва вазоактив таъсир этади,

мушакларда фибрилляр тортилишини, майда ва тарқалувчан вибрацияни чақиради.

Бир ярим даврли ритмик. Узилиб, бир хил пауза билан бериладиган узлуксиз бир ярим даврли ток. Яққол миостимулловчи таъсирини токлар юбориши вақтида қўрсатади, пауза вақтида мушаклар тўлиқ бўшашади.

Қисқа даврли модулланган токлар. Бир ярим даврли узлуксиз ва икки яримдаврли узлуксиз токларнинг кетма–кет тартибли қўшилмаси. Токнинг бундай кетма–кетлиги уларга мослашишини жиддий камайтиради. Бу ток тури бошида нейромиостимулловчи таъсир қўрсатади, 1–2 минутдан сўнг анальгезияни чақиради. Беморларда вақти–вақти билан йирик ва юмшоқ майнин вибрация сезгисини чақиради.

Узун даврли модулланган токлар. Бир вактда бир яримдаврли узлуксиз токнинг 4 с давомийлиги билан ва икки яримдаврли узлуксиз токнинг 8 с давомийлиги билан қўлланилиши. Бундай токларда нейромиостимулловчи таъсири аста камайиб, оҳиста анальгетик, вазоактив ва трофилик самарадорлиги ошиб боради.



Основные виды диадинамических токов.

ОН – однополупериодный непрерывный; ДН – двухполупериодный непрерывный; ОР – однополупериодный ритмический; КП – ток, модулированный коротким периодом; ДП – ток, модулированный длинным периодом; ОВ – однополупериодный волновой; ДВ – двухполупериодный волновой. По оси абсцисс – время, t , с; по оси ординат – сила тока, I , мА.

Диадинамика токларнинг түлқинли модуляциялари.

Бир яримдаври түлқинсимон. 4-8 с давом этувчи 50 Гцли бир яримдаври узлуксиз токнинг 2-4 с пауза билан берилиши. Яққол намоён бўлувчи нейромиостимулловчи таъсирга эга.

Икки яримдаври түлқинсимон. 4-8 с давом этувчи 100 Гцли икки яримдаври узлуксиз токнинг 2-4 с пауза билан берилиши. Яққол нейротрофик ва вазоактив таъсирларга эга.

Беморларнинг импульсли токларга ўрганиб қолишини камайтириш учун рецептурага oddатда 2-3 та қўлланиладиган диадинамик ток турлари

ёзилади. Мақсад ва кутилаётган самарадорликка нисбатан токларнинг асосий турлари ва уларнинг модуляциялари қўшилмаси қўлланилади.

Методикаси. Муолажа ўтказиш учун яssi, турли катталиктаги гальванизация учун қўлланиладиган электродлардан, кичик ва ўрта косали электродлардан фойдаланилади. Бемор танасига яssi электродлар қўндаланг ёки бўйлама жойлаштирилиб, яхши, зич алоқага кириши учун резинали бинт ёки қумли ёстиқча билан фиксацияланади. Яssси электрод косачалари гидрофил прокладкалар билан тампонланади. Электродлар орасидаги масофа уларнинг қўндаланг катталигидан кам бўлмаслиги лозим. Электродлар тери юзасининг оғриқ ўчоги соҳасига жойлаштирилади. Оғриқ ўчоги соҳасига катод билан боғланган актив электрод жойлаштирилади. У ритмик қўзғатиш доминантасини самарали шакллантиради ва ўткир оғриқнинг йўқолишига саабаб бўлади.

Диадинамофорезда bemornинг териси ва гидрофил прокладка орасига дори суюқлиги билан намланган дори қавати жойлаштирилади. Бошқа электроддан қарама қарши кутбли дори моддасини юбориш мумкин. Беморга берилувчи ток кучи электродларнинг катта кичикилиги ва шакллига нисбатан дозаланади ва ўрта ҳисобда 2-5 мАдан 15-20 мАгача бўлади. Бундан ташқари муолажа ўтказиш вақтида bemornинг сезишига аҳамият қаратиш керак. Ток кучини яққол вибрация сезгунча ёки электроднинг тушиб кетиш ҳисиёти пайдо бўлгунча аста-секин ошириб борилади. Электродлар остида куйдириш сезгиси ёки муолажадан кейин яққол гиперемия пайдо бўлса, ток кучи кейинги муолажаларда камайтирилади.

Ҳар куни ёки кунига 2 марта ўтказилаётган муолажанинг давомийлиги 8-10 минутдан ошмайди. Бир курс давога 6-12 муолажа берилади. Зарурият туғилганда муолажа курси 2 ҳафтадан кейин қайтарилади.

Амплипульстерьерапия – даволаш мақсадида синусоидал модулланган токлар билан организмга таъсир этилади.

Асосий таъсир этувчи омил бўлиб 5000 Гц частотали ўзгарувчан, амплитудаси бўйича модулланган электр токи ҳисобланади.

Синусоидал модулланган токлар бемор организмида таъсир этувчи тўқималарда ток ўтказувчанинги кучайтиради, бу эса нерв ва мушак толалларини қўзғайди. Бу реакцияларнинг асосини нейролемма ва сарколемма потенциал боғлиқ ион каналларининг фаоллашиши ҳосил қиласи, бу ўз навбатида мембраналарнинг дастлабки қутбланиши ва таъсир потенциалларининг генерацияси ўзгаришига олиб келади. Фаоллашаётган ион каналларининг сони ўзгарувчан токнинг модуляция частотасига ва ион каналларининг кинетик характеристикасига, шунингдек модуляция амплитудасининг чукурлигига мос равишда боғланган. Таъсир этувчи ўзгарувчан токнинг модуляция частотаси қанча кам бўлса, унинг тебраниш сериялари шунча катта давомийликка эга бўлади. Бунинг натижасида нафақат тез фаоллашаётган ион каналлари балки секин фаоллашаётган ион каналлари ҳам очилади, бу қўзғатувчи таъсир натижасида омил таъсирининг кучайиши юзага келади. Аксинча, модуляция частотасининг ошиши ва тебраниш сериялари давомийлигининг камайиши билан у камайиб боради. Синусоидал модулланган токларнинг нейромиостимулловчи таъсир самараси модуляция частотасига ва чукурлигига боғлиқдир. Доимий токка нисбатан унинг самарадорлиги бирмунча баланд, лекин диадинамик ва флюктиловчи токларнига нисбатан кам.

Тўқималарга йўналтирилган электромагнит майдонининг хаддан ташқари кучланиши натижасида қўзғалиш жараёнларига тери, мушак ва висцерал афферентлар ҳамда ҳаракатчан ва вегетатив нерв толалари қўшиладилар. Модуляция частотасининг турли хилдаги нерв толалари бўйича битишма йўналиши частотаси билан мос тушуши уларда марказий нерв системасига борувчи афферент импульсация тартибли ритмик оқими шаклланади. Бу беморларда кузатилаётган оғриқларни тўхтатишида кенг қўллаш имконини беради.

Оғриқ синдромини тўхташтишнинг марказий механизмлари билан бир қаторда модулланган синусоидал токлар ишемияга учраган тўқималарда микроциркуляр оқимни фаоллаштиради, веноз димланишни ва нерволди шишишларни камайтиради. Бу механизмларнинг бирлашиши оғриқ қолдириш самарадорлигини янада кучайтиради, у bemорларнинг 90-98%да кузатилади. Вегетатив толаларнинг хаддан ташқари қўзғалиши (симпatalгия) билан боғлик оғриқ синдромини қолдиришда синусоидал модулланган токлар кўпроқ самара беради.

Катта амплитудали синусоидал модулланган токларнинг сериялари катта миқдордаги миофибрillаларнинг ритмик қисқаришига олиб келиш хусусиятига эга, модуляция частотаси 10 Гцдан ошганда силлиқ ва скелет мушакларининг тетанусига олиб келиши мумкин. Тўқималарда ҳосил этилаётган электр майдонининг кучланиш векторининг вақти-вақти билан ўзгариши бу ерда миостимулловчи таъсирнинг диадинамик токларга нисбатан кам даражада кузатилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда синусоидал модулланган токлар мушак ва уларни иннервация қилувчи ҳаракат толаларида қўзғалишни фақат ўзгаришнинг боланғич босқичларида чақириши мумкин. Шунга қарамасдан даволовчи омилнинг таъсири натижасида нафақат скелет мушакларда балки ички органларнинг силлиқ мушакларида ҳам қисқариш кузатилади.

Марказий нерв системасининг турли даражаларида кўтарилиувчи афферент оқимларнинг таъсири натижасида томирларни ҳаракатлантирувчи ва нафас марказларининг фаоллашиши кузатилади. Бу гемодинамика ва ташқи нафас функциясининг (юрак қисқариш ва нафас частотаси камаяди, мия томирларининг тонуси ортади) яққол ўзгаришига олиб келади. Синусоидал модулланган токлар артериал ва веноз оқимларини кўпайтиради, бу тўқима ҳароратини $0,8-1,0^{\circ}\text{C}$ га ошишига сабаб бўлади. Шунингдек юракнинг қисқариш функцияси ва ташқи нафас функцияси (унинг чуқурлиги ошади) тезлашиши кузатилади. Шу билан бир қаторда синусоидал

модулланган токлар ичак, ўт йўли ва сийдик йўли тонусларини оширади. Ички органларда трофик функцияларнинг фаоллашиши дистрофик ўзгаришларда уларнинг функциясини тикланишига ва тўқималарнинг репаратив регенерациясини стимуллайди.

Даволовчи самара доrligi: нейромиостимулловчи, анальгетик, томир кенгайтирувчи, трофик.

Кўрсатма. Периферик нерв системасининг оғриқ синдроми билан касалликлари (невралгия, неврит, радикулит, плексит, нейромиозит, каузалгия), гипертония касаллигининг II-даражаси, нафас органлари (сурункали бронхит, бронхиал астма), ошқозон-ичак йўли (ошқозоннинг функционал бузилишлари, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги, рефлюкс-эзофагит, ўт хайдаш йўли дискинезияси) касаллиги, бўғим касалликлари (ревматоид артрит, деформацияловчи артроз, периартрит), энурез, функционал характердаги импотенция.

Қарши кўрсатмалар. Суяк бўлаклари иммобилизация қилинмаган суяк синишлари, ўт пуфаги ва сийдик тош касалликлари, электр токига сезувчанликнинг ортиши, варикоз касаллиги.

Параметрлари. Амплипульс терапияда ўзгарувчан гармоник (синусоидал) частотаси 5 кГц, частотаси бўйича 10-150 Гц диапазонидаги модулланган токлар қўлланилади. Даволовчи таъсири учун электрмагнит тебраниш регенарациясининг ўзгарувчан ва доимий режимлари қўлланилади. Улар ўзгарувчан режимда амплитудали пульсация, доимий режимда монокутбли синусоидал импульсация кўринишида тарқаладилар. Модуляцияловчи ток амплитудаси 50 мАдан ошмайди. Амплипульстерапия ток тебранишларининг маълум кетма-кетликда келувчи ва иш тартиботини аниқловчи алоҳида сериялари билан амалга оширилади. *Бешта* асосий иш *тамибомти* фарқланади.

Биринчи иш тартибоми (доимий модуляция) – ток модуляцияси 10-150 Гц диапазонида.



Модуляция частотасининг камайиши ва унинг чуқурлиги ортиши билан кўзғатувчи самарадорлигининг кучи ортиб боради.

Иккинчи иш тартиби (посилка-назарет) - 10-150 Гц диапазонидаги модулланган токларнинг пауза билан берилиши. Токнинг юбориш давомийлиги ва пауза 1-6 с чегарасида бўлади. Бундай режим синусоидал модулланган токларнингпауза фонида яққол контраст таъсирини амалга оширади ва нейромиостимулловчи самарадорликни беради.

Учинчи иш тартибоми – модулланган маълум частотали 10-150 Гц диапазондаги токларнинг частотаси 5 кГц модулланмаган токлар биргаликда берилади. Токнинг юбориш давомийлиги 1-6 с чегарасида бўлади. Уларнинг стимулловчи таъсири бундай қўшилишда кам, лекин аналгетик самарадорлиги қўп.

Тўртинчи иш тартибоми - модуляция частотаси 150 Гц токнинг ҳар хил модуляция частотали 10-150 Гц диапазонидаги токлар биргаликда қўлланилади. Синусоидал модулланган токлар бундай қўшилмада қўпроқ аналгетик самарадорликни беради.

Бешинчи иш тартибоми – модуляция частотаси турлича бўлган 10-150 Гц диапазонидаги токларнинг пауза билан берилиши. Бу режимдаги бирикма юмшоқ нейромиостимулловчи ва трофик таъсир этади.

Методикаси. Амплипульстерапия муолажаси бемор мушакларининг максимал бўшашган шароитида олиб борилади. Муолажа вақтида прокладка


орқали бемор танасига қўйиладиган пластинкали электродлар қўлланилади. Электродлар эластик бинт, қумли ёстиқча ёки бемор танаси билан фиксацияланади. Синусоидал модулланган токлар билан таъсир бир нечта иш тартиботини қўллаш билан ўтказилади. Оғриқ синдроми қанчалик яққол бўлса ІІ-иш тартиботида ток модуляциясининг частотаси оширилади ва 3-5 таъсир этилади. Аксинча ІV-иш тартиботида частоталар фарқи катта бўлмайди (одатда модуляция частотаси 90 ва 120 Гц ёки 130 ва 150 Гц қўлланилади), юборилиш давомийлиги 1-2 с., таъсир этиш вақти 3-4 минут. Оғриқ синдромининг 3-4 муолажаларга келиб камайиши билан модуляция частотаси 30-60 Гц гача камайтирилади, модуляция чуқурлиги 50-75% гача оширилади. Мушак атрофияси билан кечадиган яққол бўлмаган оғриқда жарохатланган тўқимага синусоидал модулланган токларнинг ІІ-иш тартиботи, кейин эса ІV-иш тартиботи 3-5 минутдан қўйилади.

Хар куни ёки кун ора берилаётган таъсир давомийлиги 20-30 минутдан ошмайди, бир курсга 6-10 муолажа. Кучли оғриқ синдромида муолажани бир кунда 2 марта ўтказиш мумкин. Зарурият туғилганда амплипульстерапия 15-30 кундан кейин қайтарилади.

Доимий ва импульсли электр токлари билан


контакт даволашнинг хусусий усуллари

1-методика. Ёқа соҳасига таъсир этиш (А.Е.Щербак бўйича).




Электрод- 1000 cm^2 майдонли анод ёқа соҳасига, иккинчи электрод-майдони 600cm^2 бел-думғаза соҳасига қўйилади. Ток кучи таъсир соҳасида енгил жимирилаш сезгунча ошириб борилади, муолажанинг давомийлиги 15 минут. Бир курс давога 10-15 муолажа, хар куни ёки кун ора.

2-методика. Умумий гальванизация (С.Б.Вермел бўйича).




300 см² майдонли электрод қураклар оралиғига, иккинчи икки тармоқли 150 см² электрод болдириш мушакларига жойлаштирилади. Ток кучи 10 мА гача.

3-методика. Юз соҳасига таъсир (Бергонье ярим маскаси).



Майдони 200 см² электрод жарохатланган юз соҳасига, иккинчи электрод қарама-қарши елка соҳасига жойлаштирилади. Ток кучи 5 мА гача. Давомийлиги 20 минутгача.

4-методика. Юз ва эшитиш нервининг невритида юз соҳасига таъсир. Жарохатланган томондаги ташқи эшитиш йўлига дори моддаси билан намланган пахтали тампон киргизилади. Шундан сўнг “Бергонье ярим маскаси” электроди қўйилади. Тампон учлари электрод билан контактда бўлиши лозим. Иккинчи худди шундай майдонга эга бўлган электрод қарама-қарши елка соҳасига қўйилади.




5-методика. Уч бошли нервининг чиқиши соҳасига таъсир. Диаметри 4 см уч тармоқли думалоқ электродлар терининг супраорбитал, инфраорбитал

ва ментал тешиклари проекциясига жойлаштирилади. Иккинчи электрод қулоқ козелогидан 0,5 см олдинда нерв стволининг прекциясига мос соҳага жойлаштирилади. Маълум бир шохи жарохатланганда электродлар шоҳ ва ствол чиқиш проекциясига жойлаштирилади.

6-методика. Бурун шиллиқ пардасига таъсир (интраназал таъсир).

Икки тармоқли бурун электродларини пахтали тампонлар билан ўраб бурун




йўлларига имкон даражасида ичкарироқ киргизилади ва аппарат клеммасига уланади. Бурун йўли шиллиқ пардалари билан тампонлар зич контактда бўлишлари зарур. Иккинчи электрод анод бўлса у ҳолда у

умуртқа поғанасининг юқори бўйин соҳасига, агар катод бўлса у ҳолда умуртқа поғанасининг пастки бўйин соҳасига жойлаштирилади.

7-методика. Чакка-пастки жағ бўғимиға кўндаланг таъсир.


Жарохатланган бўғимга 4x5 см ли электрод жойлаштирилади. Майдони 2 см^2 оғизга мўлжалланган электрод ретромолляр учбурчакка очиқ оғиз орқали қўйилади. Ток зичлиги $0,3 \text{ mA}/\text{cm}^2$ гача.

8-методика. Бўйин-юз соҳасига таъсир. V шаклли пахта мато 150 см^2



майдонли электрод билан шундай жойлаштириладики, пастки томондан қулоқ чаноғини қамраб олсин. Худди шундай майдонга эга электрод қарама-қарши томонга қўйилади. Биринчи икки муолажада ток кучи $4-7 \text{ mA}$, кейинчалик $10-15 \text{ mA}$ гача кўтарилади..

9-методика. Кўз-энса соҳасига таъсир (Бургиньон бўйича).



Диаметри 5 мм ли икки тармоқли электрод кўз қовоқлари устига жойлаштирилади, иккинчи 50 cm^2 майдонли электрод бўйин соҳасига жойлаштирилади. Ток кучи 1-5 mA, муолажанинг давомийлиги 10-20 минут, бир курс давога 10-15 муолажа.

10-методика. Қулоқ соҳасига таъсир (экстраурал). 3x4 смли эгри ёйсимон бир электрод қулоқнинг пастки ярмига жойлаштирилади ва аппарат кутби билан бирлаштирилади. Иккинчи 6x8 смли электрод қарама-қарши лунжга ижойлаштирилади. Ток кучи 0,5-1,2 mA, муолажа давомийлиги 10-15 минут, бир курс давога 10-12 муолажа.

11-методика. Гайморов бўшлиғи соҳасига таъсир. 3,5x17 смли бир электрод бурун юзасига ва гайморов бўшлиғи проекциясига жойлаштирилади, 7x10 смли иккинчи электрод бўйин орқа юзасига жойлаштирилади. Ток кучи 3-6 mA. Муолажа давомийлиги 10-20 минут, бир даво курсига 8-15 муолажа.

12-методика. Хиқилдоқ соҳасига таъсир. Хиқилдоқ соҳасига ёки 6x10 смли электрод – бўйиннинг олдинги юзасига ёки 3x6 смли электрод – хиқилдоқнинг ён юзаларига жойлаштирилади, иккинчи электрод бўйиннинг орқа юзасига жойлаштирилади. Ток кучи 4-7 mA, муолажа давомийлиги 10 минут, бир курс давога 8-10 муолажа.

13-методика. Сут бези соҳасига таъсир. Ташқи диаметри 10-15 см ва ички диаметри 5 см бўлган катодга уланган ҳалқа симон электродлар сут безига шундай жойлаштириладики, уларнинг сўрғичлари бўш қолиши керак,

анод билан уланган иккинчи электрод икки курак оралиғига ёки қов сүяклари бирлашган соҳасига жойлаштирилади.

14-методика. “Иштон” соҳасига таъсир (Щербак бўйича). Бемор ётган ҳолатда. 15x20 смли бир электрод бел-думғаза соҳасига, икки тармоқли иккинчи электрод соннинг олдинги юзасига ёки қориннинг пастки қисмига жойлаштирилади. Муолажа 6 минут давомида 6 мА билан бошланиб, уларни 2 минут ва 2 мА ошириб бориб, 15-30 минутга ва 15-30 мА гача олиб чиқилади.

15-методика. Тўрт камерали ванналар. Бунинг учун маҳсус стулга



ўтириб, қўл ва оёқларини 36-37°C ҳароратли сув билан тўлдирилган, кўмирли электродларга эга ванночкаларга тушуради. Ток кучи 30 мА, давомийлиги 20 минут, бир курс давога 10-12 муолажа.

16-методика. Умуртқа поғанаси соҳасига таъсир. 4x12 ёки 15 смли электродлар умуртқа поғанасининг икки томонига паравертеbral жойлаштирилади. Ток кучи 5 мА. Ёки 8x15 см ли электродлардан бири тўш суюги соҳасига, иккинчиси биринчисига қарши умуртқа поғанаси соҳасига жойлаштирилади. Ёки иккала электрод умуртқа поғанаси бўйлаб жойлаштирилади. Ток кучи 10-15 мА.

17-методика. Қуймич (седалищный) нерви соҳасига таъсир. Бир электрод 3x15 смли соннинг орқа юзасига қуймич нервининг проекциясига, иккинчи электрод шу соннинг олдинги юзасига жойлаштирилади. Ток кучи 4-5 мА, давомийлиги 10-12 минут. Ёки 3x5 см ли биринчи электрод думба бурмаси соҳасидаги қуймич нерв прекциясига, иккинчиси тизза ости

чуқурчасига ўрта чизиқдан латерал соҳага жойлаштирилади. Ток кучи 2-5 мА, давомийлиги 8-15 минут, бир курсга 10-20 муолажа.

18-методика. Ўпка соҳасига таъсир. 10×15 ёки 20 смли электродлар кўкрак қафасининг ўнг ва чап томон юзаларига жойлаштирилади. Ёки электродлар патологик ўчоғ проекциясига нисбатан олди-орқа юзасига (кўндаланг) жойлаштирилади. Ток кучи $15-20$ мА, давомийлиги $15-20$ минут, бир курсга 20 муолажагача.

19-методика. Жигар ва ўт қопи соҳаларига таъсир. Бемор ётган ҳолатда 10×15 см ли бир электрод жигар ва ўт қопи проекцияларининг олди юзи томонига, иккинчиси орқа томондан биринчисига қарама-қарши (кўндаланг) қўйилади. Ток кучи 15 мА.

20-методика. Ошқозон соҳасига таъсир. Бемор ётган ҳолатда 15×12 см ли биринчи электрод кўкрак остига, иккинчиси орқанинг пастки кўкрак кисмига жойлаштирилади. Ток кучи 18 мА гача, давомийлиги $8-15$ минут, бир курсга $10-15$ муолажа.

21-методика. Буйрак соҳасига таъсир. Икки тармоқли, майдони $100-150$ см^2 электродлар қорин деворининг қов суюклари бирлашган соҳанинг усти соҳасига, иккинчи электрод бел-думғаза соҳасига жойлаштирилади. Ток кучи 15 мА, давомийлиги $10-15$ минут, бир курс давога $10-15$ муолажа.

22-методика. Талоқ соҳасига таъсир. Бемор ётган ҳолатда 10×20 см ли биринчи электрод чап қовурға ости соҳасидан орқа аксилляр чизигигача, иккинчиси орқа томондан биринчисига қарши жойлаштирилади. Ток кучи 20 мА гача, давомийлиги 10 минут, бир курс давога $10-16$ муолажа.

23-методика. Ичак соҳасига таъсир. Бемор ётган ҳолатда бир электрод қорин соҳасига, иккинчиси бел соҳасига жойлаштирилади. Ток кучи 30 мА гача, давомийлиги 30 минутгача, бир курс давога $10-20$ муолажа.


24-методика. Тишнинг кариес доғли соҳасига таъсир. Тиш сўлакдан тозаланади ва изоляцияланади. Пассив электрод ўнг қўлга қўйилади. Актив электродга реминералловчи суюқлик эритмаси билан

намланган турунда ўралади ва тишнинг эмали ўзгарган соҳага қўйилади. Ток кучи 30 мкА гача, давомийлиги 20 минутгача.

25-методика. Оғриқсизлантириш учун кариес бўшлиғига таъсир.

Тиш сўлакдан изоляцияланади ва илиқ ҳаво ёки пахтали тампон билан қуритилади. Кариес бўшлиғига актив электрод билан таъминланган анестетик билан намланган тампон жойлаштирилади. Пассив электрод ўнг қўлга жойлаштирилади. Ток кучи 30 мкА гача, давомийлиги 20 мингутгача.

26-методика. Перидонтда трансканал электрофорез. Кариес бўшлиғи шакллантирилади ва тиш бўшлиғи очилади. Коронкали ва илдизли



пульпа олиб ташланади. Тиш сўлакдан изоляцияланади. Тиш бўшлиғига сув ёки дори моддаси билан намланган тампон қўйилади. Агар канал яхши ўтишга эга бўлса, унга тампон қўйилгунча тампон нима билан намланган бўлса худди шу моддалар билан намланган турунда каналга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан сўнг иситилган шпател билан ёпишқоқ тиш техникасида қўлланиладиган мўм олиниб, спиртовкада қиздирилади, лекин эритиб юборилмайди ва кариес бўшлиғига қўйилади. Бу ҳаракат бўшлиқ тўлгунча қайтарилиб борилади. Агар таъсир этиш юзасида кариес бўшиклари бўлса, унинг мўм билан изоляцияси шу жойдан бошланиши керак. Таъсир этувчи контакт юза изоляциялангандан сўнг мўм чайнов юзасига қўйилиши мумкин. Чайнов юзаси бирламчи изоляцияланганда ён юзаларда ковакларнинг ҳосил бўлишига ва кейинчалик токнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин, бундай муолажанинг фойдаси бўлмайди. Тишга қўйилган ёпишқоқ мўм қотганидан сўнг (1-2 минутдан кейин) электрод аппарат клеммаларига бириктирилади, индифферент электрод ўнг билакка жойлаштирилади. Ток кучи 3 мкА, давомийлиги 20 минутгача.

27-методика. Жарохатланган тиши соҳасидаги тўқималарга кўндаланг таъсир. 2cm^2 майдонли ён юза активлиги билан оғиз учун электродлар тиши илдизи проекциясининг вестибуляр ва орал томонларига қўйилади.


28-методика. Тишларга бўйлама таъсир. Милк учун 10×1 смли бир электрод юқори жағнинг альвеоляр ўсимталарининг шиллик пардасига вестибуляр томондан, иккинчи худди шундай электрод пастки жағ милкининг шиллик пардасига қўйилади. Электрод симлари бирга бириктирилиб, ГР-2 аппарат клеммасининг бирига махкамланади. 8×10 смли индиферент электрод ўнг билак соҳасининг ташқи томонига жойлаштирилади.

29-методика. Милкларга кўндаланг таъсир. Милк учун электроднинг бири 10×1 смли юқори ёки пастки жағнинг альвеоляр ўсимтасининг шиллик пардасига вестибуляр томондан, иккинчиси 5×1 смли оғиз томондан қўйилади.

30-методика. Пародонт касаллигига сегментар таъсир. 10×1 см ли иккни тармоқли электроднинг бири юқори жағ альвеоляр ўсимтанинг шиллик пардасига вестибуляр томондан, иккинчи электрод пастки жағ альвеоляр ўсимтасининг шиллик пардасига жойлаштирилади. Электрод ўтказгичлари бирлаштирилиб ГР-2 аппарати клеммасига бирлаштирилади. Аппаратнинг бошқа клеммасига 80 cm^2 майдонли индифферент электрод бирлаштирилади. Бу электрод агар анод бўлса умуртқа поғанасининг юқори бўйин соҳасига, агар катод бўлса умуртқа поғанасининг пастки бўйин соҳасига қўйилади.

31-методика. Милкнинг патологик чўнтакларига таъсир. Милкнинг патологик чўнтакларига дори моддаси намланган турунда жойлаштирилади. Кларнинг охирлари ташқарига чиқарилади, сўнгра милк электродлари 30-методикага ўхшаш жойлаштирилади.

32-методика. Пародонт касаллигига рефлектор таъсир. 10x1 см ли



милк учун мўлжалланган икки тармоқли электроднинг бири юқори жағ альвеоляр ўсимтасининг шиллик пардасига, иккинчиси пастки жағ альвеоляр ўсимтасининг шиллик парадсига жойлаштирилади. Бирлаштирилган электрод ўтказгичлари аппарат клеммасига қўшилади. Иккинчи бурун учун мўлжалланган икки тармоқли электрод иккала бурун йўлига

ёки битта бурун йўлига киргизилади.

33-методика. Тилга сегментар таъсир. 2 см² майдонли оғиз учун мўлжалланган электрод актив ён юзаси билан тилнинг орқасига қўйилади. Иккинчи электрод 5x8 см агар анод бўлса, умуртқа поғанасининг юқори бўйин соҳасига, агар катод бўлса, умуртқа поғанасининг пастки бўйин соҳасига жойлаштирилади.

34-методика. Лавбларга таъсир. 3x5 см ли ташқи электрод лабларнинг терисига, иккинчиси 1x5 см ли милк электроди лабларнинг шиллик пардасига вестибуляр томондан жойлаштирилади. Таъсир давомийлиги 20 минут.

35-методика. Сўлак безларига таъсир. 12x4 см ли икки тармоқли электрод қулоқ козелогининг олди ва пастки қисмига жағ ости соҳасига ўтишнинг икки томонига қўйилади. Иккинчи электрод агар анод бўлса, умуртқа поғанасининг юқори бўйин соҳасига, агар катод бўлса, умуртқа поғанасининг пастки бўйин соҳасига жойлаштирилади.

36-методика. Қулоқ олди сўлак безига кўндаланг таъсир. 8x3 см ли биринчи электрод ташқи эшитиш йўлининг олди ва пастки қисмига жойлаштирилади. Иккинчи электрод 2 см майдонли безнинг чиқариш йўли проекциясига мос бўлган биринчи юқори моляр соҳасидаги лунжнинг шиллик пардасига жойлаштирилади.

37-методика. Жағ ости сүлак безига таъсир. 20 см² майдонли электрод без териси проекциясининг жағ ости соҳасига, иккинчиси 2 см² гача майдонли оғиз учун ён юза активли электрод оғиз бўшлиғи тубига тил остига мос томонга жойлаштирилади.

38-методика. Жағ ости лимфа тугунларига таъсир. 2 см² майдонли ён юза активли оғиз учун электрод оғиз бўшлиғи тубига патологик ўчоқ устига жойлаштирилади. Иккинчи электрод жағ ости соҳасининг терисига биринчи электродга параллел жойлаштирилади. Унинг майдони патологик ўчоқ майдонидан катта бўлиши зарур.

39-методика. Чайнов мушакларига таъсир. 4x8 см ли бир электрод чайнов мушаклари жойлашган соҳага, иккинчиси оғиз учун электрод биринчи юқори моляр соҳасининг лунж шиллик пардасига биринчи электродга параллел жойлаштирилади.

40-методика. Пастки альвеоляр нервга таъсир. 2 см² гача майдонли оғиз учун ён юза активли электрод ўтувчи бурма бўйича вестибуляр томондан пастки қозиқсимон тиш соҳасига жойлаштирилади. Иккинчи электрод оғизнинг очиқ ҳолатида юқори саккизинчи тиш орқасига жойлаштирилади.

Ёш болаларда гальванизация ва электрофорез.

Болаларга ҳам гальванизация ва электрофорез қўллаш мумкин. Электродлар албатта бинтлар билан фиксацияланиши шарт. Чнуки болаларда доимий токка сезувчанлик юқори бўлади, ток кучи аста-секин ошириб борилади, 3-4 минут давомида шифокор тавсия қилган кучга олиб чиқилади. Ток зичлиги боланинг ёшига боғлиқ – 1 см² га ўрта ҳисобда 0,03-0,08 мА ток. Физиотерапевтик муолажалар болаларда кичик қувват билан енгил жимирилаш пайдо бўлгунча олиб борилади, давомийлиги 5-10 минут.

Электродиагностика ва электростимуляция

Электродиагностика – бу нерв ва мушак тўқималарини электр токи билан текшириш усули. Инсон организмининг тўқималари кўзғалиш

хусусиятига эга. Нервда электр токи таъсирида импульс ҳосил бўлади, бунга жавобан физиологик реакция юзага келади, яъни мушак қисқаради. Реакциянинг кучидан келиб чиққан ҳолда турли касалликларда нерв-мушак аппаратининг жарохатланиш даражаси аниқланади. Қўзғалиш мезони бўлиб, нерв ва мушакларнинг минимал реакциясини чақирувчи токнинг энг кичик кучи ҳисобланади. Электр токи доимий занжирининг ўтказувчанлиги ёмонлашган ва узилган вақтида ҳаракатчан нервнинг қўзғалиши ҳисобига мушакларнинг қисқариши кузатилади. Катодда бундай ҳолат занжирнинг ўтказувчанлиги ёмонлашганда, анодда эса ўзилиш вақтида кузатилади (Пфлюгер-Бреннернинг қутблар қўзғалиш қонуни)

Стоматологияда электродиагностика усули мимик мушаклари, юз нервининг жарохатланиш даражаси ва чуқурлигини ҳамдак мимик мушакларининг контрактура белгиларини аниқлаш имкониятини беради, бу эса даволашни режалаштиришда ва касалланиш давомида давонинг самарадорлигини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Текшириш аввал юзнинг соғлом томнидан бошлаб, сўнgra касал томонига ўтилади. Ҳар нуқтада аввал тетанизацияловчи (импульсли) токнинг қўзғалиш чегараси (порог), кейинчалик гальваник қўзгалувчанлик аниқланади.

Электродиагностика икки усул билан олиб борилади - униполяр (бир қутбли усул) ва биполяр (икки қутбли усул). Икки қутбли усул бир қутбли усул билан мушаклар реакциясини аниқлаш имконияти бўлмагандан қўлланилади.

Бир қутбли усулда 1 см^2 майдонли, ишчи юзасида илиқ сув билан намланган бир неча қаватли марля жойлашган нуқтали электрод қўлланилади. Бу электрод жарохатланган нерв ёки мушакнинг ҳаракатчан нуқтасига, иккинчи 150 см^2 майдонли электрод курак оралиғи соҳасига жойлаштирилади. Электродлар бинтлар билан фиксацияланади.

Икки қутбلى усулда икки тармоқли “тұгмасимон” электроддан фойдаланилади, у икки әгилган стерженьдан таркиб топган бўлиб, учки қисми қалинлашган ва қўл учун мосламада тўхтатиш кнопкаси бўлади. Электрод мушакларнинг қарама-қарши учларига (унинг пайларга ўтиш соҳасига) кўйилади. Токнинг қўлланилаётган кучи мушакларда кўринувчи қисқаришни чақириши лозим.

Элкетроодонтдиагностика – бу электр токи таъсирига пульпа нерв



рецепторларининг реакциясини аниқлаш. 1866 йилда Л.Р.Рубин томонидан усул ишлаб чиқилиб таклиф этилган. A.Maigtio эса кариес диагностикаси учун элкетр токини қўллашни таклиф қилган. Электродиагностика тиш пульпасида кузатилаётган бузилишларнинг сифати ва миқдори ҳақида фикр

юритиш имкониятини беради. Электроодонтдиагностикадан олин–ган маълумотлар дифференциал диагностика ва ўтказилаётган даволашнинг самарадорлигини назорат қилишда қўлланилади. Тиш ва тиш олди тўқималарининг патологиясида қўзғалувчанликнинг чегараси 7–60 мкА оrlағида камайтирилади, бу коронкали пульпада патологик ўчоғ борилигини кўрсатади. Қўзғалувчанликни 60–90 мкА чегарасигача камайтирилса, пульпа илдизида патология борлиги ҳақида гапириш мумкин. 100 мкАга реакция периодонтнинг нормал ҳолатида юзага келади, 300 мкА ва ундан ортиқ ҳолларда периодонтда патологик жараён борлигини билдиради.

Қўзғалувчанликнинг 101–200 мкАгача тушуши пульпанинг ўлганида ва периодонтнинг тактил рецепторларининг таъсиранланганинига юз беради. Пародонтоз ва невритларда баъзи ҳолларда қўзғалувчанликнинг 1,5–0,5 мкА гача кўтарилиши кузатилади, бу дифференциал диагностикада қўлланилади.

Электродиагностика қўллашга кўрсатмалар:

- ✓ чуқур кариес;
- ✓ пульпит;
- ✓ периодонтит;
- ✓ пародонтит;
- ✓ радикуляр киста;
- ✓ тиш ва жағ жароҳатлари;
- ✓ гайморит;
- ✓ остеомиелит;
- ✓ жағ шишишлари;
- ✓ юз ва уч бошли нерв неврити;
- ✓ юзда нурли даволаш;
- ✓ ортодонтик аралашув.



Текшириш учун тиш сўлакдан тозаланиши, пахта тампони билан қуритилиши лозим (спирт, эфир қўллаш мумкин эмас). Агар тишлар кариесга учраган бўлса, улар тозаланади ва қуритилади. Аниқ диагностика ўтказиш учун амальгамдан тайёрланган пломба бўлса, у олиб ташланади, чунки амальгам яхши ток ўтказувчи бўлиб ҳисобланади. Пломбали тишлар қўзғалувчанлигини аниқлашда токнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун пломбалар оралиғига вазелин билан ишлов берилган цеплуюид пластина қўйилади. ОД-2м аппаратида ишланганда пассив электрод намланган пахтали мато билан қўл бармоқларининг ташқи томонига қўйилади ва бинт ёрдамида фиксацияланади; агар ЭОМ-1 аппарати билан ишланса пассив электрод бемор қўлига берилади.

Актив электрод сезувчан нуқталарга қўйилади:

- кесувчи фронтал тишларнинг ўрта қисмининг четларига;
- моляр олди дўнгликнинг олдинги чўққисига;

- моляр лунж бўнглигининг олдинги чўққисига;
- кариес бўшлиғи тубининг 3-4 нуқтасига.

Текшириш 50 мкА диапазонида бошланади. ЭОМ-3 аппаратида ишлашда потенциометр ручкасини ўнг томонга бураб боради, токи тишларда сезувчанлик (иссиқлик, куйдириш, зарба) пайдо бўлгунча. Бу ҳолатни бемор “А-А” товуш билан маълум қиласиди. Тиббий ходим ток кучининг таъсир дозасини белгилаб олади, потенциометр ручкасини тушуриб, “Сеть” клавиши ўчирилади.

ЭОМ-1 аппарати билан ишлашда электродлар беморга жойлаштирилиб бўлингач ўтириш кнопкаси босилади ва импульслар бемор занжирига кириб боради (актив электродни ушлаб турган шифокор қўли албатта резинали қўлқопда бўлиши керак). Шифокор миллиамперметр шкаласи бўйича ток кучининг таъсир этиш кучини белгилаб олади. Милкка тегиб турган пломбада электр қўзғалувчанликни ўtkазиш мумкин эмас, доимо актив электрод ушлагичининг шиллиқ парда билан контакт бўлмаслигини доимо кузатиб туриш керак. Муолажа давомида тишлар вақти-вақти билан қуритилиб турилади, чунки улар нафас олиш вақтида намланади.

Электростимуляци

Электростимуляция учун доимий токнинг биттали ёки ритмик импульслари, диадинамик токлар, синусоидал модуллашган токлар, сигналларнинг товушли спекторлари ва мушакларнинг биопотенциаллари қўлланилади.

Электростимуляция мушакларнинг энергетик потенциалини оширади, натижада фермент системаси фаоллашади, оксидланиш жараёнлари стимулланади, мушакларда гликоген тубдан ўзгаради. Уш бу физиотерапевтик муолажа электрдиагностика маълумотларига асосан ўтказилади. Патологик жараён қанчалик оғир бўлса, стимуляция учун керакли импульс частотаси кичик ва давомийлиги катта бўлади. Бунда импульс шакли қўзғатувчига мушакларнинг мослашиш хусусияти мос тушуши керак.

Агар мушакларда жарохатланиш оғир бўлса, таъсир 20 минутдан ошмаслиги зарур. Енгил жарохатланишда даво курси 8-10 муолажа, оғир жарохатланганда 15-20 муолажа.

Электрдиагностика ва электростимуляция учун кўрсатмалар:

- ✓ мушакнинг бирламчи атрофияси;
- ✓ мушакнинг иккиламчи атрофияси;
- ✓ чакка-пастки жағ бўғимининг касаллиги;
- ✓ миопатик парез ва параличлар.

Электростимуляция учун қарши кўрсатмалар:

- ✓ спастик парезлар ва параличлар;
- ✓ мушакларнинг электр қўзғалувчанлигининг ортиши;
- ✓ мушакларнинг тортишиб қисқариши;
- ✓ контрактуранинг эрта белгилари;
- ✓ чакка-пастки жағ бўғимининг анкилози;
- ✓ чиқишни тўғрилангунча бўлган вақт;
- ✓ операциядан кейинги биринчи ой давомида нерв ва томирда чок.

Флюктуоризация

Флюктуоризация – бу 100 Гцдан 2000 Гцгacha амплитудаси ва частотаси бўйича тартибсиз ўзгарадиган синусоидал ўзгарувчан токни даволаш мақсадида қўллашдир.

Ток таъсири:

- ✓ оғриқ қолдирувчи;
- ✓ жарохатга оид жараённинг кечишини тезлаштиради;
- ✓ соғлом тўқимани яллигланишнинг йирингли ўчоғидан чегараланишига, яллигланиш инфильтратининг қайта ривожланишига имкон туғдиради;
- ✓ регенерация жараёнларини тезлаштиради;
- ✓ алмашинув жараёнларини тезлаштиради;
- ✓ фагоцитоз ва фермент фаолиятини фаоллаштиради.

Бу токлар түўриланган режимда стоматология амалиётида кенг қўлланилади.

Қўллашга кўрсатмалар:

- ✓ сурункали периодонтит, альвеолит, альвеолоневрит, пульпит, артрит хуружлари натижасида юзага келадиган оғриқлар;
- ✓ невралгия;
- ✓ яллигланиш жараёнлари (периостит, абсцесс, флегмона, пародонтит);
- ✓ сўлак безининг касаллиги;
- ✓ яллигланиш контрактураси.

Қўллашга қарши кўрсатмалар :

- ✓ ёмон сифатли шишишлар;
- ✓ Меньера синдроми;
- ✓ Қон кетишга мойиллик.

Флюктуоризация АСБ-2-1 ва кўчма ФС-100-4 аппарати ёрдамида гидрофиль прокладкалар билан контакт электродлар орқали ўтказилади. Электродлардан бири (таъсир этиш мақсадига кўра) тиш ичига, милкка, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасига ёки тери юзасига, иккинчиси бўйин-энса соҳасига қўйилади. Беморнинг сезиши бўйича таъсир интенсивлиги аниқланади : енгил вибрация, санчиш – кучсиз; юзаки мушакларнинг енгил тортилиши – ўрта; юзаки ва чуқур жойлашган мушакларнинг яққол кўринувчи тортилиши – кучли. Муолажанинг давомийлиги 5 минутдан 15 минутгача; даволаш курсига 3 муолажадан 15 муолажагача, ҳар куни ёки кун ора ўтказилади.

Шундай қилиб, доимий ва импульсли токлар тиббиёт амалиётида оғриқ қолдириш, нейростимулловчи терапия мақсадида кенг қўлланилади, бу жағ-юз соҳасида турли патологик жараёнларнинг тез бартараф этиш имконини беради, шунингдек касалликка аниқ диагноз қўйишни, қўлланилаётган даволашнинг самарадорлигини назорат қилишни амалга оширади.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН

РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

1. Гальванизация

Щербак бўйича гальваник ёқа. Анод – ёқа соҳасига, катод – бел соҳасига. Ток кучи 50 мА гача. Муолажа давомийлиги 15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

2. Дорили электрофорез.

Бергонье ярим маска усули бўйича юзнинг ўнг соҳасига новокаин билан электрофорез, ток кучи 5 мА гача, муолажа давомийлиги 15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

3. Диадинамотерапия.

Касал тиш соҳасига диадинамотерапия, кўндаланг усул, ИУ – КД – ИТ 2 минутдан, қутбини алмаштириш билан, бир курс давога 6 муолажа.

4. Электр уйқу терапия.

Электр уйқу терапия, кўз – сўргич симон ўсимта усул, импульслар частотаси 20 Гц, ток кучи сезувчанлик бўйича, муолажа давомийлиги 20 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

5. Амплипульстерьерапия.

Умуртқа поғанасининг бел – думғаза соҳасига амплипульстерьерапия, паравертербрал усулда. Ток тури: частотаси 90 Гц, модуляция чуқурлиги 75%, ток кучи вибрацияни сезгунча, III ва IV иш тартиби 5 минутдан, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

Амалий қўникма

Гальванизация муолажасини ўтказиш

Мақсад: даволаш мақсадида муолажани ўтказилиш техникасини тўғри бажаришни талабаларга ўргатиш.

Бажариладиган босқичлар:

№	Тадбир	Бажарилмади (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарди
1	Аппаратнинг ишчи ҳолатини текшириш		10
2	Физиологик эритма билан намланган прокладкани олиш		10
3	Беморни күшеткага ётқизиш		5
4	Тавсия этилган усул бўйича прокладкаларни жойлаштириш, устидан электродларни қўйиш, фиксациялаш		15
5	Аппаратни ёқишиш		15
6	Беморнинг сезувчанлигини инобатга олиб, регулятор ёрдамида ток кучини - дозасини аниқлаш		15
7	10-15-20 минутга қолдириш		10
8	Муолажа вақти тугагач регулятор стрелкасини «0»гача олиб бориш ва аппратни ўчириш		10
9	Электродларни ва прокладкаларни олиш, bemorга кетишга рухсат бериш		10
	Жами:		100

Дорили электрофорез муолажасини ўтказиш

Мақсад: даволаш мақсадида муолажаны ўтказилиш техникасини түғри бажаришни талабаларга ўргатиш.

Бажариладиган босқичлар:

№	Тадбир	Бажарилмади (0 балл)	Тұлық түғри бажарди
1	Аппаратнинг ишчи ҳолатини текшириш		10
2	Физиологик эритма ва дори моддаси билан намланган прокладкани олиш		15
3	Беморни күшеткага ётқизиш		5
4	Тавсия этилган усул бүйича прокладкаларни жойлаштириш, устидан электродларни қўйиш, фиксациялаш		20
5	Аппаратни ёқиши		10
6	Беморнинг сезувчанлигини инобатга олиб, регулятор ёрдамида ток кучини - дозасини аниқлаш		15
7	10-15-20 минутга қолдириш		10
8	Муолажа вакти тугагач регулятор стрелкасини «0»гача олиб бориш ва аппратни ўчириш		5
9	Электродларни ва прокладкаларни олиш, bemorga кетишга рухсат бериш		10
	Жами:		100

Диадинамотерапия муолажасини ўтказиш

Мақсад: даволаш мақсадида муолажаны ўтказилиш техникасини түғри бажаришни талабаларга ўргатиши.

Бажариладиган босқичлар:

№	Тадбир	Бажарилмади (0 балл)	Тұлық түғри бажарди
1	Аппаратнинг ишчи ҳолатини текшириш		10
2	Физиологик эритма ва дори моддаси билан намланган прокладкани олиш		10
3	Беморни күшеткага ётқизиш		5
4	Тавсия этилган усул бүйича прокладкаларни жойлаштириш, устидан электродларни қўйиш, фиксациялаш		15
5	Аппаратни ёқиши		10
6	Беморнинг сезувчанлигини инобатга олиб, регулятор ёрдамида ток кучини - дозасини аниқлаш		10
7	3 минутга қолдириш		10
8	3 минутдан сўнг регулятор стрелкаси «0» гача олиб борилади ва ток ўчирилади		5
9	Бошқа ток турига ўтказиш ва вақтни белгилаш (3 минут)		15
10	3 минутдан сўнг регулятор стрелкаси «0» гача олиб борилади ва ток ўчирилади		5
11	Электродларни ва прокладкаларни олиш, bemorغا кетишга рухсат бериш		5
	Жами:		100

Ўзлаштирган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

1. “Физиотерапия” га тушунча беринг.
2. Бемор организмига физик омилларнинг асосий таъсир механизми.
3. Инсон организмига нерв-рефлектор-гуморал таъсирининг маъноси нимада?
4. Инсон организмига физик омилларнинг маҳсус таъсирининг маъноси нимада?
5. Физиотерапияга умумий қарши кўрсатмаларни айтинг.
6. “Гальванизация”га тушунча беринг.
7. Гальванизациянинг даволовчи таъсир механизми қандай?
8. Сиз гальванизациянинг қандай усусларини биласиз? Хусусий усусларини айтинг.
9. Гальванизация ўтказишга кўрсатма ва хусусий қарши кўрсатмаларини санаб ўтинг.
10. “Дорили электрофорез” га тушунча беринг.
11. Электрофорезда инсон организмига дори моддаларининг кириш йўлларини санаб ўтинг.
12. Дорили электрофорезнинг афзаллиги ва камчилиги. Қутблар қонуни.
13. Электрофорезнинг афзаллигини санаб ўтинг.
14. “Диадинамотерапия”га тушунча беринг.
15. Сиз диадинамик токларнинг қандай модуляция турларини биласиз?
16. ДДТларнинг оғриқ қолдирувчи механизми қандай?
Модуляциянинг қайси турларида оғриқ қолдирувчи таъсири кучли?
17. “Амплипульстерапия”га тушунча беринг.
18. Амплипульстерапиянинг таъсир механизми.
19. ДДТ ва амплипульстерапия ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни санаб ўтинг.

20. Электр уйқу терапияда қайси ток тури қўлланилади? Муолажа қайси усулда ўтказилади?
21. Стоматологияда электр уйқу терапияни қўллашдан асосий мақсад қандай?
22. Гальванизация. Омилнинг физик характеристикаси, таъсир механизми, физиологик таъсири.
23. Электр уйқу терапия. Омилнинг физик характеристикаси, таъсир механизми, физиологик таъсири.
24. Электр уйқу терапия. Усуллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
25. Диадинамик токлар. Омилнинг физик характеристикаси, таъсир механизми, физиологик таъсири.
26. Диадинамик токлар. Усуллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
27. Амплипульстерапия. Омилнинг физик характеристикаси, таъсир механизми, физиологик таъсири.
28. Амплипульстерапия. Усуллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
29. Электродонтодиагностика. Техникаси ва ўтказилиш тартиби. Кўллашга кўрсатма. Норма ва патология кўрсаткичлари.

Тест вазифалари

№	Тест вазифаси	Тўғги жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Гальванизация усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*кичик кучли ва паст кучланишли доимий ток	кичик кучли ва юқори кучланишли ўзгарувчан ток	паст частотали, кичик кучли доимий импульс токи	юқори кучланишли ва частотали ток
2	Электр уйқу усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*тўғри бурчакли импульс токи	кичик кучли ва паст кучланишли доимий ток	яримсинусоидал шакли импульс токи	экспоненциал токи

3	Диадинамотерапия усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*яримсинусо идал шаклли импульс токи	юқори частотали ва кучланишли, кичик кучли импульс токи	синусоидал шаклли импульс токи	кичик кучли ва паст кучланишл и доимий ток
4	Тўғри фикрни кўрсатинг:	*гальваник ток тўқималарни нг дори моддалари таъсирига сезувчанлиги ни оширади	гальваник ток йирингли жараённинг ўткир босқичида тавсия этилади	гальваник ток тўқималар нинг дори моддаси таъсирига сезувчанли гини пасайтиради	гальванизация усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади: бактериостатик таъсир қиласи
5	Дорили электрофорезни бир кунда бир жойга тавсия этишга мос бўлмаган бошқа муолажа:	*эритем дозада ультрабинафша нурлатиш	балчиқли аппликация	микротўлқинли терапия	магнитотерапия
6	Электр уйқунинг оғриқ қолдириш таъсир механизмида асосий ўрин эгаллайди:	*бош миянинг лимбик системасида эндорфинлар нинг ҳосил бўлиши	симпатик-адренал системафи функциясининг ошиши	биологик актив моддаларнинг (гистамин, серотонин) ҳосил бўлиши	эркин радикалларнинг ҳосил бўлиши
7	Амплипульс терапия ёрдамида қайси даволаш самарадорлигини олиш мумкин?	*анальгетик	бактериоцид	ухлатувчи	витамин-стимулловчи
8	Оғриқ сезиш кучайганда	* электроуийку	ультрабинафша нурлар	ультратонвуш	индуктортермия

	беморга тавсия этиш мақсадга мувофик:			терапия	
9	Гальванизация ва электрофорезга хусусий қарши қўрсатма бўлиб ҳисобланади:	*токни кўтара ол- маслик, тери бутунлигининг бузилиши	сийдик тош касаллиги, тромбофлебит, янги синишлар ва чиқишилар	гипотония, тўқималарда металл бўлаклари нинг бўлиши	оғир даражали миопия, гипертония касаллиги
10	Оғриқ қолдириш мақсадида диадинамик токнинг қайси турлари қўлланилади?	*икки фазали узлуксиз, узун даврли	бир фазали узлуксиз, синкоп ритми	бир фазали узлуксиз, қисқа даврли	бир фазали тўлқинсимон, икки фазали тўлқинсимон
11	Дорили элекtroфорез усулининг камчилклари:	*киритилган дорини аник микдорини аниклаш қийинлиги	яққол аллергик реакция	Дорили препаратни оғрикли киритиш	Дори моддаси ион ҳолида киритилади
12	Гальванизация ва элекtroфорез ўтказиш учун ишлатиладиган аппарат:	*Поток-1	СНИМ-1	Тонус-1	Полюс-1
13	Электроуйку терапия учун қўрсатма:	*оғриқ сезирлигини юқорилиги	стоматит	сурункали остеомеллит	истерия
14	Электроуйку терапия учун қарши қўрсатма:	*кўзнинг ўткир яллиғланиш касаллигига	кечки энурез	фантом оғриқлари	куйиш касаллигига
15	Трансцеребрал элекстро стимуляцияни қўллашга қўрсатма бўладиган касалликлар:	*учшохли нервнинг невралгияси	эпилепсия	бош мия жарохати ва ўсмаси	қон кетишга мойиллик
16	Диадинамоте-	*СНИМ-1;	Поток-1	Полюс-1	Искра

	рапия ўтка-зиш учун ишлатилади-ган аппарат-лар:	Тонус-1			
17	Электрофорез усули имко-нияят яратади:	*организм-нинг чекланган қисмларига дори воситаларини киргизиш	тиш пульпасини электросезгиригини текшириш	мушак тў-қимасини текшириш	нерв тўки-масини текшириш
18	Юз нерви невритида қилинади:	*электродиагностика	электроодонто-диагностика	электро-уйқу	электро-оғриқсиз-лантириш
19	Тиш каналини пломбалашдан кейинги оғриқда қўлланилади:	*В гурӯҳ витаминлар ва новокаин билан электрофорез	УВЧ-терапия	маҳаллий УФ-нур-лантириш	аэрозоль-терапия
20	ДДТ ва СМТ ўтказиш учун қарши кўрсатма:	*сийдик тош ва ўт тош касалликлари, тромбофлебит, янги синиш ва чиқишлиар	невралгия, неврит, миопатия	миофасциал синдром, қўл-оёқ синишларида иммобилизациядан кейинги ҳолат	товуш пайчалари парези, атоник колит, юз нерви парези

Вазиятли масалалар:

1. Радикуляр оғриқ диагнози бор 23 ёшли беморга диадинамотерапия тавсия этилди. Токнинг қайси модуляция турларини тавсия қиласиз? Қайси усул бўйича?

Жавоб эталони: Радикуляр оғриқларда ДДТтерапия оғриқ қолдириш ва яллиғланишга қарши терапия мақсадида тавсия этилади. Бу мақсадда қуидаги модуляцияларни тавсия этиш зарур: ИУ (икки тактли узлуксиз) – КД (қисқа даврли) – ИТ (икки тактли тўлқинсимон) 2-3 минутдан, кутбларни алмаштириб, бир курсга 3 муолажа. Қўлланиладиган усул: икки электрод

паравертебрал соҳага ва умуртқа поганасининг бел-думгаза қисмига қўйилади.

2.Бемор юзининг асимметриясига, бир қўзи ёшланишига шикоят билан мурожаат қилди. Диагноз қўйилди: юз нерви неврити. Дорили электрофорез муолажасини ўтказиш тавсия этилди. Айтингчи қайси дори воситаси ва қайси усулда муолажани ўтказиш керак?

Жавоб эталони: Юз нерви неврити бор bemorларни даволашдан мақсад яллиғланиш жараёнини йўқотиш ва нерв импульсларининг нервмушак ўтказувчанлигини яхшилаш ҳисобланади. Шунинг учун Бергонье яrim маска бўйича электрофорез усулида прозеринни киритиш тавсия этилади. Бунда юзниг жарохатланган қисмида жойлашган актив электрод қутбланиш қонуни бўйича анод билан қўшилади.

3.Астеноневротик синдроми билан В. исмли bemor, анамнезида: нерв руҳий жарохат. Беморнинг умумий ҳолатини ҳисобга олиб қайси импульсли токни тавсия қиласиз?

Жавоб эталони: Беморнинг анамнезида нерв руҳий жарохат бўлганлиги сабабли седатив ва марказий оғриқсизлантирувчи таъсирга эга бўлган электр уйқу муолажаси тавсия этилади.

4.А исмли bemor. Диагнози: II-босқичли гипретония касаллиги, АГ 2-даражаси, ҳавф II (ўрта). Қайси физиодаво усулини Сиз тавсия этасиз?

Жавоб эталони: Щербак бўйича гальваник ёқа. Электр уйқу. Магнезия билан ёки бром билан ёқа соҳасига электрофорез.

5.23 ёшли bemor пломбадан сўнг оғриқ диагнози билан. Диадинамотерапия тавсия этилган. Токнинг қайси модуляция турларини тавсия этасиз? Қайси усул бўйича?

Жавоб эталони: Пломбадан сўнг оғриқда ДДТ-терапия тавсия этишдан мақсад оғриқ қолдириш ва яллиғланишга қарши курашиш. Бу мақсадда куйидаги модуляцияларни тавсия этиш зарур: ИУ (икки тактли узлуксиз) – КД (қисқа даврли) – ИТ (икки тактли тўлқинсимон) 2-3

минутдан, қутбларни алмаштириб, бир курсга 3-6 муолажа. Қўлланиладиган усул: бир электрод кучли оғриқ бор соҳага, бошқаси-бўйиннинг орқа соҳасига қўйилади.

6. II-даражали парадонтоз билан касалланган бемор. Анамнезида: нерв руҳий жарохат. Беморнинг умумий ҳолатини ҳисобга олиб қайси импульсли токни тавсия қиласиз?

Жавоб эталони: Беморнинг анамнезида нерв руҳий жарохат бўлганлиги сабабли седатив ва марказий оғриқсизлантирувчи таъсирга эга бўлган электр уйқу муолажаси тавсия этилади.

7. Юз симметриясининг бузилишига, ўнг мимик мушакларда ҳаракатнинг йўқлигига шикояти бор 63 ёшли бемор. Диагнози: юз нерви неврити. Миостимуляция мақсадида қайси муддатларда импульсли токлар тавсия этилади?

Жавоб эталони: Мушаклар электростимуляцияси касалликнинг иккинчи ҳафтасидан тавсия этилади.

8. 46 ёшли бемор қуйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди: юз ўнг соҳасида энса ва қулоқ олди соҳасига тарқалувчи хуружсимон оғриқ, уйқунинг бузилиши, иштаханинг пасайиши, ваҳима. Пальпацияда тригеминал нуқталарда оғриқ кузатилади. Текширув ўтказилганидан кейин уч бошли нервнинг I ва II шоҳ невралгияси диагнози қўйилди. Диадинамотерапия муолажаси тавсия этилди. Оғриқ қолдирувчи таъсир кўрсатиш учун ток тури ва усулини тангланг.

Жавоб эталони: Бергонье ярим маска усули, иккитактли узлуксиз, иккитактли ток, қисқа даврли модуллашган ва иккитактли тўлқинсимон.

9. Неврологга 19 ёшли қиз бола қуйидаги шикоятлари билан мурожаат қилди: юқори ҳолсизланиш, асабийлашиш, бош оғриғи, ёмон уйқу. Шифокор цефалгик синдром билан вегетатив-томир дисфункцияси диагнозини қўйди. Невролог беморга натрия бром билан электрофорез муолажаси тавсия

етилди. Усулни ва натрия бром қайси электрод остидан юборилишини күрсатинг.

Жавоб эталони: Щербак бўйича ёқа усули, натрия бром манфий электрод остидан юборилади.

1.2. ТУРЛИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛИ ЭЛЕКТР ВА МАГНИТ ТОКИ ВА МАЙДОНЛАРИ

Машғулот ўтказиш жойи: ўкув аудиторияси, физиотерапевтик бўлими ва хоналари.

Машғулот мақсади: турли характеристикали ўзгарувчан токлар ва электрмагнит майдонлари, турли касалликларда кўлланилиш хусусияти ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва чукурлаштириш, физиомуолажаларга рецептлар ёзиш ва уларни амалий ўтказиш кўникмаларини ривожлантириш.

Педагогик вазифалари:

✚ юқори, ультра- ва ўта юқори частотали ўзгарувчан токлар ва электрмагнит майдонлари (дарсонвализация, УЮЧ-терапия, микротўлқинли терапия) ва франклинизация ҳақидаги умумий таассавурларни мустахкамлаш;

✚ магниттерапия ҳақидаги умумий таассавурларни мустахкамлаш;

✚ бемор организмига санаб ўтилган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми ҳақидаги билимларини ва уларни қўллаш мақсадини бир тизимга солиш;

✚ ҳар хил bemорларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатиш ва қарши кўрсатмалар (умумий ва хусусий) билимини мустахкамлаш ва кенгайтириш;

✚ кўрсатилган физиомуолажаларни қўллаш методикасини кўриб чиқиш ва уларни кўрсатиш;

✚ физиомуолажалар ўтказишга рецептлар ёзиш кўникмаларини ривожлантириш;

- ❖ физиотерапевтик аппаратлар билан ишлаш ва техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан физиомуолажаларни мустақил ўтказиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ❖ ахборотни тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, тахлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ❖ коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш.

Ўқув фаолияти натижалари

Талаба билиши керак:

- юқори, ультра- ва ўта юқори частотали ўзгарувчан токлар ва электрмагнит майдонларга классификация беришни;
- бемор организмига ўрганилаётган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми хақида гапиришни;
- турли касалликлар билан касалланган bemorларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ички касалликлар ва стоматология амалиётида ўрганилган физиомуолажаларни қўллаш методикасини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- амалий кўникмаларни бажаришни : дарсонвализация, франклинизация, УЮЧ-терапия, ДМТ-терапия, магниттерапиялар ўтказишга рецепт ёзиш ва физиомуолажаларни мустақил ўтказиш.

Ўқитиши усуллари ва техникаси: “Бирга ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули; техника: “УЮЧ-терапия, ДМТ-терапия, ЎЮЧ-терапия” мавзуларига Венна график органайзери.

Ўқитиши воситаси: ўқув қўлланмалар, ўқув материаллар, физиоаппаратлар, слайдлар, маркерлар, А3, А4 форматли қоғоз варақалари.

Ўқитиши шакллари: индивидуал иш, гурухларда иш, жамоавий.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат: назорат саволлари, гурухларда ўқув вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецепт ёзиш.

Мотивация: физик омиллар организмга турлича таъсир кўрсатади, стимуляция, оғриқ қолдириш, яллиғланишга қарши, сўрилувчи, репаратив-регенератив самараларга эга.

Физик омилларнинг даволаш комплексида ва касалликлар реабилитациясида қўлланиши ўтказилаётган дори дармон даво самарасининг ортишига, соғайиш муддатининг қисқаришига, ремиссия даврининг узайишига, бемор организмига дори дармонлар юкламасининг камайишига олиб келади.

Фанлар аро ва фан ичидаги боғлиқлик

Мазкур мавзуни ўқитиш талабаларнинг физика, биофизика ва биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропидевтикасидан олган билимларига асосланади (вертикал интеграция). Шунингдек терапия, жарроҳлик, травматология, гинекология, терапевтик ва жарроҳлик стоматология билан ҳам интеграцияланади (горизонтал интеграция).

МАҲАЛЛИЙ ДАРСОНВАЛИЗАЦИЯ – юқори кучланишли ва ўрта частотали ўзгарувчан суст импульсли токлар билан бемор танасининг айrim қисмларига даволовчи таъсири.

Токларнинг харакатланишининг катта қисми юзаки тўқималарда ҳосил бўлади ва у ерда даволовчи таъсирнинг асосий самараси амалга оширилади. Паст частотали импульслар билан модуллашган токларнинг ўрта частотаси (*m i n ч p a з p я d*) терининг сезгир нерв толаларининг терминал соҳаларида қўзғалиш чакиради, бу уларнинг қўзғалувчанлигининг ўзгаришига ва микроциркуляциянинг фаоллашишига олиб келади (аксонрефлекс механизми бўйича).

Силлиқ мушак тонусининг камайиши натижасида тери томирларининг қисқа муддатли спазми уларнинг узок муддатли кенгайиши билан алмашади. Тери-қон томир реакциясининг асосида эндотелия хужайра конфигурациясининг ўзгариши ётади.

Импульсли ток амплитудасининг ортишида афферент импульсация нерв ўтказувчиларидан орқа миянинг орқа шохларига боради ва ҳаракат ва трофик толаларнинг қўзғалувчанлигини чақиради. Бу сегментлар билан боғланган ички орган ва тўқималарнинг рефлектор реакцияларига олиб келади. Бу реакциялар шунингдек таъсир соҳасидаги кенгайган артериол ва капиллярларда, қон оқимининг кучайишида ва тери метаболизмининг фаоллашишида ҳам намоён бўлади. Ўрта частотали токлар шунингдек терининг тургор ва эластиклигини оширади, унинг секретор ва ажратув функцияларини стимуллайди. Импульсли токлар амплитудасининг кескин ортишида ва танадан бироз узоклаштириш тери ва электрод орасида *c m e r l a p* ҳосил бўлади, яъни ионлашган ҳаво билан тўлган юпқа тармоқланган каналлар. Уларнинг бирлашиши bemорга таъсир этувчи *у ч - қу n r a з r я d i n i* шакллантиради. Стримерларнинг кенгайиши ҳисобига тери юзасида характерли товуш билан кечадиган микро уриш тўлқинлари ҳосил бўлади. Учқун разряди таъсири остида терида микронекроз ўчоғлари ҳосил бўлади, улар тааллуқли тўқималарда фагоцитоз ва биологик актив моддалар (гепарин, цитокинлар) ва медиаторларнинг (гистамин) ажаралишини стимуллайди.

Оқсил молекулаларининг парчалиниши натижасида ҳосил бўлган махсулотларнинг микроциркуляция оқимига кириши иммунитетнинг иккиламчи гуморал механизмини стимуллайди ва тўқималарда яллиғланишга қарши медиаторларнинг ажралишини фаоллаштиради. Терининг миелинизацияланмаган нерв толаларининг (С-тола) кучли қўзгалиши оғриқ ўчоғидан келаётган афферент импульслари оқимининг чегараланишига ўтказувчанлигининг блокадасига олиб келади. Учқун разряди

артериоллаларнинг ошган тонусини нафақат терининг юза қатламида балки улар билан рефлекто боғланган ички органларда ҳам камайтиради. Капилляр ва артериоллаларни кенгайтириш билан бирга вена тонусини оширади ва тўқималарда трофометаболик жараёнларини кучайтиради ҳамда микроорганизмлар пардасининг деструкциясини ва уларнинг ўлимини чақиради. Бу самара маҳаллий дарсонвализацияда азот окиси ва озонларнинг ажралиши билан тушантирилади.

Даволовчи самараси: маҳаллий анальгетик, вазоактив, маҳаллий трофик, маҳаллий яллиғланишга қарши, қичишишга қарши, бактерицид.

Кўрсатма. Оғриқ синдроми билан периферик нерв системаси касаллиги (невралгия, нейромиозит, умуртқа поғанаси остеохондрози, гипостезия, парестезия), нейросенсор карлик, кардиал типи бўйича нейроциркулятор дистония, мигренъ, уйқунинг бузилиши, климактерик невроз, энурез, алопеция, оёқ ва геморроидал веналарининг варекоз кенгайиши, оғиз шиллик пардасининг яллиғланиши, трофик яралар ва терининг жарохатланиши, қичишиш билан кечувчи дерматозлар, экзема, узок битмайдиган яралар, вазомотор ринит, аёл жинсий органларининг яллиғланиш касалликлари, простатит, импотенция.

Қарши кўрсатма. Токни индивидуал кўтара олмаслик, бўшлиқ электродларини киргизиш вақтидаги оғриқлар.

Параметрлари. Маҳаллий дарсонвализация учун частотаси 110 кГц бўлган ўзгарувчан ток импульслари қўлланилади. Импульсларнинг кетма-кет келиши частоталари 50 имп/с ни ташкил этади. Импульснинг давомийлиги

100 мкс, электродга келувчи қучланиш - 25-30 кВ. Разрядда ток қути 0,02 мА дан, қучланиш 50 В дан ошмайди. Муолажа ўтказиш учун Искра-1 ва Искра-2, Импульс-1 ва Корона-М



аппаратларидан фойдаланилади. Бу аппаратлар 8 хил вакуум электродлардан иборат : тароқсимон, катта ва кичик ректал, қулоқ учун, катта ва кичик замбуургисимон, милк ва вагинал.

Методика. Ўрта частотали ток импульслари бемор танасига шиша конденсаторли электродлар орқали узатилади. Кичик кучланиш ва бемор териси билан электрод узлуксиз алоқага кирганда ўрта частотали ток билан таъсир этади (лабил контакт усул). Кучланишнинг ортиши билан ва электроднинг бемор танаси юзасидан узоқлашишида таъсир этувчи омил бўлиб учқунли разряд бўлади (масофали усул). Иккала усулда ҳам шиша вакуумли таъсир соҳасида енгил ҳаракат қиласи. Электроднинг тери бўйлаб яхши сирпаниши учун тальқдан фойдаланилади, электрод спирт билан намланган пахта ёрдамида артилади.

Маҳаллий дарсонвализация муолажасида дозалаш аппаратдан чиқувчи кучланиш, разряддаги ток кучи ва муолажанинг давомийлиги билан амалга оширилади.

Ҳар куни ўтказиладиган муолажанинг давомийлиги бир соҳада 3-5 минутни ташкил этади ва ҳар хил соҳаларга таъсир этиш 10-15 минутдан ошмайди. Бир курсга 10-15 муолажа. Зуурият туғилгандаги муолажа 1- 2 ойдан кейин маҳаллий дарсонвализация муолажаси қайтарилади.

Дарсонвализациянинг хусусий усуллари

1-усул.Бошнинг сочли қисмининг дарсонвализацияси. Бемор ўтирган ҳолатда. Сочлардан металли буюмлар олиб ташланади ва соchlар таралади. Муолажа контакт усулда ўтказилади. Тароқсимон электрод бошнинг тсочли қисми бўйича пешана соҳасидан энсагача секин ва енгил ҳаракат этилади, агар соchlар калта бўлса, энсадан пешана соҳасига ҳам ҳаракат қилдириш мумкин. Таъсир кичик қувватда 8-10 минут давомида ҳар куни ёки кун ора ўтказилади. Бир курсга 10-15 муолажа.

2-усул.Юзнинг дарсонвализацияси. Бемор ётган ёки ўтирган ҳолатда. Кўрсатмага қараб муолажа контакт ёки масофали усулда

ўтказилади. Замбуруғсимон электрод аста-секин айланма ҳаракатлар билан пешанадан бурун ва жағ ости соҳасига ёки юзнинг иккала ярмига ҳаракат қилдирилади. Таъсир кичик-ўрта-катта қувватларда (кўрсатмалар бўйича) 5-10 минут давомида ҳар куни ёки кунора ўтказилади, бир курсга 10-15 муолажа.

3-усул. Ёқа соҳасининг дарсонвализацияси. Бемор ётган ҳолатда, яхшиси ўтирган ҳолат. Катта замбуруғсимон электрод айланма ҳаракатлар билан олди томондан ўмров соҳаси остидан ва устидан, орқа томондан бўйиндан умуртқа поғанаси кўкрак қисмининг D_6 соҳасигача ҳаракат қилдирилади. Муолажа масофали усулда катта бўлмаган ҳаво бўшлиғи билан ўтказилади. Муолажа ҳар ткуни ёки кун ора, ўрта қувватда 10-15 минут давомида ўтказилади. Бир курсга 10-15 муолажа.


4-усул. Юрак соҳасининг дарсонвализацияси. Бемор орқада ётган ҳолатда. Муолажа контакт усулда ўтказилади. Катта замбуруғсимон электрод чап кўкрак қафаси териси бўйича юқоридан ўмров, пастдан-қовурға, ўнгдан-тўш суюги, чапдан-олдинги қўлтиқ ости чизиги билан чегараланган соҳада кўндаланг-айланма ҳаракатлар қилинади. Кўкракнинг сўрғичи ва уни ўраб турадиган пигментланган териси стерил резина қўлқопнинг бир бўлаги билан ажратилади. Муолажа ҳар куни ёки кун ора ўрта қувватда 3-12 минут давомида ўтказилади. Бир курсга 10-15 муолажа.

5-усул. Тери жарохатида дарсонвализация (жароҳат, яра, тирналиши). Беморни муолажа ўтказилиши қулай бўлган ҳолатга жойлаштирилади. Электрод жарохатланган ўчоғ катталигига қараб танланади. Катта кенг яраларда ёки жарохатларда катта замбуруғсимон электрод қўлланилади. Муолажа масофали усулда 3-6 мм ҳаво бўшлиғида ўтказилади. Таъсир бошида жароҳат ўчоғини 5-8 см ўраб турувчи терига 3-5 минут, сўнгра 1-3 минут тўғридан-тўғри ўчоғ, муолажанинг охирги 3-5 минути давомида мос келувчи орқа мия симентига таъсир этилади. Агар жароҳат боғланган бўлса, муолажани яхшиси боғловдан кейин ўтказган

маъқул, бунда электрод бинт устида ҳаракатлантирилади, муолажа боғлов ўтказиш вақтида кичик ёки ўрта қувват билан 10-12 минут давомида ўтказилади. Бир курсга 10-15 муолажа.

6-усул. Милкнинг контактли дарсонвализацияси. Вакуумли милк, қулоқ ёки бурун электродлари резинали трубка билан шундай изоляция қилинадики, унинг учки қисми 1-2 см узунликда очик ҳолда қолдирилади. Электрод оғиз бўшлиғига кирғизилади ва пастки ёки юқори жағнинг олдинги бурмалари бўйича жойлаштирилади. Қувватни бинафша ранг, товуш пайдо бўлгунча берилади ва аста-секин тишларга тегмасдан жағнинг альвеоляр ўсимталари бўйлаб электрод ҳаракатлантирилади. Муолажа тугагач қувват нолгача тушурилади, кейин электрод олинади.

7-усул. Милкнинг учқунли дарсонвализацияси. Вакуумли милк, қулоқ ёки бурун электродлари резинали трубка билан шундай изоляция қилинадики, унинг учки қисми 1-2 см узунликда очик ҳолда қолдирилади.



Пластмассали шпатель билан лаблар четга сурилиб, юқори ёки пастки жағ милклари очилади. Электрод учи альвеоляр ўсимтанинг шиллиқ пардасидан маълум масофада (0,5 см) жойлаштирилади. Қувват аста – секин электрод учи ва шиллиқ парда ўртасида учқунётишигача оширилиб борилади. Муолажа тугаганидан сўнг қувват нолгача тушурилади ва электродлар оллинади.

ФРАНКЛИНИЗАЦИЯ – даволовчи усул бўлиб, таъсир этувчи омил бўлиб юқори кучланишли доимий электр майдони ҳисобланади. Бундай майдонда электр зарядларининг ҳаракатланиши натижасида ҳавонинг газли молекулалари парчаланади ва аэроионлар ҳосил бўлади. Ҳаво ток ўтказувчан бўлиб қолади. Бунда тинч электр разрядлари ион оқимини ҳосил қиласи.

Майдонда жойлашган бемор бу разрядларни “электр шабода” кўринишида сезади.

Таъсир механизми. Франклинизация юқори кучланишли доимий электр майдони, аэроионлар ва ҳаво ионизациясининг маҳсулотлари – озон, азот окиси таъсирига асосланган.

Аэроион оқим, тери ва юқори нафас йўли шиллик пардасидаги рецепторларга таъсир этиб, рефлектор йўл билан организм функцияларига таъсир этади. Электр майдони таъсири натижасида терида томир ва ҳарорат реакциялари юзага келади. Рецепторларга майин таъсир этиш юзаки капиллярнинг қисқа муддатли спазмини чақиради ва маҳаллий ҳароратни пасайтиради, бундай ҳолат енгиллик хиссиётини сезади, кейин капиллярларнинг кенгайиши кузатилади ва маҳаллий ҳарорат ошади. Бундай реакциялар тўқималарда қон циркуляциясининг ўзгариши билан кузатилади. Масалан, бошга таъсир этилганда миянинг қон билан таъминланиши ўзгаради, бу эса МНС нинг функционал ҳолатининг ўзгаришига, бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнларининг кучайишига, ўзини хис қилишнинг яхшиланишига олиб келади, бунда уйқу чуқурлашади ва нормаллашади, иштаха ошади.

Унинг вегетатив нерв системасига нормаллаштирувчи таъсир эътироф этилади: оғриқ камаяди, тери қичишида рецепторларнинг сезгирилиги пасаяди, модда алмашинуви тезлашади, битиш жараёни стимулланади, бактерицид таъсир кўрсатади..



Параметрлар ва усуллар. Ҳозирги кунда франклинизация муолажасини ўтказиш учун АФ-2, АФ-3 аппаратларидан фойдаланилади. Бош электродга манфий потенциаллар келиб қўшилади. Умумий франклинизацияда

(статик душ) бош электрод бемор бошидан 12-15 см баландликка қўйилади. Бемор стулда ечинмаган ҳолда ўтиради. Майдон қуввати 40-50 кВ. Муолажа давомийлиги 10-20 минут. Бир курсга 12-20 муолажа.

Маҳаллий франклинизацияда турли кисточкасимон, айланасимон ёки игнали чўзилган металл пластинка қўринишдаги электродлар қўлланилади. Маҳаллий таъсирда bemor күшеткага ётқизилади. Электрод кийимсиз юзага таъсир этиш соҳадан 5-7 см масофага қўйилади. Майдон кучланиши 10-20 кВ, муолажа давомийлиги 10-15 минут. Муолажа ҳар қуни ёки кун ора ўтказилади. Бир курс давога 10-15 муолажа. Муолажа тугагач электроддан штеккер ёрдамида кучланиш олинади.

Кўрсатма. Нерв системасининг функционал касалликлари (мигренъ, уйқусизлик, астеник ҳолат), тери қичишиши, трофик яралар, узоқ битмайдиган жарохатлар.

Қарши кўрсатма. Ёмон сифатли шишишлар, қоннинг системали касалликлари, ҳароратли ҳолат, ўпканинг фаол сили, МНСнинг органик касалликлари, II- и III-даражали юрак етишмовчилиги, гипотония.

УЛЬТРА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ (УЮЧ) ТЕРАПИЯ – юқори ва ультраюқори частотали ўзгарувчан электромагнит майдонининг даволаш мақсадида қўлланилиши. УЮЧ-диапозонининг электромагнит тўлқин



узунлиги катта бўлганлиги сабабли таъсир bemor танасининг катта соҳаларида амалга оширилади, у электромагнит майдони манбаига яқин зонада бўлади. Тўқималарнинг сифимли қаршилиги юқори частоталарга кам, паст частоталарга нисбатан, бу электромагнит майдонининг нафақат хужайра мембраналарига, балки

субхужайра структурасига таъсирини таъминлайди. Бундан ташқари, бу усулда УЮЧ электр майдони тўқималар билан электродлар ўртасидаги масофа бўйлаб ўзаро алоқага киради, биомолекулаларнинг айланма ва тебранма силжишини чақиради.

УЮЧ-терапиянинг таъсир механизмида *и с с и қ с и з* (*o c ү и л л я-m o p*) ва *и с с и қ л и к* компонентлари фарқланади. Иссиқсиз таъсир хужайра мембраналарининг сувда эрувчи оксиллари, гликолипидлар, гликопротеидлари ва фосфолипидларининг релаксацион тебраниши билан тушунтирилади. Ундан кейин келувчи молекуляр комплекснинг конформацион ўзгариши оксил ва фосфолипидларнинг дисперслик даражасининг тезлашишига олиб келади.

Электромагнит нурланишнинг иссиқсиз самараси биологик тўқималарнинг $0,1^{\circ}$ С гача қизиши ҳисобланади. Натижада уларнинг қаршилиги 10-20% камаяди, бу хужайра мембраналарининг турли ион-транспорт системаларнинг фаоллашишини аниқлайди.

Юқори частотали электр майдонида индуцирланган ва шахсий дипол моментлари билан биологик молекулаларнинг тебранма ва айланма силжишлари натижасида юзага келувчи тўқималар қутбланиши мембраналарнинг физик-химиявий хусусиятларини ўзгартиради. У хужайрада эркин радикал ва ферментатив оксидланиш жараёнларини фаоллаштиради. Бунинг асосида хужайраларнинг носпецифик метаболик реакциялари шаклланади, улар шу омилнинг даволовчи самарасини аниқлайди. Бундай реакция қаторига гемопоэз ва иммуногенез (қон плазмасида альбуминлар миқдорининг ошиши ва глобулинларнинг камайиши) стимуляцияси киради, шунингдек лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги тезлашади. Бундай ўзгаришлар айниқса УЮЧнинг импульсли майдони таъсирида намаён бўлади.

УЮЧ-тебраниш интенсивлигининг ортиши билан иссиқлиик таъсири юзага келади. Электродлар торалиғидаги тўқималарнинг қутбланиши ва улар

томонидан электромагнит энергияни частотали танлаши кўпаяди. Қуюқ шароитда оқсил молекулалари ва субхужайра структурасининг тебранишли кўчиши натижасида кучли ишқаланиш юзага келиб, ҳосил бўлган энергиянинг иссиқлик энергиясига айланиши кузатилади. Бундай муолажаларида иссиқлик махсулотларининг қуввати метаболикдан катта бўлади ва иссиқлик берувчи механизмлар уларни компенсация қилмайди. Натижада таъсир соҳасида тўқиманинг қизиши ҳосил бўлади. Оқсил молекулалари ва ионлари томонидан УЮЧ-майдони энергияси ҳар хил ютилиши сабабли яққол диэлектрик хусусиятга ва кам сувга эга тўқималарда (нерв, суяқ ва бириктирувчи тўқима, терости ёғ қатлами, тоғай ва боғламлар) иссиқлик максимал микдорда ҳосил бўлади. Аксинча, электр токини яхши ўтказувчи ва сувга бой тўқималарда (қон, лимфа, мушак тўқимаси) иссиқлик кам ҳосил бўлади.

УЮЧ электр майдони таъсири остида орган ва тўқималарнинг қизиши таъсир соҳасида тўқимада турғун, давомий ва чуқур гиперемия чақиради. Айниқса капиллярлар кучли кенгаяди, уларнинг диаметрлари 3-10 баробар катталашади. Бир вақтда йирик томирларда қон оқимининг тезлиги кучаяди. УЮЧ-майдон таъсирида регионар лимфодинамика ҳам тезлашади, эодотелия, гематоэнцефалик ва бошқа тўсиқ тўқималарининг ўтказувчанлиги ошади. Жарохатланган тўқималарда регионар қон-лимфа оқимининг тезлашиши, микроциркулятор оқим ўтказувчанлигининг ошиши, лейкоцитлар микдорининг ошиши ва уларнинг фагоцитар фаоллигининг ортиши яллигланиш ўчоининг сўрилишига, шунингдек нерв атрофи шишиши билан чақирилган оғриқ сезирлигининг камайишига олиб келади. Жарохатланган ўчоғ соҳасида бириктирувчи тўқима ва мононуклеар фагоцит система элеменларининг (гистиоцитлар, фибробластлар ва магрофаглар) фаоллашиши, қон плазмаси оқсиллар дисперслигининг ошиши, маҳаллий ацидоз, Ca^{2+} ион концентрацияларининг кўпайиши ва метаболизмнинг фаоллашиши яллигланиш ўчоғи атрофида бириктирувчи тўқимада

пролифератив-регенератив жараёнларни стимуллайди ва иккиламчи антибактериал самара кўрсатади. Бу УЮЧ-терапияни яллиғланиш жараёнининг ҳар хил босқичларида қўллаш имконини беради.

Бош миянинг турли тузилмаларига юқори частотали электр майдонининг таъсири висцерал функцияларнинг нейроэндокрин бошқаруви марказий бўлимини стимуллайди. Нейрогуморал жараёнларнинг фаоллашиши қонда паст зичли липопротеидлар ва триглицеридлар миқдорининг камайишига, яққол антиатероген самарасига эга юқори зичликдаги липопротеидлар миқдорининг оротишига олиб келади. Гиполипидемик таъсир билан бир қаторда фибриноген миқдорининг кўпайишини ва гепаринга плазма чидамлилигининг ортишини чақиради, бу гемостазнинг тезлашишига сабаб бўлади. Натижада организмнинг носпецифик жараёнларнинг резистентлиги фаоллашади.

Юқори частотали электр майдони парасимпатик нерв системасининг фаолиятини стимуллайди ва ички органларга симпатикотоник таъсирни камайтиради, артериал босимни, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг мотор ва секретор функцияларини, ингичка ичакда озиқ моддаларининг сўрилишини нормаллаштиради. Глюкокортикоидлар синтезининг тезлашиши яллиғланишнинг экссудатив компоненти фаоллашишини ва организмнинг иммунологик реактивлигининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари таъсир соҳасида тўқима трофикасини яхшилайди, яра эпителизациясини тезлаштиради, томирлар силлиқ мушагининг тспазмини бартараф этади, бу bemорларда артериал босимнинг тушушига олиб келади.


Даволовчи самараси: яллиғланишга қарши, секретор, томир кенгайтирувчи, миорелаксацияловчи, иммунсупрессив, трофик.

Кўрсатма. Яллиғланиш, шу қаторда турли жойларда жойлашган ўткир йирингли жараёнлар (чипқон, абсцесслар, флегмоналар, панариция ва бошқалар), ички органларнинг ҳар хил ўткир ва ўткир ости яллиғланиш касалликлари (ўпка, ошқозон, жигар, сийдик таносил органлари), таянч-

ҳаракат аппарати ва периферик нерв системасининг касалликлари ва жарохатлари, совук уриш, фантом оғриқлар, каузалгия, облитерик эндартерит ва қўл-оёқлар периферик томирларнинг бошқа касалликлар, яққол аллергик компонентлари билан кечадиган касалликлари (бронхиал астма, сурункали обструктив бронхит, ревматоид артрит), вегето-томир дисфункциялари, I-II босқичли гипертония касаллиги, климактерик ва климактерикдан кейинги синдромлар.

Қарши қўрсатмалар. Аорта аневризми, гипотензия, тез-тез бўладиган стенокардия хуружи, таъсир соҳасида кардиостимулятор имплантантининг бўлиши, яллиғланишининг шаклланган йирингли ўчоги, йирингли синуситлар, инсульт, ҳомиладорлик З-ойдан бошлаб.

Методика. УЮЧ-терапия муолажасини ўтказишда конденсатор усулидан фойдаланилади. Икки конденсатор пластиналарнинг кўндаланг ва бўйлама жойлашиши кўлланилади.



УЮЧ электр майдони энергиясининг ютилиши ва кучланиши бир хил эмас, у тўқима ва электродлар орасидаги масофага ва уларнинг жойлашишига боғлиқдир. Жарохатнинг юза жойлашишида пластина ва тери юзаси орасидаги масофа 1-2 см, чуқур жойлашганда 3-4 см бўлиши керак. Биргалиқдаги ҳаво бўшлиғи 6 см дан ошмаслиги зарур. Муолажаларни кийим устидан ўтказиш мумкин, лекин нам боғлов устидан ўтказиш мумкин эмас.



Паст интенсивдаги УЮЧ майдон асосан яллиғланишнинг ўткир босқичида (э *c c с у д а т и в*) қўлланилади, юқори интенсивдаги – яллиғланиш жараёнининг сусайишида (*п о л и ф е р а т и в*) ёки яллиғланиш йирингли ўчоғининг дренажидан кейин қўлланилади. УЮЧ электр майдони билан юрак соҳасига таъсир этилмайди, унинг ритми бузилишини чақирмаслик мақсадида

Аппаратнинг чиқиш қуввати бўйича даволовчи муолажанинг дозаланиши амалга оширилади. УЮЧ-терапияда иссиқсиз, кучсиз иссиқлик ва иссиқлик дозалари қўлланилади. Иссиқсиз самара олиш учун энергиянинг оқим зичлиги $0,1 \text{ Вт}/\text{м}^2$ дан ошмаслиги керак, унга УЮЧ-терапия аппаратининг чиқиш қуввати 30 Вт дан ошмаганда эришилади.

Ҳар куни ўтказиладиган муолажанинг давомийлиги 10-15 минутни ташкил этади, иссиқсиз таъсир этишни бир кунда 2 марта (эрталаб ва кечкурун) ўтказиш мумкин; бир курс давога 8-12 муолажа. Зарурият бўлганда УЮЧ-терапия 2-3 ойдан сўнг қайтарилади.

УЮЧ-терапиянинг хусусий усуллари

1.Кўз соҳасига УЮЧ электр майдони таъсири. Ўзаки жойлашган тўқималарнинг жарохатида конденсатор пластина (диаметри 3,6 см) киприкларни ёпиш билан кўз олдига қўйилади, иккинчиси қулоқ супрасининг олдига 0,8-0,15 см ҳаво бўшлиғида жойлаштирилади. Чуқур жойлашган тўқималар жарохатида конденсатор пластина (диаметри 3,6 см) киприкларни ёпиш билан кўз олдига қўйилади, иккинчиси қулоқ супрасининг орқа томонига жойлаштирилади. Ҳаво бўшлиғи 1,5-2 см, таъсирининг атермик интенсивлиги қўлланилади. Муолажа давомийлиги 8-12 минут, ҳар куни, кам ҳолларда кун ора. Бир курс давога 4-12 муолажа.

2.Қулоқ соҳасига УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор креслода ўтиради ёки күшеткада ётади. Диаметри 3,6 смли бир конденсатор пластина қулоқ супрасининг олдига қўйилади, иккинчиси – шу томондаги сўрғичсимон ўсимта соҳасига 2-2,5 см аво бўшлиғи билан жойлаштирилади, тавсия этиладиган доза 40 Вт, давомийлиги 12-15 минут, ҳар куни, бир курс давога 12-15 муолажа. Агар иккала қулоқ касалланган бўлса, бир кун бир қулоққа, иккинчи кун иккинчи қулоққа муолажа ўтказилади.

3. Вазомотор ринитда УЮЧ электр майдони таъсири. 36 мм ли пластина бурун соҳасига 1,5-2 см ли ҳаво бўшлиғида жойлаштирилади, қуввати 40 Вт. Пластиналар орасидаги масофа 3,6-4 см, давомийлиги 5-12 минут. Ўткир ринитларда муолажа кунига 2 марта ўтказилади 3-4 соатли танффус билан ўтказилади. Ўткир яллиғланишли ринитда bemor 5-6 муолажа, вазомоторлида 12-14 муолажа қабул қиласи.

4.Иккала юқори жағ бўшлиғига УЮЧ электр майдони таъсири. Кичик диаметрли конденсатор пластиналарнинг бўйлама усуллари қўлланилади, улар иккала бўшлиқ соҳасига ўнг ва чап томондан 0,5-3 см ҳаво бўшлиғи билан жойлаштирилади. Қуввати 15-30 Вт. Давомийлиги 10-15 минут. Бир курс давога 15-20 муолажа, ҳар куни.

5.Уч бошли нерв невралгиясида УЮЧ электр майдони таъсири.

Катта диаметрли конденсатор пластина қулоқ супрасининг олди томонига кўндаланг шундай жойлаштириладики, унинг маркази ташқи эшичув йўлининг юқорисида бўлиши керак. Ҳаво бўшлиғи 0,5-3 см бўлиши керак. Таъсир қуввати 15-40 Вт, давомийлиги 10-15 минут, ҳар куни ёки кун ора. Бир курс давога 15 муолажагача.

6.Юз нерви невритида УЮЧ электр майдони таъсири. Катта размердаги бир конденсатор пластина жарохатланган томондан сўргичсимон ўсимта соҳасига, иккинчисини қарама қарши лунч соҳасига жойлаштирилади. Ҳаво бўшлиғи 0,5-3 см, қуввати 15-40 Вт, бир курс давога 10-15 муолажа, ҳар куни ёки кун ора, давомийлиги 15 минут.

7.Чакка-пастки жағ бўғимиға УЮЧ электр майдони таъсири. 3,6 см ли конденсатор пластиналар жарохатланган бўғимнинг юқори ва пастига пластина диаметридан кам бўлмаган масофага жойлаштирилади. Ҳаво бўшлиғи 0,5-3 см, чиқиш қуввати 15-40 Вт. Бир курс давога 10 муолажа, ҳар куни ёки кун ора, давомийлиги 10 минутгача.

8.Ўпка соҳасига УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор ёғоч стулда ўтирган ҳолатда. 120 ва 150 мм конденсатор пластиналарининг ҳар бири ўпка илдизи сатҳида ўрнатилади. Бир пластиналарининг орқа томонига, иккинчиси олди томонига ҳаво бўшлиғи 3-3.5 см билан жойлаштирилади. Доза аста-секин оширилади ва ўрта иссиқликкача (70-80 Вт) олиб борилади. Муолажа давомийлиги 12-15 минут, ҳар куни ёки кун ора, бир курс давога 12-15 муолажа.

9.Ошқозонга УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор қушетгада ўтиради ёки ётади. 150 мм диаметрли конденсатор пластина войлочли мато билан жойлаштирилади: бири-эпигастрал соҳага, иккинчиси-орқага умуртқа поғанасининг 7-кўкракдан 1 бел соҳасигача. Ҳаво бўшлиғи олди томондан

1,5-2 см, орқада 3-3,5 см, доза ўрта интенсивликда, 12 бармоқ ичак ёки ошқозон яра касаллигига кучсиз иссиқ доза қўлланилади. Муолажа давомийлиги 10-15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10-15 муолажа.

10. Сийдик қопи ва простата бези соҳаларига УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор кушеткада ётган ҳолатда. 80x120 мм войлочли мато билан пластиналар сийдик қопи проекциясининг олди қисмига, орқа қисмидаги думғаза остига. Простата бези жарохатида конденсатор пластиналарнинг бири сийдик қопи устига, иккинчиси – думба остига жойлаштирилади. Ҳаво бўшлиғи 2,5-3 см, дозаси 70-80 Вт, давомийлиги 10-15 минут, биринчи 4-5 муолажа ҳар куни, сўнгра кун ора, бир курс давога 10-15 муолажа.

11. Аёллар кичик тос органларига УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор кушеткада ётган ҳолатда. Бир 80-130 мм катталиқдаги конденсатор пластина войлочли мато билан ўнг ёки чап чов соҳасига қўйилади. Иккинчи пластина орқа томндан думғаза остига. Ҳаво бўшлиғи 2-3 см, дозаси 70 Вт, давомийлиги 12-15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10-15 муолажа.

12. Умуртқа поғанаси соҳасига УЮЧ электр майдони таъсири. Диаметри 80 ёки 100 мм конденсатор пластина жойлаштирилади: бири-креслода ўтирган ёки кушеткада ётган bemor умуртқа поғанасининг бўйин, иккинчиси-бел соҳасига. Ҳаво бўшлиғи 2,5 см, дозаси 80 Вт, давомийлиги 12-15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10-15 муолажа.

13. Елка бўғимиға УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор креслода ўтирган ҳолатда. 80 ёки 110 мм катталигига пластиналар жойлаштирилади: бири-бўғимнинг олди ва иккинчиси-орқа юзасига. Ҳаво бўшлиғи 2-2,5 см. Дозаси 90 Вт, давомийлиги 10-15 минут, ҳар куни, бир курсга 10-15 муолажа.

14. Тизза бўғимиға УЮЧ электр майдони таъсири. Бемор кушеткада ўтирган ёки ётган ҳолатида. 80 ёки 100 мм ли конденсатор пластиналар тизза бўғимининг ташқи ва ички томонларига жойлаштирилади. Ҳаво бўшлиғи 2-

2,5 см. Дозаси 90-120 Вт, давомийлиги 12-15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10-15 муолажа.

Ўта юқори частотали терапия (микротўлқинли, СВЧ-терапия)

Даволаш мақсадида ўта юқори частотали электромагнит тебранишлари кўлланилади. Тебранишларнинг тўлқин узунлиги 1 метрдан 1 ммгача, тебраниш частотаси 300 дан 30000 мГц гача. Бунда узунлиги 1 мм – 1 см келадиган тўлқинлар (сантиметрли - СМТ) ва 10 см – 1 м келадиган тўлқинлар (дицеметрли - ДМТ) дан фойдаланилади.

Электромагнит тўлқинлар спектрида улар ультрақисқа тўлқинлар ва инфрақизил нурлари орлиғида ётади.

Микротўлқин энергияси ичкарига кириш ва тўқималар томонидан қабул қилиш хусусиятига эга.

СМТ ва ДМТ организмга бўлган таъсирида турли тўқималарда қабул қилинган энергиянинг тақсимланиши билан фарқ қиласи, масалан : СМТ энергияси 5 – 6 см, ДМТ эса 7 – 8 см ичкарига киради. Тери ва тери ости ёғ клетчаткаси микротўлқинларни суст ютади, лекин сувга бой тўқималар ва муҳитлар тўлқинларни кўпроқ ютади.

Микротўлқинлар таъсирида сувнинг дипол молекулалари ва ионларнинг муҳитдаги ҳаракати юз бериб, у майдон куч чизиқлари йўналишига мос тушади, бу микротўлқин энергиясининг иссиқликка айланишига сабаб бўлади. Айниқса қонда, лимфада, паренхиматоз органларда, мушакларда ва ҳ.з. Микротўлқин энергияси таъсирига ва тўқималар томонидан уни қабул қилишга жавобан хужайраларнинг биохимик ҳолатида, коллоид тузилмаларининг дисперстлик даражасида, осмотик босимда, ичкарига киришида ўзгаришлар юз беради. Иссиқлик ва иссиқликсиз эффектларининг пайдо бўлиши таъсирининг интенсивлиги ва тўқималарнинг қанча миқдорда энергияни қабул қилишига боғлиқ.

Заиф интенсивликдаги микротүлқинлар қўлланилганда, иссиқлик ажратувчи чегарадан паст бўлганда 0,01 вт/см², биологик таъсир механизмида иссиқсизлик эффекти юқори бўлади. Катта кўрсаткичли оқимлар зичлиги қўлланилганда – микротүлқинлар қуввати 0,01 вт/см² дан катта биологик таъсир механизмида иссиқлик эффекти юқори туради, бу кўп миқдорда сув сақловчи тўқималарда иссиқликнинг эндоген ҳосил бўлишига боғлиқдир.

ЎЮЧ – таъсир механизми нерв – рефлектор – гуморал деб каралади. Натижада биологик актив моддалар ҳосил бўлади.

Ўта юқори частотали электромагнит майдони таъсирида таъсир этилаётган жойдаги тўқималарнинг ҳарорати ошади (катта интенсивликда бутун тана ҳарорати ошиши мумкин). Микротүлқинларнинг даволаш дозалари оғриқ қолдириш, яллиғланишга қарши, бактериостатик таъсир, тўқималарнинг озиқланишини яхшиловчи, регенератив жараёнларни стимуллаш хусусиятига эгадир. Микротүлқинлар таъсири қўйидагиларда аниқланган, яъни капилляр қон айланиш тезлашган, кпиллярларнинг ўтказувчанлиги ортган. Кичик дозаларда МНСда асосий жараёнларга стимулловчи таъсир кўрсатади, буйрак усти пўстлоғининг гормонлар синтезини оширади, вегетатив нерв системси функциясининг ваготоник йўналиши кузатилади. СМТ ва ДМТ диапозонларининг фарқи қўйидагича :

-СМТ – терапияда ҳосил бўлган энергия 5 – 6 см чуқурликка, ДМТ – терапияда 7 – 8 см, баъзи ҳолатларда 10 – 12 смгача чуқурликка киради.

-СМТ – терапияда иссиқлик тўқималарнинг юза қисмида ҳосил бўлади, ДМТ – терапияда ҳам юза, ҳам ички қисмида ҳосил бўлади.

-ДМТ – терапия усули юрак-қон томир системаси функциясига таъсир этиб, миокарднинг қисқариш функциясини яхшилайди, юрак мушакларида модда алмашинувини фаоллаштиради. Периферик қон томирлари тонусини пасайтиради, натижада микроциркуляция яхшиланади.

Муолажа ўтказишида қўйидаги аппаратлардан фойдаланилади : СМТ – терапия учун – ЛУЧ-58, ЛУЧ-2, ДМТ – терапия учун – Волна-1, Волна-2,

Ромашка. Электрод сифатида цилиндрсимон, конуссимон, айланасимон, тұғри бурчак шаклидаги нурлаткичлардан фойдаланилади.

Күрсатма ДМТга : ички органларнинг ўткір ости ва сурункали касалликлари (бронхит, зотилжам, ошқозон яраси, холецистит, аднексит, ростатит), юрак-қон томир касалликлари (I- ва II-даражали гипертония касаллиги, реноваскуляр гипертония, инфарктдан кейинги кардиосклероз – касалликнинг 25-28 кунидан бошлаб,) деформацияланган остеоартроз ва спондилез, бронхиал астма ва х.з.

СМТга : периферик нерв системасининг ўткір ости ва сурункали касалликларида (нейромиозит, неврит, плексит, невралгия), бүгім ва умуртқа поғанасининг дегенератив-дистрофик касалликларининг авж олиш босқичида (остеохондроз, бурсит, периартрит, боғламлар узилиши), ревматоид артрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, облетерик эндоартрит, ЛОР, сийдик чиқариш йўллари, кўз ва аёллар жинсий органларининг яллигланиш касалликлари, гидраденит, операциядан кейинги инфильтрат ва х.з.

Қарши кўрсатмалар ДМТга : ўткір йирингли яллигланиш жараёнлари, ҳомиладорлик (қорин соҳага таъсир этилганда), тўқималар шишиши ва ёд таналарнинг таъсир соҳасида бўлиши, тинч ҳолатдаги стенокардия, юрак ритмининг пароксизмал бузилиши, эпилепсия, ошқозон ярасининг стеноз билан кечиши ва қон кетиш ҳавфи ва х.з.

СМТга : тўқималарнинг кескин шишиши ва металл бўлакларининг таъсир соҳасида бўлиши, тиреотоксикоз, миокард инфаркти (биринчи 1-3 ойлари), юракнинг ишемик касаллиги, кучланишли стенокардиянинг III ФС, эпилепсия, ошқозон ярасининг стеноз билан кечиши ва қон кетиш ҳавфи.

Муолажалар ўтказишида маълум талабларга жавоб берадиган алоҳида жойлашган ва ҳимояланган хоналардан фойдаланилади. ДМТда муолажа 4 минутдан 15 минутгача (максус методтка бўйича 30 минутгача), ҳар куни ёки кун ора, даволаш курси 8-12 муолажа. Зарурият туғилганда даволаш курси 2-

3 ойдан сўнг қайта тавсия этилиши мумкин. СМТда муолажа 5-20 минутгача, ҳар куни ёки кун ора. Даволаш курси 5-15 муолажа. Зарурият туғилганда даволаш курси 2-3 ойдан сўнг қайта тавсия этилиши мумкин.

Индуктотермия

Бу юқори частотали магнит майдони билан даволашдир. Индукта – тўплаш, термо – иссиқлик, яъни иссиқликни тўплаш маъносини билдиради.

Аппаратга уланган юқори вольтли кабель ўрамлари атрофида юзага



келадиган магнит майдони бемор танасида индукцион токлар – Фуко токлари пайдо бўлишига олиб келади. Бу токларнинг ҳосил бўлиши тўқималарнинг қизишига олиб келади, яъни иссиқлик таъсирига, шу билан бирга осциллятор таъсир ҳам кўрсатади. Иссиқлик асосан электрни яхши

ўтказувчи тўқималарда, яъни қон, лимфа, паренхематоз органлар тўқимаси, мушакларда ҳосил бўлади. Иссиқлик тўқима ичкарисида (8-12 см) ҳосил бўлади, тери ва тери ости клетчаткасида камроқ. Индуктотермия ўрта ҳисобда маҳаллий ҳароратни 3-4 градусга оширади, камида эса 1-1,5 градусга. Ҳароратнинг кўтарилиши тўқималардаги қон томирларни (артерия, вена ва капилляр) кенгайтиради, функционал ҳолатдаги томирлар сонини оширади, периферик ва чукур қисмида қон айланишни кучайтиради, ферментлар алмашинуви жараёнларини тезлаштиради. Индуктотермия таъсир қилган жойда суяқ тўқималарида кальцийнинг йиғилиши ортади. Тўқималарнинг битиши ва регенерациясининг тезлашиши кузатилади. Буйрак усти бези пўстлоғининг глюкокортикоид функциясини стимуллайди, катехоламинларнинг секрецияси ошади. Сўрилиш жараёнлари тезлашади, организмнинг иммунологик хусусияти яхшиланади, фагоцитознинг фаоллиги

ортади, томир, ичак, бронхлар, сфинктерларга антиспазматик таъсир кўрсатади. Муолажа ИКВ-4, ДКВ-2 аппаратлари ёрдамида ўtkазилади. Бунда электрод вазифасини бажарувчи индуктор диск ва индуктор кабел қўлланилади.

Кўрсатма : ички органларнинг ўткир ости ва сурункали касалликлари (бронхит, зотилжам, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, холецистит, гломерулонефрит, аднексит, простатит), умуртқа поганасининг остеохондрози, мушак контрактуралари, ангиоспазмлар, алмашинув ва жароҳатдан кейинги артроз-артритлар, I- ва II-даражали гипертония касаллиги, Рейно касаллиги, яққол аллергик компонент билан кечувчи касалликлар (бронхиал астма, сурункали обструктив бронхит, ревматоидли артрит), таянч-ҳаракат аппаратининг, кичик тос органларининг, сийдик қопининг, ЛОР органларининг ўткир ости ва сурункали касалликлари, ўткир ва сурункали нефрит, неврит, радикулит ва х.з.

Қарши кўрсатма : ўткир яллиғланиш касалликлари, юрак ишемик касаллиги, кучланишли стенокардия I- ва II-ФС, таъсир соҳасида қўйилган кардиостимулятор ва металлбўлакларининг бўлиши, гипотензия, геморрагик иньсулт, бош мия томирларининг яққол атеросклерози, терининг оғриқ ва ҳарорат сезувчанлигининг бузилиши, серингомиелия, ўткир йирингли жараёнлар, ёмон сифатли ўсмалар, қон кетишга мойиллик, силнинг фаол шакли, юрак-қон томир етишмовчилиги ва х.з.

Муолажа 15-30 минутга, хар куни ёки кун ора. Даволаш курси 10-15 муолажа. Зарурият туғилганда даволаш курси 2-3 ойдан сўнг қайта тавсия этилиши мумкин.

Тиббиёт амалиётида бундан ташқари бир йўла бир неча хил таъсир кўрсатиш усули ҳам қўлланилади. Масалан : дорили электрофорез ва индуктотермиядан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин. Бунда иккала усул нинг терапевтик активлиги ошади, яъни тўқималарнинг ўтказувчанини индуктотермия усули яхшилайди, бу эса дори моддаларининг тўқималарга

ичкарироқ киришига ёрдам беради. Муолажа вақтида прокладка дори моддаси билан намланади, устига қўрғошинли электрод қўйилади, унинг устидан индуктор диск қўйилади.

Бундан ташқари, индукторбалчиқ усули кенг қўлланилади. Муолажа ўтказиш вақтида ил ёки торф балчигидан фойдаланилади. Муолажа бошида аввал таъсир этиш соҳасига балчик суртилади, сўнгра унинг устига индуктор диск қўйилади. Натижада организмга балчикдаги фойдали кимёвий элементлар, биологик актив моддалар киргизилади.

Магнитотерапия

Организмга паст частотали ўзгарувчан магнит майдони ва доимий магнит майдони таъсирига асосланган физиотерапевтик усул магнитотерапия деб аталади.

Магнит майдони – унинг ёрдамида ҳаракатланувчи электр зарядлар ёки токларнинг ўзаро таъсири ва боғланиши орқали амалга ошади. Магнит майдони табиий ва сунъий бўлади. Табиий магнит майдонлар ташқи ва ички, сунъий магнит майдонлар эса кучайтирилган ва кучсизлантирилганга бўлинади. Табиий магнит майдон одамзот мавжудлигини таъминлайди.

Биз доимий магнит майдонида яшаймиз – гемамагнитли, ҳамда одам организми фақат мусбат йўналишдаги шимолдан жанубга оқувчи магнит оқим таъсирига жавоб беради.

Сунъий магнит майдон токли ғалтак чўлғамлари атрофида пайдо бўлади. Магнит майдонининг энг кўп зичлиги қутблар атрофида бўлади (металлар қутблар атрофига тортилади). Магнит майдон куч чизиқлари йўналиши бўйича доимий ва ўзгарувчан, узлуксиз ва импульсли тартибда ҳар хил частотадаги, шаклдаги ва узунликдаги импульслар генерация қилиши мумкин.

Магнитланиш хусусиятига эга бўлган моддалар параметрагнитли ва диамагнитли моддалар деб аталади. Параметрагнит моддалар ташқи магнит

майдонда у билан бир йўналишдаги магнит хусусиятларига эга бўлади. Булар асосан алюминий, кальций, кислород ва х.з.

Диамагнит моддалар ташқи магнит майдонида маълум хоссаларга эга бўлмайди-ю, лекин ташқи магнит майдон билан таъсир қилмайди ва умумий магнит майдон ҳосил қилмайди. Буларга асосан оқсиллар ва таркибида олтингугурт бор органик моддалар киради.

Феррамагнит моддалар парамагнит моддаларга киради. Лекин кўпроқ магнитланиш хусусиятига даво майдондан чиққанда бу хуссият қучаяди. Бу темир, кобальтдир. Одам тўқималари диамагнит моддаларига киради. Одам тўқималарининг магнит ўтказиш хусусияти 1 га тенг.

Доимий магнит майдонининг таъсир механизми. Клиник ва синов кузатишлар билан шу нарса аниқландики, доимий магнит майдон таъсири остида биотўқималарда мураккаб физик-кимёвий жараёнлар юз беради. Қатор физик-кимёвий жараёнлар ичida магнит майдон таъсири механизмида ЭЮКни йўналтириш, ҳамда магнит майдон қатор кимёвий, физик-осматик жараёнлар биологик системаларда хужайра даражасида таъсир этади. Магнит майдон ўтказувчанлик системсида таъсир қилади, чунки магнит майдон таъсирида ориентацион ҳодисалар рўй беради ёки магнит майдонида ионлар, диполлар маълум қутбга тортилишади. Ориентацион ҳодисаларнинг ҳосил бўлиши pH ўзгаришига, мембрана орқали калий, натрий ионлари ўтишига, АТФ синтезига олиб келади. Доимий магнит майдон бўш радикал боғланишларни фаоллаштиради, жумладан, оксидланиш-қайтарилиш ҳодисаларини фаоллаштиради. Доимий магнит майдон қуввати ва атомлар қуввати, ҳамда организм тўқималари молекулалари орсидаги резонансни кўпайтиради (резонанс қўшилади ва кўпаяди). Доимий магнит майдон моддаларда қувватнинг тақсимланишига янги маълумот беради, бу эса ўз навбатида ДНК таркибига киравчи нуклеотидлар қуввати даражасининг ўзгаришига олиб келади. Ўзгарувчан магнит майдонининг таъсир механизми. Ўзгарувчан магнит майдони қуйидаги частотада, яъни 1,10,100,1000 Гцда таъсир


күрсатади. Ўзгарувчан магнит майдони энг катта таъсирини 10 Гц частотада күрсатади. Магнит майдони маҳсус ва номахсус таъсирига эга. Номахсус таъсирига седатив, анальгетик, ўртача гипотензив таъсир киради. Маҳсус таъсири фақат магнит майдонига ҳосдир. Бунга микроциркуляцияни тезлаштириш, дегидратация, осматик ва метаболик ҳодисаларга таъсир

күрсатиш киради. Магнит майдонининг маҳсус ва номахсус таъсири унинг экспозицияси ва интенсивлигига боғлиқ. Магнит майдон қўпроқ марказий нерв системаси, айниқса, гипоталямус, мия қобиғи, сўнгра ретикуляр форма-цияга таъсир этади. Доимий



магнит майдони МНСнинг тормозланишига таъсир этиб, шартли рефлексларнинг ҳосил бўлишини секинлаштиради. Ўзга-рувчан магнит майдони МНСга аксинча таъсир кўрсатади, яъни симпатик ҳодисаларни кучайтиради. Магнит майдони периферик нерв системасига ўртача секинлаштирувчи таъсир этиб, нерв озиқланишини яхшилади. Доимий ва ўзгарувчан магнит майдонлари эндокрин системаси фаолиятини яхшилади, яъни гипофизда тегишли гормонларнинг ишлаб чиқилишини кучайтиради. Айниқса бу таъсир компенсатор ва адаптацион фаолияти пасай-ган организмларга фойда беради. Магнит майдонининг таъсири касал одам-ларга соғломларга нисбатан, қариларга нисбатан ёшларга, аёлларга нисбатан эркакларга кучлироқдир. Магнит майдонлар иммунологик реактивликнинг ўзгаришида муҳим роль ўйнайди. Иммунологик системага гипоталямус, гипофиз, лимфа тўқималари орқали таъсир қиласди. Бу таъсир туфайли гормонлар ишлаб чиқариш кўпаяди, лейкоцитларнинг фагоцитар активлиги ошади, лизоцим даражаси нормаллашади, лимфоцитларнинг антитела ишлаб чиқариш вазифаси яхшиланади. Шу билан магнит майдоннинг репарация ва

регенерацияга таъсири тушунтирилади. Яллигланишга қарши таъсири кўпроқ қон ивиши ва суюлиши системаларининг ўзгариши билан тушунтирилади, микроциркуляция яхшиланади, дегидратация қучаяди ва ниҳоят ҳимоялниш қобилияти ошади. Оғриқни қолдириш қобилияти магнит майдонининг



яллигланишга қарши таъсири билан боғлиқ. Артериал қон босимини тушуради, пульсни сийраклаштиради, юракнинг қон айланишини яхшилаб, миокард қисқаришини кучайтиради. Конда ва сийдикда 17-КСларни

камайтиради. Ўртача катталикдаги қон томирни кенгайтириб, тонуси баланд бўлган қон

Тамирини бўшаштиради. Магнит майдони қичишишни босади. Оғир ишларга чидамлиликни оширади. Микротомирларда коллоид-осматик босимни нормаллаштиради бу эса шишнинг қайтишига, кислородни тўқима-ларга ташилишига ва ишлатилишининг яхшиланишига олиб келади.

Магнит майдони терапевтик дозаларда қон элементларига таъсир кўрсатмайди. У ташқи нафас жараёнини яхшилайди, балғам миқдорини камай-



тириб, каверналар битишини тезлаштиради (сил касаллигига). Магнитлаштирилган сувни бир кунда 1 литргача ичиш мумкин. Диурез реабсорбция паса-йиши ҳисобига кўпаяди, ўт

пуфагидаги ва буйракдаги тошлар емирилади. Қон магнитланганида десенсибилизация кучайгани кузатилади. Магнит май-

дона радиациядан ҳимоя қилишда қўллнилади. Ҳозирда магнитланган дорилар ракка қарши кенг қўлланилмоқда. Магнитотерапияни фоно, электрофорез, УВЧ билан қўллаш мумкин, лекин кетма-кетликка риоя қилиш керак, яъни аввал магнитотерапия, кейин бошқа муолажалар қилинади.

Кўрсатмалар: касалликларнинг I – II даражалари, сурункали артериал ва веноз етишмовчилиги, постстромбофлебетик синдром, трофик яралар,



атеро-склероз, юракнинг ишемик касаллиги, гипертония, ўпка сили, бронхиал аст-манинг оғир бўлмаган даражаси, таянч-харакат органларининг ревматоид ва ревматик касалликлари, суяк битишининг секин кечиши,

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичагининг яллиғланиши, аллергик дерматозлар, бош миянинг ва периферик нерв системасининг томир касалликлари, полиневритлар, аёллар жинсий органларининг касалликлари. Магнитотерпия учун “Полюс-1” аппаратидан фойдаланилади.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

1.УЮЧ-терапия

Чакка-пастки жағ бўғимининг ўнг ва чап соҳасига УЮЧ-терапия, кўндаланг усул, ҳаво бўшлиғи 1,5-2 см, қуввати 40 Вт, давомийлиги 10 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

2.ДМТ-терапия

Қулок олди сўлак безининг ўнг соҳасига ДМТ-терапия, контакт усул, қуввати 20 Вт, давомийлиги 10 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

3.Дарсонвализация

Бош ва ёқа соҳасига дарсонвализация, лабил усул, сезги бўйича ток кучи, давомийлиги 5 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

4.Магниттерапия

Операциядан кейинги яра соҳасига магниттерапия, масофали усул, ҳаво бўшлиғи 2-3 см, индукция 30 мТл, давомийлиги 15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

5.Франклинизация

Умумий франклинизация, бош электроди бошдан 15 см юқорига қўйилади, майдон кучланиши 50 кВ, давомийлиги 10 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

6.Индуктотермия

Буйрак усти соҳасига индуктотермия, индуктор-кабель Th10-L1 сегментлар сатҳига қўйилади, ҳаво бўшлиғи 1-1,5 см, кучсиз иссиқ дозада, давомийлиги 15 минут, 2 кун кетма-кет, 3-кун дам, бир курс давога 10 муолажа.

Амалий қўникум

Дарсонвализация муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Аппаратнинг тайёргарлигини текшириш		10
2	Бемор олдида вакуумли электродни спирт билан ишлов бериш		10
3	Беморни ўтказиш.		10
4	Аппаратни ёқиш. Қувват регуляторини керакли дозага қўйиш		15

5	Аста-секин регуляторни күтариб, ток кучини аниклаш		20
6	Таъсир соҳасини тальк билан ишлов бериш		10
7	Белгиланган соҳа бўйича лабил усулда электродни секинлик билан ҳаракатлантириш		20
8	Муолажа тугагач аппаратни ўчириш. Беморга жавоб бериш		5
	Жами:		100

Амалий қўнимма

Франклинизация муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Аппаратнинг тайёргарлигини текшириш		5
2	Бемор танасидан металл буюмларини (соат, зирақ, ремен, занжир, уяли телефон ва бошқалар) олиб ташлаш		10
3	Беморни комфорт ҳолатда ўтказиш		10
4	Бемор бошидан 10-15 см баландликда бош электродини ўрнатиш		20
5	Аппаратни ёқиши, қувват регуляторини белгиланган дозага қўйиш		15
6	Беморни 10 минутга қолдириш		10

7	Муолажа тугагач аппаратни ўчириш.		10
8	Электр зарядни олувчи-штеккер ёрдами билан бош электродига тегизиш натижасида кучланишни олиш		10
9	Бош электродни олиш, беморга жавоб бериш		10
	Жами:		100

Амалий қўникма
УЮЧ-терапия муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Аппаратнинг тайёргарлигини текшириш		10
2	Бемор ўтказиш		10
3	Белгиланган усул бўйича конденсатор пластинкасини жойлаштириш		20
4	Аппаратни ёқиши. Қувват регуляторини керакли дозага кўйиш		15
5	Тестор билан УЮЧ-майдонининг борлигини текшириш		15
6	Беморни 5-10-15 минутга қолдириш		10
7	Муолажа тугагач аппаратни ўчириш		10
8	Конденсатор пластиналарни олиш. Беморга жавоб бериш		10
	Жами:		100

Амалий қўникма

Магниттерапия муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини түғри бажаришни ўргатиши.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тұлық түғри бажарилған
1	Аппаратнинг тайёргарлигини текшириш		10
2	Таъсир соҳаси ва танланган усулга мос равишида bemорни ўтказиш ёки ётқизиш		10
3	Индукторларни тавсия этилган усул бўйича жойлаштириш		20
4	Қувват регуляторини керакли дозага қўйиш		15
5	Аппаратни ёқиши, bemорнинг ўзини хис қилиши ҳақида билиш		15
6	Беморни 15 минутга қолдириш		10
7	Муолажа тугагач аппаратни ўчириш		10
8	Индукторларни олиш. Беморга жавоб бериш		10
	Жами:		100

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

- 1.Дарсонвализациянинг таъсир этиши омилини ва таъсир механизмини кўрсатинг.
- 2.Дарсонвализацияни ўтказиш усуллари.
- 3.Дарсонвализацияни ўтказиш учун кўрсатма.

4. Франклинизациянинг таъсир этиш омилини ва таъсир механизмини кўрсатинг.

5. Франклинизацияни ўтказиш усуллари.

6. Франклинизацияни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

7. УЮЧ-терапиянинг таъсир этиш омилини ва таъсир механизмини кўрсатинг.

8. УЮЧ-терапия тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

9. УЮЧ-терапиянинг қайси усуллари қўлланилади?

10. УЮЧ-терапия ва микротўлқинли терапиянинг фарқларини кўрсатинг.

11. “Индуктотермия”га тушунча беринг, таъсир этувчи омил бўлиб нима ҳисобланади?

12. Юқори частотали магниттерапиянинг таъсир механизмини кўрсатинг.

13. Индуктотермия тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни санаб ўтинг.

14. Магниттерапиянинг таъсир этувчи омилини ва таъсир механизмини кўрсатинг.

15. Магниттерапия тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

16. Индуктотермия ва магниттерапияларнинг фарқини кўрсатинг.

Тест вазифаси

№	Тест вазифаси	Тўғти жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Дарсонвализация усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*юқори кучланишли ва кичик кучли юқори частотали ўзгарувчан импульс токи	ўзгарувчан электр ток	паст частотали ўзгарувчан ток	паст кучланишл и доимий ток

2	Магнит терапия усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*паст частотали доимий ёки ўзгарувчан магнит майдони	ўзгарувчан электр токи	юқори частотали ўзгарувчан электромагнит майдони	ультра юқори частотали электр майдони
3	Махаллий дарсонвализация учун кўрсатма бўлиб ҳисобланади:	*секин грануляцияла нувчи узоқ вақт битмаётган яра ва жароҳатлар	ошқозон яра касалинингавж олиш босқичида	сурункали бронхит	вазомотор ринит
4	УВЧ-терапиянинг бир кунда биргаликда тавсия этилмайдиган муолажалари:	*ўта юқори частотали терапия	дорили электрофорез	ультратовуш терапия	амплипульстера пия
5	Индуктотермия усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*ўзгарувчан юқори частотали электромагнит майдони	юқори кучланишли доимий электр майдони	ультра юқори частотали электр майдони	юқори кучланишли доимий электр майдони
6	Дециметртўлқинли терапиянинг даволовчи самарасини кўрсатинг:	*яллиғланишига қарши, томирни кенгайтирувчи, иммунобошқарувчи	бактериоценозид, витаминстимулловчи, меланинстимулловчи	седатив, рухий стимулловчи, гормонстимулловчи	гипотензив, бактериостатик, қон кетишни тўхтатувчи
7	Ревматоид артритда патогенетик даволаш мақсадида қўлланиш тавсия этилади:	*буйрак усти соҳасига ДМВ-терапия	бўғимлар соҳасига амплипульс терапия	умумий гальванизация	электрик терапия
8	Жароҳатдан сўнг тизза бўғими ар-	*кўндаланг	бўйлама	тангенциал	контакт

	трити билан касалланган беморга УВЧ-терапия тавсия этил- ган. Тавсия этилувчи усулни кўрсатинг:				
9	Асосан ял- лиғланишга қарши таъсирга эга жисмоний омилни кўрсатинг:	*УВЧ- терапия, микротўлқин- ли терапия, индуктотер- мия	франклини- зация, электр уйқу, гальваниза- ция	Шарко души, минерал сувларни ичиш, кўтарилиув- чи душ	дарсонва- лизация, аэроионо- терапия, сегментар баротера- пия
10	Махаллий дарсонвализа- цияни бакте- рицид таъси- рининг эффектив- лиги?	*микрооргани змларни хужайра қобиғи деструкция- лайди	микроорга- низмларни моддалар алмашину- вини бузиш	ионизация- ловчи нур- лантириш таъсири	фагацитоз ни кучай- тирувчи
11	Дарсонвал токи қодир:	*тери нерв рецепторлари нинг сезгир- лигини пасайтириш	мушак ре- цепторлар- ни қўзга- тиш, қисқа- риш билан	моддалар алмашину- вини пасай- тиради	регенера- цияни пасайти- риш
12	УВЧ тера- пиянинг таъсир механизмига кирмайди:	*бактерицид	яллиғланиш га қарши	спазмоли- тик	шишга қарши
13	УВЧ электр- майдонининг ўлчов бирлиги:	*вatt	вольт	вatt/ см^2	миллиам- пер
14	Дистрофик характердаги яллиғланиш касаллик- ларини даво- лашда мик-	*седатив	оғриқ қолдирувчи	спазмни олувчи	шишга қарши

	ротўлқинли терапиянинг даволовчи самараси эга эмас:				
15	Магнитотера пия қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди	*юз-жаг соғасининг шишиши	жағнинг синиши	пародонтоз	сўлак безлари-нинг яллиғ ланиши
16	Сурункали периодонтит-да илдиз каналини пломбаланган кунидан кейин профилактикаси:	* УВЧ электромайдон	флюктуоризация	дарсонвализация	махаллий УФ-нурлантириш
17	Франклиниза цияни таъсир қилувчи омили:	* юқори кучланишли ва паст кучли доимий электромайдонини	ўзгарувчан электр майдони	паст частотали ўзгарувчан ток	паст кучланишилди доимий ток
18	Қуйдагилардан бактерицид таъсирга эга:	* франклинизация	гальванизация	амплипульс	УВЧ-терапия
19	Франклиниза циянинг таъсир механизми қўйидагиларга боғлиқ:	*аэроионларни ҳосил қилишиги	электроосмос, электродиффузияга	учкун пайдо қилинишига	тўқиманинг магнитланишига
20	Франклиниза ция тавсия этишга хусусий қарши кўрсатма :	* гипотония	бемор тўқимасида металл ёт буюмларнинг бўлиши	тери бутунлигининг бузилиши	тромбофлебит

Вазиятли масалалар:

1.30 ёшли бемор. Диагнози: ўнг томонлама ўчоғли зотилжам. УЮЧ-терапия тавсия этилган. Муолажанинг усулини ва дозасини аниқланг. Рецепт ёзинг.

Жавоб эталони: тана ҳарорати 37°C гача тушганидан сўнг УЮЧ-терапия кўндаланг усул бўйича кучсиз иссиқлик дозада (20-40 Вт) тавсия этилади, ҳаво бўшлиғи 1 см, давомийлиги 10 минут, бир курсга 5-6 муолажа.

2. 27 ёшли бемор шикоятлар билан мурожаат қилди: чап тизза бўғимида юришдан сўнг кучаядиган оғриққа ва ғижирлашга. Диагноз қўйилди: чап тизза бўғими артроз-артрити. Тавсия этиладиган физиодавонинг мақсади ва вазифаларини аниқланг. Қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: Бу ҳолатда физиотерапия яллиғланишга қарши, оғриқ қолдириш, антипролифератив ва трофик самараси мақсадида қўлланилади. Яллиғланиш жараёнининг турли босқичларида ўрганилган физик омиллардан УЮЧ-терапия, магниттерапия, новокаин ва калий иодид билан электрофорез, ультратовуш терапия ёки ультрафонография.

3.50 ёшли қуйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди-бош оғриғи, бош айланиши. Гипретоник касаллиги билан 5 йилдан бери касал. Қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: Физиотерапия мақсади: қон босимини нормаллаштириш, минимал дори дармон, турмуш сифатини яхшилаш. Физик омиллардан тавсия этиш мумкин: ёқо соҳаси дарсонвализацияси, умумий франклинизация, калий йод ёки манезий билан ёқа соҳасига электрофорез.

4.Бемор 13 ёшда. Диагнози: ўнг томонлама пастки жағ йирингли лимфоаденити, операциядан кейинги ҳолат (3-кун), УЮЧ-терапия тавсия этилди. Муолажанинг усули ва дозани аниқланг. Рецепт ёзинг.

Жавоб эталони: Йирингли ўчоғ кесилганидан 3-4 кундан кейин ва адекват оқимни ҳосил қилиш, шунингдек тана ҳароратини нормаллаштириш

ва умумий ҳолатини яхшилаш мақсадида беморга УЮЧ-терапия кўндаланг усулда, кучсиз иссиқлик дозасида (20-40 Вт) тавсия этилди. Ҳаво бўшлиғи 1 см, давомийлиги 10 минут, бир курсга 5-6 муолажа.

5. 27 ёшли бемор шикоятлар билан мурожаат қилди: чап чакка-пастки жағ бўғимида чайнашдан сўнг кучаядиган оғриққа ва ғижирлашга. Диагноз кўйилди: чап чакка-пастки жағ бўғими артроз-артрити. Тавсия этиладиган физиодавонинг мақсади ва вазифаларини аниqlанг. Қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: Бу ҳолатда физиотерапия яллиғланишга қарши, оғриқ қолдириш, антипролифератив ва трофик самараси мақсадида қўлланилади. Яллиғланиш жараёнининг турли босқичларида ўрганилган физик омиллардан УЮЧ-терапия, магниттерапия, новокаин ва қалий иодид билан электрофорез.

6. Беморда ўнг тизза бўғимининг деформацияловчи остеоартрози. Шикоятлари: кун охирида, юкламадан кейин кучаядиган ўнг тизза бўғимида вақти вақти билан ҳосил бўладиган оғриққа, ҳаракатда бўғимда ғижирлаш. Объектив маълумотлар: bemor 65 ёшда, семиз, бўғим деформацияланган, сон мушаклари атрофияси. Микроциркуляция ва трофикани нормаллаштириш, репаратив регенерацияни тезлаштириш мақсадида УЮЧ-терапия муолажа тавсия этилган. Физиомуолажа усулини кўрсатинг ва расмийлаштиring.

Жавоб эталони: тизза бўғимида УЮЧ-терапия, кўндаланг усулда, ҳаво бўшлиғи 2-3 см, қуввати 60-80 Вт, давомийлиги 20 минут, кун ора, бир курсга 10 муолажа.

7.49 ёшли эркак неврологга дала ҳовлида кучли ишлагандан сўнг бел соҳасида пайдо бўлган оғриққа шикоят қилди. Текширувдан сўнг оғриқ билан бел остеохондрози диагнози кўйилди. Бемор реабилитологга маслаҳат учун юборилди. Оғриқ қолдириш ва яллиғланишга қарши терапия мақсадида касалликнинг 1-кунидан қайси физиотерапевтик таъсир усулларини қўллаш мумкин?

Жавоб эталони: диадинамотерапия, амплипульс, анестетиклар билан электрофорез, кучсиз иссиқлик дозада УЮЧ-терапия, магниттерапия.

8.36 ёшли бемор аёлда ревматоид артритнинг бўғим шакли, полиартрит, секин ривожланувчи, фаоллик I, рентгенологик босқич II, бўғим функциясининг бузилиши II. Преднизолоннинг кунлик дозасини камайтириш бошланган. Буйрак устининг глюокортикоид функциясининг стимуляцияси мақсадида қайси физиотерапевтик муолажа тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: буйрак усти проекцияси соҳасига дицеметрли микротўлқинли терапия ёки индуктотермия.

9.23 ёшли беморда анкилозловчи спондилоартрит марказий шакли, секин ривожланувчи, фаоллик I. Шикоятлари орқадаги оғриққа ва ҳаракатнинг чегараланишга. Яллиғланишга қарши терапия мақсадида қайси физиотерапевтик муолажаларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: индуктотермия, дицеметрли микротўлқинли терапия, салицилат натрий ёки глюокортикоид билан электрофорез.

10.37 ёшли беморда 12-бармоқ ичак яра касаллигининг сурункали касаллиги авж олиш сусайиш босқичида. Бемор ярага қарши дори дармон терапия курсини олган. Шиллиқ парданинг трофикаси ва репарациясининг стимуляцияси мақсадида қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: эпигастррия соҳасига магниттерапия, УЮЧ-терапия ўрта иссиқлик дозасида ёки дицеметр тўлқинли терапия.

2 боб. УЛЬТРАТОВУШЛИ ТЕРАПИЯ

Машғұлотни ўтказишиң жойи: ўқув аудиторияси, физиотерапевтик бўлим ёки кабинет.

Машғұлот мақсади: ультратовуш терапия, ультрафонофорез, уларни турли касалликларда қўллаш хусусиятлари бўйича билимларини мустахкамлаш ва чукурлаштириш, физиомуолажаларга рецепт ёзиш ва уларни амалий ўтказиши кўникмаларини ривожлантириш.

Педагогик вазифалар:

- ультратовуштерапия, ультрафонофорез бўйича умумий таассавурларни мустахкамлаш;
- bemor организмига келтирилган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми ва уларни қўллаш мақсади ҳақидаги билимларни тартиблаштириш;
- турли касалликлар билан касалланган bemorларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар (умумий ва хусусий) ҳақидаги билимларини мустахкамлаш ва кенгайтириш;
- кўрсатилган физиомуолажаларни қўллаш усулларини кўриб чиқиш ва уларни кўрсатиш;
- физиомуолажаларни ўтказишга рецепт ёзиш кўникмаларини ривожлантириш;
- физиотерапевтик аппаратура билан ишлаш, техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан физиомуолажалани мустақил зтказиш кўникмаларини ривожлантириш;
- тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, ахборот тахлили кўникмаларини шаклланотириш;
- коммунактив кўникмаларини ривожлантириш.

Ўқув фаолиятининг натижалари

Талаба билиши керак:

- ✓ ультратовуш, ультрафонофорез – физик омилларига тушунча беришни;
- ✓ bemor организмига ўрганилган физик омилларнинг даволовчи таъсири механизми ҳақида гапиришни;
- ✓ турли касалликлар билан касалланган bemорларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ✓ ўрганилган физикмуолажаларни қўлланилиш усусларини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- ✓ амалий кўникмаларни бажаришни: ультратовуштерапия, ультрафонофорез ўтказишга рецепт ёзишни ва бу муолажаларни мустақил ўтказа олишни.

Ўқитиши усуслари ва техникаси: “Бирга ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули; техника: “Электроофорез ва ультрафонофорез” мавзусмга Венна график органайзери.

Ўқитиши воситаси: ўқув қўлланма, ўқув материаллари, физиоаппаратлар, слайдлар, маркерлар, А3,А4 форматли қофоз варақалари.

Ўқитиши шакли: индивидуал иш, грухда ишлаш, жамоавий.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат: назорат саволлари, грухларда ўқув вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецепт ёзиш.

Мотивация: организмга физик омиллар турли йўналишларда таъсир кўрсатадилар, стимулловчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши, сўрилтирувчи, репаратив-регенератив самараларга эга.

Касалликларни комплекс даволашда ва реабилитациясида физик омилларнинг қўлланилиши ўтказилаётган дори дармон терапиясининг

самарасини ошишига олиб келади, соғайиш муддатини қисқартиради, ремиссия даврини узайтиради, организмга дори дармон юкламасини камайтиради.

Турли касалликларни даволаш амалиётида физик омиллар жуда кенг ва ютуқлар билан қўлланилади, бу эса уларни чуқур ўрганишни талабалардан талаб қилинилади.

Фанлар аро ва фан ичидаги боғлиқлик

Мазкур мавзуни ўқитиш талабаларнинг физика, биофизика ва биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропидевтикасидан олган билимларига асосланади (вертикал интеграция). Шунингдек терапия, жарроҳлик, травматология, гинекология, терапевтик ва жарроҳлик стоматология билан ҳам интеграцияланади (горизонтал интеграция).

УЛЬТРАТОВУШТЕРАПИЯ

Даволаш амалиётида бошқа физиотерапевтик муолажалар билан бир қаторда ультратовуш билан даволаш ҳам кенг қўлланилади. Ультра товушлар



физик муҳитда механик тебранишлар ҳосил бўлиши билан характерланади. Физиотерапия амалиётида ультра товушлар 800-900 килогерц частотаси кўринишида қўлланилади. Тиббий даволаш амалиётида эса 800-3000 кг равища кўлланилиши мумкин. Даволаш жараёнида ультра товуш-ларнинг организм ичига кириши уларнинг частоталарига боғлиқдир. Кўлла-нилаётган тебраниш частотаси қанчалик катта бўлса, у шунча тўқима ичига кам киради. Масалан: частотаси 1600-2600 кг бўлган ультра товуш фақат-гина 1 см чуқурликка киради, частотаси 800-900 кг бўлган ультра товуш 4-5 см ичкарига киради. Ультра товушларнинг таъсири асосида механик ва иссиқлик омиллари ҳамда шулар туфайли организмда келиб чиқадиган физик-кимёвий ўзгаришлар ётади. Механик таъсири асосан

чақиравалаётган микровибрация билан тушунтирилади, бу эса тўқималарда микромассаж ҳолатини ҳосил қиласди. Бунинг натижасида тўқималарнинг функционал ҳолати ўзгарида, мембраналарнинг ўтказувчанлиги ошади, диффузия ва осмос жараёнлари кучаяди, тўқималардаги ҳар хил тузилмаларнинг бир-бирига боғлиқлиги ошади. Иссиклик таъсири ультратовушнинг бир томондан механик энергиясининг иссиқликка айланиши билан, иккинчи томондан биокимёвий жараёнларнинг ошиши билан тушунтирилади. Тўқималарда ҳароратнинг ортиши қон ва лимфа томирларининг кенгайишига олиб келади, микроциркуляция ошади, модда алмашинуви жараёнлари яхшиланади. Физик-кимёвий таъсири тўқималарнинг молекуляр комплексининг қайта қурилиши билан тушунтирилади. Бунда бир қатор ферментларнинг фаоллиги ортади, оксидланиш-тикланиш жараёнлари яхшиланади, тўқималарда биоло-гик актив моддалар (гепарин, гистамин, серотонин ва х.з) ҳосил бўлади. Ультратовушларнинг физиологик таъсири маҳаллий ва умумий реакциялардан, гуморал ва нейрорефлектор таъсирларидан келиб чиқади. Натижада оғриқ қолдирувчи, спазмалитик, яллигланишга қарши таъсирлар юзага келади. Шунингдек реператив ва регенератив жараёнлар, нерв-мушак аппаратининг қўзғалиш даражаси ортади, нерв бўйича импульсларнинг ўтиши яхшиланади. Ультра товуш билан даволаш муолажаси қуйидаги аппаратлар ёрдамида ўтказилади :

- партотив - УТП-1, ЛОР-1, ЛОР-2, ЛОР-3, УЗТ-101, УЗТ-102, УЗТ-103
- стационар - УТС-1, УТС-1М.

Муолажани қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади :

- лабиль ёки контакт усули;
- стабиль усули;

Ультра товуш тарқалиб кетмаслиги учун муолажани ҳар доим мазъ ёки вазелин билан ўтказилиши шарт.

Даволовчи самараси: яллигланишга қарши, оғриқ қолдирувчи, спазмолитик, метаболик, дефиброзловчи, бактерицид

Кўрсатмалар : таянч-ҳаракат аппарати касалликлари (артрит, полиартрит, подагра, остеохондроз), нерв системасининг касалликлари ва жароҳатлари, ЛОР касалликлари (тонзилит, вазаматор ренит), кўз касалликлари (конъюктивит, кератит), гинекологик ва урологик касалликлари (салъпингоофарит, аднексит, простатит), нафас олиш органлари касалликлари (бронхиал астма, бронхит), стоматологик касалликлар, ошқозон-ичак йўли касалликлари (ожқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликлари, ўт чиқариш йўли дискинезияси) ва х.з.

Қарши кўрсатмалар: юрак ишемик касаллиги, зўриқиши стенокардияси III-ФС, ҳомиладорликнинг эрта даври, тромбофлебит, кахексия, гипотония, қон кетишга моиллик.

Параметрлар. Муолажани ўтказиш учун ультратовуш механик тебранишининг 22-44 кГц, 880 кГц ва 2640 кГц частоталари узлуксиз режимда қўлланилади. Импульсли ультратовуш терапия учун паст частотали

импульслар серияси 1 ва 3 МГц тўлиш частотаси билан қўлланилади, давмийлиги 0,5, 1,2,4 ва 10 мс ва импульсларнинг кетма-кет келиш частотаси 16, 48, 50 ва 100 имп/с. Импульсли режим асосан иссиқсиз самарага эришиш учун қўлланилади.



Ультратовуш тебранишининг иссиқсиз ва иссиқлик компонентларининг даволовчи таъсириининг нисбати нурлатишнинг интенсивлиги ёки таъсир режими (узлукли ёки импульсли) бўйича аниқланади. Узлуксиз режимда ультратовуш тебранишларининг интенсивлиги $0,05\text{-}2,0 \text{ Вт/см}^2$, импульсли

режимда – 0,1-3,0 Вт/см² ни ташкил этади. Нурлатишнинг самарали майдони 0,7-5,4 см² ни ташкил этади.

Методика. Ультратовуш терапия муолажасини ўтказишида стабил ва лабил усуллардан фойдаланилади. Биринчи усулда нурлаткич бир ҳолатда фиксация қилинади, иккинчи усулда таъсир соҳасида узлуксиз ҳаракат қилинади.

Ультратовуш тебраниш таъсир сувли ёки ёғли мухитда амалга оширилади. Бунинг учун вазелин ва ўсимлик ёғи ёки гелдан фойдаланилади.



Контакт мухит суртилганидан кейин нурлаткич жарохатланган орган проекциясига ўрнатилади ва бир хил айланма ҳаракатлар билан кичик радиусда теридан олмаган ҳолда ҳаракатлантирилади. Мураккаб тузилишга эга тананинг қисмларига ультратовушли таъсир сувли ванночка ёки сувли резинали қопча орқали ўтказилади. Унинг бир юзаси таъсир соҳаси шаклини олади, иккинчиси нурлаткич билан алоқага киради.

Ультратовуш терапия электрофорез (электрофонофорез), диадинамотерапия (фонодиадинамофорез), амплипульстерпия (фонаамплипульсфорез), магниттерапиянинг турли турлари (магнитофонофорез) ва вакуум-массаж (вакуумфонотерапия) билан қўшиб ўтказилади.

Энергиянинг зичлик оқими (интенсивлиги) бўйича ультратовушнинг даволовчи таъсир дозаланиши ўтказилади. Турли усулларда унинг катталиги 2 Вт/см² дан ошмайди. Ҳар куни ўтказиладиган муолажанинг давомийлиги 10-15 минут, бир курс давога 8-12 муолажа. Зарурият туғилганда ультратовуш терапия 2-3 ойдан кейин қайта қўлланилади.

Бу усул ёрдамида организмга дори модда-лари киргизилиши мумкин, бу усул **фенофорез** ёки **ультрафонофорез** деб аталади. Масалан : бутадион,

гидрокартизон, долгит ва бошқа дорили мазлар. Бу муолажа даволаш амалиётида жуда кенг қўлланилади, айниқса ҳозирда кенг тарқалган бўғим касалликларида.

Даволовчи самараси: ультратовуш терапиянинг потенциялашган самараси ва ультратовуш билан киргизилаётган дори моддасининг маҳсус самараси.

Кўрсатма. Киргизилаётган дори моддасининг фармакологик самарасини ҳисобга олиш билан аниқланади ва ультратовуш терапия учун кўрсатмалар.

Қарши кўрсатмалар. Ультратовуш терапия учун қарши кўрсатмаларга ўхшаш, уларга киргизилаётган дори моддаларининг аллергик реакцияси тааллукли.

Параметрлар. Муолажани ўтказиш учун механик тебранишлар қўлланилади, уларнинг параметрлари ультратовуш терапия учун қўлланиладиган катталикларда аниқланади.

Ультрафонофорез муолажасини ўтказиш учун ультратовуш терапия учун *аппаратидан* фойдаланилади. Методика. Муолажа икки асосий усул билан ўтказилади: *конактиливаласофали*. Биринчи ҳолатда таъсир соҳасига дори моддаси эритма, суспензия ва мазъ ҳолида қўйилади, сўнгра нурлаткич ҳаракатсиз қўйилади (*стабиль усул*) ёки тери юзасидан олмасдан ҳаракат қилдирилади (*лабиль усул*). Дори моддалари эритма ҳолида қўлланилганда пипетка ёрдамида томизилади ва тери юзасига суркалади, сўнгра у вазелин ёғи билан қопланади ва товуш таъсир этилади. Бундай усулнинг самараси таъсир соҳасидаги тери юзаси механик ёки химик тозаланганидан сўнг ошади : эфир ва спирт аралашмасининг дегидратацияси, иссиқ сув билан иситиш ёки диадинамотерапия (икки тактли тўлқинсимон ток).

Иккинчи ҳолатда ультрафонофорез $35\text{--}36^{\circ}\text{C}$ ҳароратли газланмаган сувда дори моддаси эритмаси билан ванночкада ўтказилади. Нурлаткич кичик

айланма ҳаракатлар билан тери юзасидан 1-2 см масофада ҳаракатлантирилади. Бундай усулни бир хил кенг юзага эга бўлмаган соҳага таъсир этиш учун қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Стоматологияда ванночка ўрнига воронка ва бошқа мосламалар қўлланилади.

Шундай қилиб, ультратовуш терапия ва ультрафонофорез яллиғланиш касалликларини, жарохатларни, шунингдек операциядан кейинги даврда пластик ва реконструктив операциялардан кейин кенг қўлланилиши ўз ўрнини топган.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

1.Ультратовуш терапия

Операциядан кейинги инфильтрат соҳасига ультратовуш терапия.

4 см² майдонли нурлаткич, лабиль усул. Интенсивлиги 0,4 – 0,6 Вт/см², узлуксиз режим. Давомийлиги 6-8 минут. Бир курсга 12 муолажа.

2.Ультрафонофорез

Ўнг чакка-пастки жағ бўғими соҳасига гидрокартизон мази билан ультрафонофорез, лабиль усулда, қуввати 0,7 Вт/см², давомийлиги 5 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

Амалий қўникма

Ультратовуш терапия муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Аппаратнинг тайёргарлигини текшириш		10
2	Беморни ётқизиш		10
3	Нурлаткичи олиш		10

4	Аппаратни ёқиши		5
5	Қувват кнопкасини босиш-белгиланган дозани қўйиши		10
6	Нурлаткич юзасига сув томизиши- вибрация пайдо бўлади		15
7	Терига вазелин суртиш		10
8	Лабиль усул-тъисир айланма ҳаракатлар билан ўтказилади		15
9	Тъисир этиши вақти 10 минут		10
10	Аппаратни ўчириш. Беморга рухсат бериш		5
	Жами:		100

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

1. Ультратовуш терапияда тъисир этувчи омилни кўрсатинг.
2. Ультратовуш терапиянинг тъисир механизми қандай компонентлардан ташкил топган?
3. Ультратовуш терапиянинг даволовчи самараси.
4. Ультратовуш терапия усуллари.
5. Ультрафонофорезда тўқимага дори моддаларининг кириш механизми.
6. Ультрафонофорез қўллашнинг афзаллиги.
7. Ультратовуш терапияда қандай мақсадда контакт мухит қўлланилади?
8. Ультратовуш тва ультрафонофорез тавсия этиши учун кўрсатма.
9. Ультратовуш ва ультрафонофорез тавсия этиши учун қарши кўрсатмалар.

10. Ультратовуш терапия муолажаси қандай дозаланади (доза бирлиги)?

11. Ультрафонография ультратовушнинг қандай интенсивлик параметрларида қўлланилади?

12. Ультратовуш терапия ва ультрафонография қайси физик омиллар билан биргаликда қўллаш мумкин?

Тест вазифалари

№	Тест вазифаси	Тўғи жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Ультратовуш терапия усулида таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади:	*механик энергия	доимий ток	импульсли ток	электро-магнит майдони
2	Ультратовуш билан таъсир этиш учун қўлланиладиган мослама бўлиб ҳисобланади:	*нурлаткич	индуктор	электрод	конденсатор пластина
3	Ультратовуш терапиянинг таъсир механизми қуйидаги компонентлар йиғиндисидан ташкил топган:	*механик, химик, термик	бактерицид, антиэксудатив, стимулловчи	бактериостатик, трофик, седатив	меланин-стимулловчи, антиагрегант, оғриқ қолдирувчи
4	Ультратовуш буюришига қарши кўрсатма:	*жағ суяги синишида остеосинтез	чандиқли-битишма жараёни	сурункали яллиғланиш жараёни	операция дан кейинги инфильтрат
5	Ультратовуште рапиянинг ўлчув бирлиги :	*ватт/см ²	вольт	Ватт	миллиампер
6	Ультратовуш	*таъсир	тўлқинлар	интенсивли-	тўқима-

	энергиясининг тўқималарда тарқалиш чуқурлиги қўйдагиларга боғлиқ эмас:	давомийли-гига	частотаси ва узунлигига	гига	нинг зичлигига
7	Ультратовуш энергиясини энг кўп қабул қиласидиган тўқима :	*икки мухит чегарасида	ёф тўқимаси	мушак тўқимаси	суяк тўқимаси
8	Ультратовуште рапиясини қўллашга кўрсатма	*трофик яра	юрак ишимик касаллиги, зўриқишиш стенокардия III ФС	эрта муддатли хомиладорлик (қориннинг пастки учдан бир қисмининг нурланиши)	тромбо-флебит
9	Дори воситала-рини киритишида ультрато-вушнинг интенсивлиги қандай?	*1 Вт/см ²	0,7-0,8 Вт/см ²	0,1-0,2 Вт/см ²	0,05 Вт/см ²
10	Ревматоид артритда ультрафонофрезни ўтказиш учун қўлланиладиган дори воситаси	*гидрокорт изон мази	тетрациклин мази	актовегин мази	гепарин мази

Вазиятли масала:

1.48 ёшли bemорда бўйин остеохондрози, ўнг томонлама елқакурак периартрити. Шикоятлари: тананинг юқори қисмларига тарқалиш билан ўнг елка бўғимида кучли оғриқлар, қўлларни ён томонга ва юқорига кўтаришнинг чегараланиши, вақти вақти билан бош айланиши, координация

ва мувозанатнинг бузилиши. Стационар даврида реабилитациянинг комплекс дастурига қайси физиотерапевтик омилларни қўшиш мумкин?

Жавоб эталони: стационар даврида аппаратли физиотерапия кўлланилади: диадинамотерапия, амплипульстерапия, аналгетик ва яллиғланишга тқарши воситалар билан электрофорез, ультратовуш терапия, ультраюқори частотали терапия, магниттерапия.

2. Бемор 23 ёшда, диагнози: сурункали икки томонлама сальпингофорит авж олишнинг сусайиши босқичида. Стационарда яллиғланишга қарши дори дармон терапия олмоқда. Физиотерапия қайси мақсадда тавсия этилади? Даволаниш босқичида патогенетик ҳисобланган асосланган физик омилни тангланг.

Жавоб эталони: bemorda яллиғланиш жараёни пролифератив босқичида, мазкур даврда даволаш мақсади антипroliferativ, сўрилтирувчи, трофик терапия. Шу мақсадда тавсия қилинади иссик муолажалар билан ультратовуш терапия бирга берилиши.

3.17 ёшли футболист мусобақа вақтида тиззатовон бўғими жарохатланди. Рентгенограммада синиш ва чиқиш аломатлари йўқ. Физиотерапия қандай мақсадларда тавсия этилади? Даволаниш босқичида патогенетик ҳисобланган асосланган физик омилни тангланг.

Жавоб эталони: физоидавр мақсади – антиэксудатив ва оғриқ қолдирувчи терапия ўтказиш, жарохатланган бўғим соҳасида микроциркуляцияни тиклаш. Бу даврда энг оптимал бўлиб ультрафонографезнинг нестериодли яллиғланишга қарши восита геллари комбинацияси ва гепарин сақловчи мазъ ёки гелнинг магниттерапия билан биргаликда кўлланилиши ҳисобланади.

4. Бемор 23 ёшда. Диагнози: чап томонлама жағ ости йирингли лимфоаденити, операциядан кейинги ҳолат (20-кун), ультратовуш терапия тавсия этилган. Муолажанинг усули ва дозасини аниқланг. Рецепт ёзинг.

Жавоб эталони: Йиринг чиқарилганидан кейин ва операциядан кейинги ярани битишининг 20 кунида чандиқ тўқимаси ҳосил бўлишининг камайиши ва чакка-пастки жағ бўғими контрактураси ривожланишини олдини олиш мақсадида ультратовуш терапия лабиль усулда $0,7 \text{ Вт}/\text{см}^2$ дозада тавсия этилган, давомийлиги 5 минут, бир курс давога 8-10 муолажа.

5.25 ёшли bemор қуидаги шокоятлар билан мурожаат қилди: чап чакка-пастки жағ бўғимида чайниш вақтида оғриқ ва гижирлашга. Диагноз кўйилди: чакка-пастки жаҳ бўғими артроз-артрити. Физиодавонинг мақсад ва вазифаларини аниқланг. Ультратовуш ёрдамида қайси дори воситасини тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: Мазкур ҳолатда физиотерапия яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи, антипролифератив самара кўрсатиш мақсадида тавсия этилади. Бунда ультратовуш терапия ёки ультрафонофорез НПВС ёки ГКС билан тавсия этиш мумкин.

З боб. ФОТОТЕРАПИЯ ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАР, УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАР, ЛАЗЕРТЕРАПИЯ

Машғулотни ўтказиш жойи: ўқув аудиторияси, физиотерапевтик бўлим ёки хона.

Машғулот мақсади: фототрепаия, турли касалликлар билан касалланган bemорларда уларни қўлланилиши ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш ва мустахкамлаш, физиомуолажаларга ва уларни амалий ўтказилишига рецепtlарни ёзиш кўникмаларини ривожлантириш.

Педагогик вазифалар:

- оптик диапозонда турли хил нурланишлар (инфра қизил, ультра бинафша, хромотерапия, лазер) ҳақидаги умумий таассусурларни мустахкамлаш;
- bemор организмига келтирилган физик омилларнинг шифобаҳш таъсири механизми ҳақидаги билимларни тартиблаштириш;

- турли касалліклар билан касалланған беморларга келтирилған физик омилларни тавсия этиш учун күрсатма ва қарши күрсатмалар (умумий ва хусусий) ҳақидағи билимларини кенгайтириш ва мустахкамлаш;
- күрсатылған физиомуолажаларни қўллаш методикасини кўриб чиқиш ва уларни намойиш этиш;
- физиомуолажалар ўтказишга рецепторларни ёзиш кўнкимларини ривожлантириш;
- физиотерапевтик аппаратлар билан ишлаш ва техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан физиомуолажаларни мустақил ўтказиш кўнкимларини ривожлантириш;
- ахборотларни тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, тахлил қилиш кўнкимларини шакллантириш;
- коммунактив кўнкимларни ривожлантириш.

Ўкув фаолияти натижалари

Талаба билиши керак:

- ❖ фотодаволаш омилларига класификация бериш;
- ❖ бемор организмига ўрганилған физик омилларнинг шифобаҳш таъсир механизми ҳақида гапиришни;
- ❖ турли касалліклар билан касалланған беморларга келтирилған физик омилларни тавсия этиш учун күрсатма ва қарши күрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ❖ кўлланиладиган физиомуолажа методикарини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- ❖ амалий кўнкимларни бажаришни – ультрабинафша нурлатиш учун индивидуал биодозани аниқлашни; ультрабинафша нурлатиш, лазертерапия, инфрақизил нурлантириш муолажаларини ўтказиш учун рецепт ёзишни ва физиомуолажаларни мустақил ўтказишини.

Ўқитиши методикаси ва техникаси: Кейс-стади; техника: график органайзер – кластер.

Ўқитишиш воситалари: ўкув қўлланмалар, ўкув материаллар, физиоаппраталар, слайдлар, маркерлар, А3 ва А4 форматдаги қоғозлар.

Ўқитишиш шакллари: индивидуал иш, гурухларда ишлаш, жамоавий.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат, назорат саволлари, гурухларда ўкув вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецептларни ёзиш.

Мотивация: фотодаволовчи омиллар организмга турли йўналишда таъсир кўрсатади, стимулловчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши, сўрилтирувчи, репаратив-регенератив самарадорликларга эга. Касалликларни комплекс даволашда ва реабилитациясида физик омилларнинг қўлланилиши ўтказилаётган дори дармонли даво самарасини оширади, соғайиш муддатини камайтиради, ремиссия даврини узайтиради, бемор организмига дори дармон юкламасини (миқдорини) камайтиради.

Турли касалликларни даволаш амалиётида физик омиллар кенг ва катта ютуқлар билан қўлланилади, бу талабаларни улар ҳақидаги маълумотларни чуқур ўрганишларини тақазо этади.

Фанлар аро ва фан ичида ўзаро алоқалари

Мазкур мавзууни ўқитишида талабаларнинг физика, биофизика ва биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропедевтикаси (вертикал интеграция) фанларидан олган билимларига таянада. Шунингдек терапия, жаррохлик, травматология, дерматология, гинекология, отолорингология, терапевтик ва жаррохлик стоматология (горизонтал интеграция) фанларидан олган билимларига таянади.

ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАТИШ – инфрақизил нурлатишни даволаш мақсадида қўллаш.

Инфра қизил нурининг манбай бўлиб, турли қизувчи таналар хисобланади. Бундай нурланишнинг интенсивлиги ва спектрал таркиби тана ҳарорати билан аниқланади. Инсон организми ҳам инфра қизил нурларнинг

кучли манбай бўлиб ҳисобланади ва уларни яхши қабул қиласди (*радиацион иссиқлик алмашинув феномени*). Ерга тушувчи қуёш нурининг 45-50%ни инфра қизил нурлар ҳосил қиласди. Ёруғликнинг сунъий манбаларида (қизувчи лампалар) инфра қизил нурлар 70-80 %ни ташкил этади.

Инфра қизил нурлар энергиясини ютиш ҳисобида ҳосил бўладиган иссиқлик нурланаётган тери қопламаларининг маҳаллий хароратини $1-2^{\circ}\text{C}$ оширади ва юзаки томирларда маҳаллий терморегуляцияни чакиради. Томир реакциялари босқичлар билан ривожланади. Аввал терининг юаз жойлашган қон томирларида қисқа муддатли (30 секундгача) яққол бўлмаган торайишини чакиради, кейинчалик маҳаллий қон айланишнинг кўпайишии ва тўқималарда қон айланиш ҳажмининг ортиши кузатилади. Натижада тананинг нурланган қисмида *гиперемия* ҳосил бўлади, у тўқималарга қон оқимининг ортишига сабаб бўлади. *Терида қизил доғлар кўринилишида намаён бўлади, инфра қизил нурланиш жараёнида пайдо бўлади, аниқ чегараларга эга бўлмайди ва нурлатишдан 20-30 минутдан сўнг йўқолади.* Баъзи пайтларда инфра қизил нурлар билан кўп нурлатилганда юзаки жойлашган веналар бўйлаб маҳаллий доғли пигментациялар қисқа вақт давомида пайдо бўлиши мумкин.

Ажралаётган иссиқлик энергияси ўткир ости ва сурункали босқичларда нурланаётган тўқималарда метаболик жараёnlарни тезлаштиради, яллиғланиш ўчоғига полиморф-ядерли лейкоцитлар ва лимфацитларнинг борпишини фаоллаштиради. Микроциркуляр оқимнинг фаоллашиши ва томирлар ўтказувчанигининг ошиши хужайраларнинг аутолиз натижасида ҳосил бўладиган махсулотларнинг чиқишини узайтиради.

Фибробластлар ва дегрануляцияланган моноцитларнинг дифференциясининг тезлашиши яллиғланиш ўчоғида пролиферациянинг фаоллашишига, жароҳат ва трофик яралар грануляциясининг тезлашишига олиб келади. Бу жараёnlар яллиғланиш ўчоғида ажраётган биологик актив моддалар (простогландинлар, цитокинлар ва калликреин) билан ҳам

индуцияланади. Охиргиси шунингдек оғриқ сезгирилиги ўтказувчанларнинг афферент ўтказувчанлигининг блокадасини чақиради. Чунончи, инфрақизил нурланиш яллиғланиш ўчоғида репаративли регенерация жараёнини стимуллайди ва яллиғланиш жараёнининг охирги босқичларида самарали қўлланилиши мумкин. Аксинча, инфрақизил нурланиш яллиғланишнинг ўткир босқичида пассив димланган гиперемияни, нерв ўткаўувчиларини эзиши ҳисобига оғриқ сезгирилигини кучайтириши ва алгоген медиаторларнинг (ацетилхолин ва гистамин) ажралишини чақириши мумкин.

Тери афферентларининг термомеханосезувчанлигининг импульсли фаоллигининг ўзгариши натижасида ички органларнинг нейро-рефлектор реакциялари ривожланади. Улар ички органлар қон томирининг кенгайиши, уларнинг метаболизмининг кучайиши, шунингдек жароҳат ва трофик яралар грануляциясининг тезлашишида намоён бўлади. Бундан ташқари инфрақизил нурланишда нафас олиш тезлашади (таксипноэ) ва гипоталамуснинг терморегуляция марказлари фаоллашади.

Даволовчи самара : яллиғланишга қарши (шишишга қарши, регенератив-пролифератив), метаболик, маҳаллий анальгетик, вазоактив.

Кўрсатма. Ички органларнинг йириңгиз сурункали ва ўткир ости яллиғланиш касалликлари, куйиш ва совук уриш, секин битувчи жароҳат ва яралар, оғриқ синдроми билан периферик нерв системасининг касалликлари (миозитлар, невралгия), таянч-харакат аппарати жароҳатларининг асоратлари, жағ-юз соҳасининг сурункали яллиғланиш жараёнлари.

Қарши кўрсатмалар. Ўткир йириңгли-яллиғланиш касалликлари, мия қон айланишининг етишмовчилиги (айниқса вертебро-базилляр бассейнида), вегетатив дисфункциялар, симпatalгия.

Параметрлар. Даволаш амалиётида кўринувчи ва инфрақизил нурларнинг бирлашган манбалари кенг қўлланилади : тиббий рефлектор



(Минин), қизувчи лампаси бор кўк рангли колба кобалтли шишадан тайёрланган (кувати 25-60 Вт), Соллюкс лампаси – ҳаракатлантирилувчи ПЛС-6М (500-1000 Вт) ва стационар ОСН-70 ва ЛСН-1М (150-200 Вт). Минин лампасининг максимал нурлатиш чегараси инфрақизил нурларнинг кичик- ва ўртатўлқинли диапозонларида жойлашган, бу уни терининг юза қатламларини исситишт учун имконият беради. Аксинча, юқори қувватли Соллюкс лампаларида нурлатиш максимал спирал зичлиги 2 мкмни ташкил этади. Бундай лампалардан чиқаётган кичик тўлқинли инфрақизил нурлар юқори ичкарига кириб бориш хусусиятига эга бўлади ва чукур жойлашган тўқималарда иссиқликни чақиради.



Методика. Нурлатиш тананинг жарохатланган соҳасига берилади. Инфрақизил нурлар манбайнинг қувватига қараб унинг рефлекторлари муолажа ўтказиш вақтида нурлатилаётган соҳадан 30-100 см баланд масофага қўйилади. Ҳаракатлантирилувчи лампалар кушеткада ётган bemornинг ён бошидан қўйилади.

Инфрақизил нурлар вибрация билан бирга косметик физиотерапияда турли дори моддаларини терига юборишни тезлаштириш учун қўлланилади (*и н ф р а в и б р о ф о р е з*). Натижада инфрақизил нурлар теридаги қон ва лимфа томирларининг, тер ва ёғ чиқиш йўлларининг кенгайишини чақиради, бу ўз навбатида дори моддаларининг сўрилишини тезлаштиради. Вибрация уларнинг кириб бориш хусусиятини тезлаштиради, лимфа оқимини

стимуллаб тери тургорини ва силлиқ мушакларнинг қисқарувчанлигини оширади. Эпидермисдаги дастлабки миқдорига нисбатан сув миқдори учдан бир қисмга, ёғлар учдан икки қисмга ортади.

УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАТИШ – ультрабинафша нурларни даволашда қўллаш.

Ультрабинафша нури квантлари ютилганда терида қуйидаги фотохимик ва фотобиологик реакциялар кечади: оқсил молекулаларининг парчаланиши

(*фотолиз*), ўта мураккаб биологик молекуллар (*фотобиосинтез*) ёки янги физик-химик хусусиятли молекуллар (*фотозомеризация*) ҳосил бўлади, шунингдек *бираорадиқалла*р ҳосил бўлади. Бу реакцияларнинг бирлашиши ва яққоллиги ҳамда кейинги даволовчи самаранинг пайдо бўлиши ультрабинафша нурининг спектрал таркиби билан аниқланади. Фотобиологияда узун, ўрта ва қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлари А, В ва С соҳаларга киритилади.

Узун тўлқинли нурлар – даволашда қўлланилиши. Ультрабинафша нурларининг узунтўлқинли диапозони эпидермис хужайраларида (меланоцитлар) меланиннинг ҳосил бўлиши билан тирозиннинг декарбоксиллаш жараёнини стимуллайди. Ультрабинафша нурлари эпидермиснинг мальпигиев қавати хужайраларининг пролиферациясини чақиради ва меланин ҳосил бўлишини стимуллайди. Меланоцитлар яқин жойлашган эпидермоцитларга меланин грануллаларини ишлаб чиқаради ва ажратади, бу терининг пигментацияланишига (загар) олиб келади.

Нурланиш вақтидан бошлаб 3-кунда терида меланиннинг энг кўп миқдори ҳосил бўлади. Максимал пигментация ҳосил қилувчи хусусият узунтўлқинли ультрабинафша нурларининг 340-360 нм. тўлқин узунлигига тўғри келади. Меланогенезнинг тезлашиши АКТГ ва МСГ синтезининг компенсатор фаоллашишига олиб келади, улар буйрак устининг секретор фаолиятини бошқарадилар.

Фотодеструкция махсулотлари теринингт оқсиллари билан ковалент боғланади ва неоантigenларни ҳосил қиласди, улар эпидермиснинг базал усти қаватининг эпидермал макрофаглари (Лангерганс хужайраси) билан алоқага киришади. Бу хужайралар антиген кўрсатувчи хусусиятга эга бўлиб, дермага ўтади ва антигенларни ҳосил қилувчи дренажловчи соҳасига лимфа томирларининг фенестр эндотелиялари орқали регионал лимфа тугунлари томон харакат қиласди. Тугунларда ва дермада бу хужайраларнинг Т-лимфоцитлар билан ўзаро алоқаси юз беради. Уларнинг фаоллашиши В-лимфоцитларининг пролиферациясига, моноцитларнинг ва тўқима магрофагларининг дегрануляциясига, А, М, G иммуноглобулинларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада кўп микдорда хужайралар ўртасида ўзаро таъсир қилувчи носпецифик гуморал омиллар ва лимфоцитлар ажралади. Қисқа муддатга лаброцит ва базофилларнинг гистамин ва гепарин ажратиш билан фаоллашиши дермага кўп микдорда грануллали гидролаз ферментлари ва яллиғланишга қарши медиатор (гистамина, простогландиндегидрогеназа ва бошқалар) ажратувчи макрофаг ва эозинофилларнинг давомий дегрануляцияси билан алмашади.

Шундай қилиб, оқсилар фотодеструкцияси натижасида ажралаётган махсулотлар юқори сезучанлик реакциясининг секинлашган типига жуда ўхшашиб иммун жавобнинг шаклланишига олиб келади. Юқорида келтирилган жараёнлар 15-16 соатдан кейин намаён бўлади ва 24-48 соатдан сўнг ўзининг максимал даражасига етади.

Организмнинг ҳолати ва узун тўлқинли нурланиш давомийлигига боғлиқ ҳолда иммун жавобнинг хужайра даражасидаркиби ўзгаради. Қонда идентификацияланмаган лимфоцитлар шаклининг ортиши кузатилади. Терига тушган антиген ва иммуноглобун G комплемент системасини фаоллаштиради, кейинчалик мембрана энзимлари ва Т-лимфоцит-хелперлар комплекси ишга тушади. Ҳолсизланган беморларда терининг Т-хелпер жавоби жуда суст бўлади ва антигенли контакт фазаси даражасида намаён

бўлади. Иммун системанинг узун тўлқинли ультрабинафша нурланиш билан бундай ишлиши ташқи мұхиттинг нақулай омилларига организмнинг носпектифик резистентлигини оширади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ультрабинафша нурланишни узок давом эттириш эпидермисдан Лангерганс хужайраларини тўлиқ йўқолишига ва фотодеструкция махсулотларининг тақдим этиш жарайнининг бузилишига олиб келади, уларни Грэнстейн хужайралари амалга оширади. Антигенлар дермага тушиб, тери хужайра элементларининг *бласмопатофияси* чакиради. Бундан ташқари улар антиген специфик Т-супрессорларни фаоллаштиради.

Даволовчи самарадорлиги: пигмент ҳосил қилувчи, иммун стимулловчи, фотосенсибилизацияловчи.

Параметлари. Ультрабинафша нурларнинг сунъий манбаларини *спектр* (узун тўлқинли ёки узун ва ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлар комбинациясини ўрганади) ва *спектрал* (ультрабинафша нурларнинг ҳамма спектр соҳаларини ўрганади) турларига бўлинади. Даволовчи самарани олиш учун селектив манбалари қўлланилади.

Методика. Беморнинг бутун танаси ёки маълум қисми узун тўлқинли нурлатишга тавсия этилади. *Махаллий* таъсирида bemor танасининг

пигментланмаган соҳаси нурлантиради. *Умумий* нурланишдан олдин bemor ечиниши ва 5-10 минут дам олиши лозим. Унинг териси ҳар хил мазъ ва кремлардан тозаланган бўлиши керак. Аппарат тузилишига боғлиқ ҳолда bemor танасининг ҳар хил юзаси галма-гал ёки бутун тана бир вақтнинг ўзида айланма



усулда нурлантирилади.

Узун тўлқинли ультрабинафша нурлар манбаидан танагача бўлган масофа камида 10-15 см ни ташкил этади. Муолажа вақтида беморнинг кўзлари махсус кўз ойнаклар билан ҳимояланган бўлиши зарур.

Ўрта тўлқинли нурланиш.

Кучли энергияга эга бўлган ўрта тўлқинли нурланиш квантларининг ютилиши натижасида террида оқсил фотолизининг пастмолекуляр махсулотлари ва фоторадикаллар ҳосил бўлади. Улар биологирк мембраналарнинг ультратузилишини ташкиллаштиришнинг, мембрана энзимларининг ёғ-оқсил ўзаро алоқаларини ва уларнинг зарурий физик-химик хусусиятларини (ичкарига кириш, ёпишқоқлик) ўзгаришини чақиради.

Фотодеструкция махсулотлари фагоцитларнинг мононуклеар системасини фаоллаштиради ва лаброцит ва базофилларнинг дегрануляциясини чақиради. Натижада терининг яқин ётган қаватларида ва қон томирларида биологик актив моддаларнинг (кининлар, простогландинлар, лейкотриенлар, тромбоксанлар, гепарин, тромбоцитларни фаоллаштирувчи омиллар) ва вазоактив медиаторлар (ацетилхолин ва гистамин) ажралиши ҳосил бўлади. Охиргилари холинорецепторлар ва гистаминли рецепторлар орқали нейтрофил ва лимфоцитларнинг лиганд бошқарув ион каналларини фаоллаштиради ва оралиқ соҳаларни фаоллаштириш йўли билан томирлар тонусини оширади ҳамда силлиқ мушакларнинг қисқаришини чақиради. Гуморал реакциялар давомийлигининг юзага келиши сабабли терининг функционал ҳолатдаги артериол ва капиллярларнинг микдори кўпаяди, маҳаллий қон айланиш тезлиги ошади. Бу терининг чегараланган гиперемиясининг ҳосил бўлишига олиб келади – эритема (лот. Erythema - қизариш). *У нурланишдан 3-12 соатдан сўнг намоён бўлади, 3 қунгача сақланади, аниқ чегараларга ва текис қизил-бинафша рангга эга бўлади.* Максимал эритем ҳосил қилиш таъсирига тўлқин узунлиги 297 нм ли ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлари эга. Яна бир эритем ҳосил қилиш максимуми ультрабинафша нурлари спектрининг

қисқа тўлқинли қисмиди бўлади, лекин уларнинг катталиги икки марта кам. Ультрабинафша нурлари билан қайта нурланиш терининг тўсиқ функциясини фаоллаштиради, унинг совуқса сезувчанлигини пасайтиради ва заҳарли моддалар таъсирига резистентлигини оширади.

Соғлом инсон терисининг ўрта тўлқинли ультрабинафша нурланишига сезувчанлиги нурланишнинг ўтказилиш вақтига боғлиқ бўлади. Шунинг учун баҳорда сезувчанлик ортади, кузда пасаяди. Бундан ташқари эритеманинг намаён бўлиш даражаси антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари, психотроп воситалар ва диуретиклар қабул қилганда ошади, аммо баъзи даволаш омилларининг (ультратовуш, СВЧ-тебраниш ва бошқалар) биркалиқда қўлланилишида пасаяди. Шунингдек шуни ҳисобга олиш керакки, инсон танаси терисининг ҳар хил соҳаси ультрабинафша нурларига сезувчанлиги бир хил эмас. Максимал сезувчанлик орқанинг юқори бўлимларида ва қориннинг пастки юзасида, минимал сезувчанлик суюк ва товоң терисида кузатилади.

Бинафша нурланишнинг ҳар хил дозалари эритеманинг бир хил бўлмаган шаклланиш эҳтимолини ва даволовчи самарадорликнинг намаён бўлишини аниқлайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, физиотерапияда ультрабинафша нурланишнинг ўрта тўлқинли таъсирининг субэрitem ва эритем дозалари алоҳида кўрилади. Биринчи ҳолатда терининг юзасидаги липидларни ўрта тўлқинли ультра бинафша нурлар билан нурлантирилганда унинг таркибидаги 7-дегидрохолестерин холекальциферол – витамин D3 га айланади. Қон оқими билан жигарга ўтади ва у ерда 25-гидроксихолекальциферолга айланади. Ca^{2+} - боғловчи оқсил билан комплекс ҳосил қилганидан сўнг ичакда кальций ва фосфат ионларининг сўрилишини ва баъзи органик бирикмаларнинг ҳосил бўлишини бошқаради, яъни организмда кальций-фосфор алмашинувининг зарурий компоненти бўлиб ҳисобланади. У етарлича бўлмагандага Ca^{2+} қондаги концентрацияси 2,24-2,74 ммоль/л дан 1,8 ммоль/л гача камаяди. Шу бир қаторда у қоннинг

ишқорий фосфатазасини фаоллаштиради. Унинг махсулоти – 2,3-дифосфоглицерат- гемоглобинни кислород билан тўйинишини оширади ва тўқималарга чиқишини енгиллаштиради.

Буйракда 25-гидроксихолекальциферол 1,25-дигидрокси-холекальциферолга айланади, у сийдик билан кальций ва фосфат ионларининг чиқишини ва кальцийнинг остеокластларда йиғилишини бошқаради. Организмда унинг етишмаслиги сийдик ва нажас билан кальций ионларининг чиқарилиши 20-40% дан 90-100% гача, фосфатларники 15% дан 70 % гача ошади. Бу организм умумий резистентлигининг чарчашига, ақлий иш қобилиятнинг пасайишига ва нерв марказлари қўзғалувчанлигининг ошишига, суяк ва тишлирдан ионлашган кальцийни ювилишига, мушакларнинг тетаник қисқаришига, болалар ақлий ривожланишнинг секинлашувига ва ражитнинг шакланишига олиб келади.

1885 йилда академик В.В.Пашутин қуёш нури етишмаган ҳодисани *ё руэлик оч қолиши ёки ультра бинафша етишмаслиги деб атади*. У вегетатив нерв системасининг парасимпатик бўлими тонусининг устунлигига, организм умумий реактивлигининг ва иммунитетининг пасайишида намаён бўлади. Бу жараёнлар организмда витамин D3нинг зарурый миқдорини нормаллаштиради, шундан келиб чиқсан ҳолда ўрта тўлқинли ультра бинафша нурлатишни даволаш мақсадида ва профилактика мақсадида қўллаш мумкин. Ўрта тўлқинли ультра бинафша нурланиш эргостериннинг изомери-эргоальциферолнинг (витамин D2) ҳосил бўлишига олиб келади. У оғиз орқали қабул қилинганда антирахитик таъсир қўрсатади ва хужайра нафасининг аэроб ва анаэроб йўлларини стимуллайди. Бу омил витамин С кинетикасини модуллайди, организмда витамин А синтези нормаллаштиради ва нурланган тўқималарда метаболик жараёнларни фаоллаштиради.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, витамин D3 ҳосил бўлиши учун организмда оқсил ва ёғ алмашинуви баланс ҳолатда бўлиши керак, уларнинг

максулотлари холестерин ҳосил бўлиши учун дастлабки субстанция бўлиб ҳисобланади. Организмда яққол дистрофия кузатилганда витамин D3 ўрта тўлқинли ультра бинафша нурлари таъсирида ҳосил бўлмайди. Шуни эсда сақлаш керакки, 265 нм тўлқин узунлигига эга бўлган ультра бинафша нурлари витамин D3нинг токсик шакллига – *m o c i c t e r i n g* айланишини чақиради. Бундай жараён терини узоқ вақт кичик тўлқинли ультрабинафша нурли билан нурлатганда ҳосил бўлади. Бу ҳолатнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак.

Ўрта тўлқинли диапазондаги ультрабинафша нурлатиш биринчи 30-60 минутдан сўнг терининг механорецепторларининг функционал хусусиятларини ўзгартиради, кейинчалик сегментар ва пўстлоқ-пўстлоқ ости даражасида бўладиган тери-висцерал рефлекслар ривожланишига олиб келади. Умумий нурлатишда ҳосил бўладиган рефлектор реакциялар организмнинг деярли ҳамма системаларининг фаолиятини стимуллайди. Симпатик нерв системасининг мослашув-трофик функциясининг фаоллашиши ва организмнинг бузилган оқсил, углевод ва ёғ алмашинув жараёнларининг тикланиши бўлади. Маҳаллий нурлатишда миокарднинг қисқарувчанлиги яхшиланади, бу кичик қон айланиш доирасида босимнинг пасайишига олиб келади. Ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлатиш трахея ва бронхлар шиллиқ пардасида мукоцилиар транспортни тиклайди, гемопоэз, ошқозоннинг кислота ҳосил қилиш функциясини ва буйракнинг айирув хусусиятини стимуллайди.

Ультрабинафша нурлатишнинг эритем дозалари таъсирида биомолекуланинг фотодиструктив моддалари Т-лимфоцит-хелперларни активлаштирадилар ва микроциркуляр оқимни фаоллаштиради, бу тананинг нурланган қисмларида гемолимфоперфузияни катталлашишига олиб келади. Юза тўқималарда гидроксикерамидларнинг дегидратацияси ва шишишнинг камайишининг кузатилиши инфильтрациянинг камайиши ва экссудатив босқичда яллиғланиш жараёнининг тугашига олиб келади. Бундан ташқари


тери-висцерал рефлекслар ҳисобига бу омил ички органларнинг яллиғланиш бошланғич фазаларини тормозлайди.

Биологик актив моддалар міқдорининг ва бир қатор медиаторларнинг ортиши нурлатышдан кейинги биринчи 3 кунда эозинофиллар ва эндотелиоцитлар фаоллигининг компенсатор ортиши билан алмашинади. Натижада қон ва түқималарда гистаминаза, простогландиндегидрогеназа ва кининаза міқдори ортади. Шунингдек ацетилхолинэстеразалар ва гидролиз тироксин ферментлар фаоллиги кучаяди. Бу жараёнлар организмнинг оқсил фотодеструкция моддаларига десенсибилизациясига олиб келади ва унинг иммунобиологик ҳимоя реакцияларини кучайтиради.

Даволовчи самара: витамин ҳосил қилувчи, трофостимулловчи, иммунмодулловчи (субэрitem дозалар), яллиғланишга қарши, анальгетик, десенсиболовчи (эрitem дозалари).

Параметрлари: Даволовчи таъсир учун ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлатиш қўлланилади ($A=280-320$ нм), 20 Вт/ m^2 интенсивлик билан. Эритем лампалар ультрабинафша нурларини $285-380$ нм диапазонда максимум $310-320$ нм билан нурлатади.

Даволовчи муолажаларни дозалаш ϕ отометрик, ϕ отомохимик ва биологияк усулларда амалга оширилади. Биринчи икки усул нурлатиш оқимининг асосий характеристикасини аниqlашга, учинчиси



беморнинг биологик реакцияларига асосланган. Физиотерапия амалиётида одатда И.Ф.Горбачёв - Р.Данфельднинг ультрабинафша нурларнинг терини нурлатишида эритема ҳосил қилиш хусусиятига асосланган биологик усули қўлланилади. Бу усулда доза бирлиги 1

биологик доза (1 биодоза) ҳисобланади. Бир биодоза (минимал эритем доза) – bemor танасининг маълум қисми терисининг (одатда қориннинг пастки

соҳаси) ультрабинафша нур билан нурлатишнинг энг кам вақти (секунд) ва нурлаткичдан фиксацияланган масофа (одатда 50 см), бу минимал интенсивдаги эритеманинг 12-24 соатдан сўнг ривожланишига сабаб бўлади.

Тери қопламалари учун биодозани аниқлаш махсус асбоб - *б и о д о з и м е т р БД – 2* ёрдамида амалга оширилади. У 6 та тўғри бурчакли тирқишдан иборат металл пластина бўлиб, тирқишлиар енгил ҳаракат киладиган мослама билан ёпилади. Биодозиметр қориннинг пастки қисми терисига фиксацияланади ва унга нурланадиган соҳадан 50 см масофада жойлашган ультрабинафша нури манбаи қаратилади. 30 секундли интервал билан кетма-кет ҳар бир пластина тирқиши очилади. Натижада биринчи тирқишдаги тери 3 минут давомида нурланади, охиргиси 30 секунд. 12-24 соатдан кейин ҳосил бўлган эритема (*т ў р т т а а н и қ б у р ч а к б и л а н п у ш т и ч и з и қ*) бўйича биодоза аниқланади, у шу тирқиши орқали терининг нурланиш вақти секундларда.

Нурлатишнинг интенсивлиги нисбатан *к и ч и к э р и т е м* (1-2 биодоза), *ўртма* (3-4 биодоза), *к аттама* (5-8 биодоза) ва *гиперэритем* (8 биодозадан ортиқ) дозалар фарқланади.

Методика. Ультрабинафша нурлатишнинг асосан иккита усули қўлланилади : *умумий ва маҳаллий*.

Умумий таъсир этишда галма-гал ётган ҳолатдаги бемор танасининг олдинги, орқа ва ён юзалари нурлантирилади. Умумий ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлатишнинг аста-секин ўсуви субэрitem дозаларнинг учта схемаси қабул қилинган : *а с о с и й, т е з л а ш т и р и л г а н в а с е-к и н л а ш т и р и л г а н*. Бунда нурлатиш мос равища 1/3 – 1/2 ва 1/8 биодозалардан бошланади ва аста-секин 3-4 биодозагача олиб борилади.

Бир курс даво 15-25 кунни ташкил этади. Қайта нурлатиш 2-3 кундан кейин нурлатиш дозасини 25-50% га ошириш билан ўтказилади. Бир соҳа 3-4 марта нурлантирилади. Ўрта тўлқинли ультрабинафша нурлатиш 1 ойдан сўнг (маҳаллий) ва 2-3 ойдан сўнг (умумий) қайтарилади.

Қисқа тўлқинли нурлатиш

Қисқа тўлқин диапазонли ультрабинафша нурлатиш нуклеин кислота ва оқсилларнинг денатурациясини ва фотолизини чақиради. Бу геном ва хужайранинг оқсил синтезлаш аппарати фаолигининг йўқолишига олиб келади. Бунинг натижасида атомлар ва молекулалар ионизацияси билан юз берадиган ўлик мутациялар микроорганизмлар ва замбуруғлар структурасининг бузилишига ва фаолигининг йўқолишига олиб келади.

Қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлари нурлатишнинг бошланғич даврида капиллярларнинг қисқа вақтли спазмини чақиради, кейинчалик субкапилляр веналарнинг узоқ вақт кенгайиши кузатилади. Натижада нурлатилган соҳасида кўқимтири тус билан қизил рангли қисқа тўлқинли эртема шаклланади. У бир неча соатдан сўнг ривожланади ва 1-2 кун давомида йўқолади.

Қоннинг қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлатилиши унинг шакли элементларининг хужайра нафасини стимуллайди, мемрананинг ион ўтказувчанлиги ошади. *Қоннинг ультрабинафша нурлатиш билан аutmопранасфузияси* (ҚУБНА) да қоннинг оксигемоглобини ва кислород ҳажмининг ортиши ошиб боради. Эритроцит ва лейкоцитлар мемраналарида липидларнинг перекисли оксидланиши жараёнларининг фаоллашиши натижасида, шунингдек тиолов бирикмаларининг ва δ -токоферолнинг бузулиши қонда реакцион-актив радикаллар ва гидроперекислари ҳосил бўлади, улар захарли моддаларни нейтраллаш хусусиятига эгадир.

Қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлатиш натижасида қоннинг турли элементларнинг рецептор-сигнал оқсиллар билан хужайралараро масофали ўзаро алоқаси имконияти ошади. Бу жараёнлар қон системасининг яққол носпешифик реакцияларининг асосида ётади. Бундай реакциялар қаторига эритроцит ва тромбоцитлар агрегацион хусусиятларининг ўзгариши, лимоцитлар ва А,Г,М иммуноглобулинлар миқдорининг фазали ўзгариши,

қоннинг бактерицид фаоллигининг ортиши киради. Қон системаси реакциялари билан бир қаторда қисқатўлқинли ультрабинафша нурлар микроциркулятор оқим томирларининг кенгайишини чақиради, қоннинг ивиш системасини нормаллаштиради ва тўқималарда трофометаболик жараёнларни фаоллаштиради.

Давловчи самара: бактерицид ва микоцид (юза нурлатиш учун); иммунстимулловчи, метаболик, коагуло-коррекцияловчи (қонни ультрабинафша нурлатиш учун.).

Методика. Терининг шикастланган соҳасини маҳаллий нурлатиш ёки заарланган органлар шиллик пардасини схема бўйича умумий ультрабинафша нурлатиш қўлланилади. Шиллик парда нурлатилиши стулда ўтирган боши орқага ташланган bemорда ўтказилади. Нурлатиш тубуси



галма-гал ўнг ва чап бурунга киритилади. Томоқ соҳаси нурлатиланаётганда УГН-1 аппарати даги ойналар ёрдамида нурлар аввал бирига кейин иккинчисига йўналтирилади. Муолажа вақтида bemор олдинги чиқарган тилини марля ёрдамида ушлайди ва тил илдизи нурлатишга халақит

бермаслигига ҳаракат қиласи.

Давловчи муолажани *д о з а л а ш* шиллик пардаларни ўртатўлқинли ультрабинафша нурлатиш учун биодозани аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Ўткир яллиғланишда нурлатиш 1-1,5 биодоза билан бошлаб, 1 биозага оширилади ва 3 биодозагача етказилади. Қонни нурлатиш давомийлиги 10-15 минутдан ошмайди, бир курс давога 7-9 муолажа. Қисқа тўлқинли нурлатиш 1 ойдан сўнг қайта ўтказилади, ҚУБНА - 3-6 ойдан сўнг.

УБ нурларни тавсия этиш учун кўрсатмалар. Ички органларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари (айниқса нафас системасининг), турли этиологияли бўғим ва суюқ касалликлари, куйиш ва совук уришлар, қийин битувчи яра ва жароҳатлар, ҳолсизланиш, псориаз, экземалар, микоз,

витилиго, нейродермит, себорея, таянч-харакат аппаратининг яраланиши ва жарохати асоратлари, яққол оғриқ синдроми билан вертеброген этиологияли периферик нерв системаси касалликлари (радикулитлар, плекситлар, невралгия, миозитлар), бўғим ва суяқ касалликлари. Тери, бурунхалқум, ички қулоқнинг ўткир ва ўткир ости яллиғланиш касалликлари, анаэроб инфекциянинг қўшилиш ҳавфи билан яралар, тери сили. Бундан ташқари ҚУБНА учун кўрсатма : йирингли яллиғланиш касалликлар (абсцесс, чипқон, остеомиелит, трофик яра), юрак ишемик касаллиги, бактериал эндокардит, I - II-босқичли гипертоник касаллик, зотилжам, сурункали бронхит, сурункали гиперацид гастрит, яра касаллиги, ўткир сальпингофорит, сурункали пиелонефрит, қандли диабет.

Стоматологияда УБ нурлатишга кўрсатмалар: юз-жаг соҳасининг ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари, оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг ярали жарохатланиши, парадонтоздаги оғриқ, юмшоқ тўқималар ва жағлар жарохати, кариес профилактикаси учун, тошсмалар.

Қарши кўрсатмалар. Гипертреоз, ультрабинафша нурларига сезувчанликнинг ортиши, сурункали буйрак етишмовчилиги, системали қизил бўрича, малярия.

ҚУБНА учун порфирия, тромбоцитопения, руҳий касаллик, гепато- ва нефропатия, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг каллезли яраси, турли этиологияли гипокоагуляцияловчи синдром, мия қон айланишининг ўткир бузилиши, миокард инфарктининг ўткир даври.

ЛАЗЕРОТЕРАПИЯ

Ҳозирги вақтда тиббиёт амалиётида лазер нурлари кенг қўлланилмоқда, шунингдек физиотерапияда. Улар юқорида кўриб чиқилган нурлардан қўйидагилар билан фарқланади :

-монохроматиклиги билан, яъни оптик спекторда 1 тўлқин узунлиги бўлган диапозонда бўлади;

-когерентлиги билан, яъни нурланиш электромагнит тебраниш частоталари билан мос тушади ва бир-бирининг таъсирини кучайтиради;

-нурлар параллел ҳолатда тарқалади, шунинг ҳисобига бошқа нурларга қараганда ёруғликни жуда кам микдорда йўқотади;

-кичик бўлган соҳада катта қувватли, юқори бўлган энергия ҳосил қиласди (жарроҳликда оптик скальпел равишда қўлланилади);

-нурланиш жуда яхши фотосировка қилинади, яъни таъсир этиш соҳасига аниқ боради.

Лазер нурлари тўқималарни термик жароҳатлаш, яъни куйишга ўхшаш ва механик эфект ҳосил қилиб таъсир кўрсатади. Бу тўқималардаги босимнинг ошишига сабаб бўлиб, “тўлқин зарбаси”ни ҳосил қиласди. Натижада эндотоксинлар ҳосил бўлади, тўқималарда ионизация жараёнлари юзага келади ва электромагнит майдони тўпланади. Шу боис катта қувват ҳосил бўлади, улар ўсмаларни парчалашда, тўқималарни кесишида, тўр пардани ямашда кенг қўлланилади. Физиотерапияда паст қувватли лазер нурлари қўлланилади. Бу нурлар ферментларни фаоллаштиради, эпителиал ва суктўқимаси регенерациясини, модда алмашинувини яхшилайди. Нурлар оғриқ қолдириш, кавернанинг битиши ва устини капсула билан қоплаш, трофик яраларнинг битишини тезлаштириш, яллиғланишга қарши таъсир қилиш ва бошқа хусусиятларга эга.

Лазер тнурлари танлаб ютилганда фотобиологик жараёнларнинг фаоллашиши микроциркуляр оқим томирларини кенгайтиради, маҳаллий қон оқимини нормаллайди ва яллиғланиш жараённинг дегидратациясига олиб келади. Маҳаллий қон оқимини бошқарувчи фаоллашган гуморал омилнинг тўқималарда репаратив ва регенератив жараёнларни индуциялайди ва нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини оширади.

Лазер нурлари оптик, квант генераторлари ёрдами-да олинади. Бу мақсадда физиотерапияда ЛГ-75, ОКГ-12, ЛТ-1 (ягода) аппа-ратлари кенг қўлланилади.

Даволовчи самараси: метаболик, яллиғланишга қарши, анальгетик, иммуномодулловчи, десенсибилизацияловчи ва бактериоцид.

Күрсатма. Таянч-харакат аппарати (сүяк синишлари, деформацияловчи остеоартроз, алмашинув, ревматик ва носпекцияфик-инфекцион артритлар, елка-курак периартрити) ва периферик нерв системасининг (периферик нерв жарохати, невралгия, невритлар, умуртқа поганаси остеохондрози) касалликлари ва жарохатлари, юрак-қон томир (юрак ишемик касаллиги, зўриқишиш стеногардияси I–II ФС, оёқ томирлари касаллиги), нафас (бронхит, зотилжам, бронхиал астма), ҳазм (яра касаллиги, сурункали гастрит, колит) системалари касалликлари, сийдик таносил системаси касалликлари (аднексит, бачадон бўйин эрозияси, эндомиометрит, простатит), терининг жарохати ва касалликлари (узок битмайдиган жарохатлар ва трофик яралар, куйиш, ётоқ яралар, совук уриш, герпес, қичишишли дерматозлар, чипқон ва бошқалар), ЛОР-органи касалликлари (тонзиллит, фарингит, отит, ларингит, синусит), тимусга тобе иммунодефицит ҳолат.

Қарши қўрсатма. Таъсир соҳасида жойлашган яхши сифатли шишишлар, қандли диабет, тиреотоксикоз, омилни индивидуал кўтара олмаслик.



Параметрлар. Лазертерапия учун кўпинча қизил ($\lambda=0,632$ мкм) ва инфрақизил ($\lambda=0,8-1,2$ мкм) оптик нурланиш диапазонлари узлуксиз ёки импульсли режимларда қўлланилади. Импульсларнинг кетма-кетлиги 10-5000 Гц ни ташкил этади. Нурлатишнинг чиқиши қуввати 60 мВтга етади. Даволовчи таъсир учун пастки интиенсивликдаги нурлатиш қўлланилади. Клиник амалиётда ҳозирга кунда лазернинг турли конструкциялари ва модификациялари қўлланилади.

Улардан күпинча қатиқтанали ва яримүтказувчи пастинтенсивликдаги лазерлар қўлланилади. Улар узлуксиз ва импульсли режимларда ишлайди.

Методика. Клиник амалиётда жароҳат ўчоғига ва яқин жойлашган тўқималарга, рефлексоген ва сегментар-метаморф соҳаларга (*ф о к у с л а н - м а г а н н у р*), шунингдек жароҳатланган орган, ҳаракат нервлари ва биологик актив нуқталар (*л а з е р н у к т у р а*) проекциясига лазер нурларнинг таъсиридан фойдаланилади.

Фокусланмаган нур билан таъсир этиш дистант усул бўйича амалга оширилади, бунда нурлаткич ва бемор танаси орасидаги бўшлиқ 25-30 мм дан ошмаслиги зарур. Ёруғлик доғи бўйича нурлаткич чизиги мўлжалга олинади. Лазерпунктура контакт усул бўйича ўтказилади, бунда нурлаткич беморнинг тери ёки шиллиқ пардасига тўғридан-тўғри қўйилади.

Нурлатиш техникасига боғлиқ ҳолда лазертерапиянинг *с т а б и л ь* ва *л а б и л ь* усуллари фарқланади. Стабиль усул нурлаткичнинг ҳаракатсизлиги билан ўтказилади, у муолажа вақтида фиксацияланган ҳолатда бўлади. Лабиль усулда нурлаткич таъсир майдони бўйлаб ҳаракатлантирилади. Бир муолажа вақтида 3-5 майдон нурлатилади, уларнинг умумий майдони 400 см^2 дан ошмаслиги керак. Бошқа вариантда нурлаткич патологик ўчоғ тпериметри бўйича соғлом тери соҳасининг 3-5 см ушлаш билан марказга спирал бўйича ҳаракатлантирилади (*л а з е р н у р и б и л а н с к а н е р л а ш*).

Лазер терапиянинг давомийлиги қатъий индивидуал – бир майдонга 20 с дан 5 минутгача, қўшилганда 20 минутгача. Ҳар бир нуқтага таъсир вақти 20 с., муолажанинг қўшилган давомийлиги 2 минутдан ошмаслиги керак. Муолажа ҳар куни ёки кун ора ўтказилади, бир курс давога 10-20 муолажа. Зарурият туғилганда лазертерапия курси 2-3 ойдан кейин қайта ўтказилади.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

1.Инфрақизил нурлатиш муолажаси

Ўнг қулоқ соҳасига Солюкс лампаси, 30 см масофали усул, ҳарорат ёқимли иссиқликни сезгунча, давомийлиги 15 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

2.Маҳаллий усулда ультрабинафша нурлатиш муолажаси

Оғиз шиллик пардаси соҳасига ультрабинафша нурлатиш (тубус-кварц), маҳаллий усул, 30 секунддан бошлаш, кейин схема бўйича, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

3.Лазертерапия муолажаси

Чап қулоқ олди соҳасидаги трофик ярага паст энергетик лазер нурлатиш. Яранинг ҳамма юзасига оқим зичлигининг қуввати $0,5\text{-}0,7 \text{ мВт}/\text{см}^2$, таъсир давомийлиги 7 минут. Кейинчалик трофик яра атрофи бўйича лабиль усулда таъсир оқим зичлигининг қуввати $5 \text{ мВт}/\text{см}^2$. Давомийлиги 3 минут, ҳар куни. Бир курс давога 15 муолажа.

Амалий қўникма

Индивидуал биодозани аниқлаш (УБН)

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиши.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Биринчи кун. Беморни ётқизиш		5
2	Беморнинг орқасини ёки қорнини очиш		10
3	Дозиметрни олиш ва тайёргарлигини текшириш		10

4	Дозиметри белгиланган тана соҳасига жойлаштириш		10
5	Дозиметр тирқишиларини кетма-кет очиш ва ҳар бирини 1 минутдан нурлатиш		15
6	Муолажа тугаши билан биодозиметрии ечиб олиш		10
7	Иккинчи кун. Нурлатилган соҳани кўздан кечириш. Эритема интенсивлиги бўйича биодозани аниқлаш.		10
8	Аниқ текис контурли пушти рангли эритем интенсивлиги бор тирқишини танлаш.		15
9	Бу тирқиши нурлатиш вақтига мос-бу биодоза.		15
	Жами:		100

Ёруғлик билан даволаш муолажасини ўтказиш

(Инфрақизил нурлар-Соллюкс лампаси)

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Аппарат тайёргарлигини текшириш		20
2	Беморни ўтказиш		20
3	Патологик ўчоғ соҳасига лампани 15 см масофада йўналтириш		30
4	Аппратни ёқиши		10

5	10-минутга қолдириш		10
6	Аппратни ўчириш, беморга рухсат бериш		10
	Жами:		100

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

- 1.Инфрақизил нурлар таъсирига жавобан организмнинг маҳаллий ва умумий реакциялари нимага асосланган?
- 2.Инфра қизил нурлар муолажасини ўтказиш учун аппратларни сананг.
- 3.Лазертерапияга тушунча беринг, таъсир механизми.
- 4.Ультрабинафша нурларининг қандай спектр турларини биласиз, уларнинг биологик таъсири?
- 5.Дозиметр натижаларини қайси муддатда текшириш керак?
- 6.Ультрабинафша нурларини тавсия этишга кўрсатмалар.
- 7.Ультрабинафша ва инфрақизил эритемаларининг фарқларини кўрсатинг.
- 8.Ультрабинафша нурларининг маҳсус таъсири нимага асосланади?
- 9.Лазертерапия тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
- 10.Инфрақизил нурлатиш тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатма.
- 11.Лазертерапия ўтказиш методикаси.
- 12.Фототерапияни қайси бошқа физик омиллар билан қўшиб олиб бориш мумкин?
- 13.Ультрабинафша нурлатишни дозалаш.
- 14.Лазертерапиянинг маҳсус таъсири нимага асосланган?

Тест вазифалари

№	Тест вазифаси	Тўғи жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Инфра қизил нурланишнинг бир кунда биргаликда тавсия этилмайдиган муолажалар:	*лазертерапия	ультрато-вуштерапия	магниттерапия	электр уйқутера-пия
2	Умумий ультрабинафша нурланишни тавсия этиш кўрсатилган:	*псориаз-нинг қишки шаклида	системали қизил бўрича	фотодерматоз	псориаз-нинг ёзги шакли
3	Қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлатишнинг бузувчи механизмида микроорганизм лар таъсиранади:	*хужайра ядросининг нуклеин кислотлари ваоқсил фотолизи	нафас циклининг биохимик жараёнлари нинг бузилиши	хужайра қобиғи бузилиши билан	кавитация эффекти билан
4	Бактериоид таъсир қилишга эга бўлган физик омилларни кўрсатинг:	*қисқа ультрабинафша нурлари, дарсонвализация, франклинизация	узун ультрабинафша нурлари, УВЧ-терапия, магниттерапия	ўрта ультрабинафша нурлар, ДМВ-терапия, парафин	инфраки-зил нур-лар, баль-неотера-пия, уль-тратовуш терапия
5	Ёткир ринитда қўйидаги физик омилларнинг комбинацияси қўлланилади:	*шиллик қаватни ультрабинафша нурлатиш, УВЧ-терапия	эндоназал гальванизация, инфракизил нурлар	магниттерапия, дарсонвализация	аэрозольтерапия, ультрато-вуш терапия
6	Болалар тишининг кариес	*умумий УФ-нурлантириш	махаллий УФ-нурлантириш	лазер нурлантириш	инфраки-зил нурлантириш

	касаллигига профилактика учун буюрилади:				
7	Ультрабинафша эритемага тааллуқли эмас:	*муолажа вактида пайдо бўлиши	нурлантиришдан 8-10 соатдан кейин	текис чегараланган	доғли характер
8	Ультрабинафша нурлантириш аппаратлари:	*стационар ртутно-кварцли лампа	Минин лампаси	ёруғли иссиқли ванна	«Соллюкс» лампаси
9	Инфрақизил нурланишдан кейинги эритемага характерли эмас:	*текис чегараларнинг бўлиши	нурлантиришдан кейин пигментациянинг бўлмаслигии	пигментациянинг муолажа вактида пайдо бўлиши	тошмали характер
10	Инфрақизил нурлатишда кейин ҳосил бўладиган тўқималардаги реакцияларга кирмайди:	*фотосинтез	таъсир соҳасида хароратнинг ошиши	физик-химик жараёнларнинг тезлашиши	хужайраларда қон айланиши нинг яхшиланиши
11	Инфрақизил нурлатишдан кейин ҳосил бўладиган эритемаларга кирмайди:	*тинчланти рувчи смара	фосфор-кальций алмашинувининг яхшиланиши	лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллигининг ортиши	D витаминнинг ҳосил бўлиши
12	Ультрабинафша нурланишнинг маҳсус механизмига кирмайди:	* биологик фаол модаларнинг ҳосил бўлиши	фотолиз, фотосинтез	меланин ҳосил бўлиши	холекальциферол ҳосил бўлиши
13	Ультрабинафша нурланишнинг салбий томонларини кўрсатинг	*люпус-дерматит	псориаз	трофик яра	куйиш
14	Псориазда ультрабинафша	*ПУВА-терапия	маҳаллий	умумий	майдон бўйича

	нурлантириш методикаси:				нурлатиш
15	Фототерапияга алоқадор эмас	*фонофорез	УБН	лазеротерапия	хромотерапия
16	Электрофорез билан қайси фотодаволашни бирга олиб бориб бўлмайди?	*УБН	ИК-нурлар	лазеротерапия	хромотерапия
17	Индивидуал биодозанинг натижасини қачон аниқлаш мумкин?	*10-24 соатдан кейин	10-15 мин кейин	48 соатдан кейин	2 соатдан кейин
18	Беморда 24 соатдан кейин биодозани аниқлашда терида бта текис бир хил пушти чизиклар аниқланди. Биодозани аниқланг:	* 1 минут	2 минут	4 минут	6 минут
19	Фототерапия-нинг қайси тури миорелаксацияловчи самара беради:	*ИК-нурлатиш	УБН	лазер	хромотерапия
20	Фототерапия-нинг қайси тури пигмент ҳосил қилиш самарасини беради:	* УБН	ИК- нурлатиш	хомотерапия	лазер

Вазиятли масалалар

1.45 ёшли bemorda пастки жағ синиши кузатилмоқда. Жағ ости соҳасида (дахан) йиринг ажралиши билан йиртилган яра. Яра атрофидаги шиллик қават қизарган, шишган.

1.Беморга қандай мақсадда яра соҳасига ультрабинафша нурлатиш интеграл спектри тавсия этилган?

2.Яна қандай физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: 1.Интеграл спектрли ультрабинафша нурлатиш бактерицид, оғриқ қолдирувчи, яллигланишга қарши таъсир күрсатиши мақсадида тавсия этилади.

2.Қарши күрсатмалар кузатилмаганда ўзгарувчан токларни (УЮЧ, ДМТ), яра соҳасига яллигланишга қарши терапия ва қон микроциркуляциясини ва битиш жараёнини яхшилаш учун магниттерапия тавсия этиш мумкин.

2.30 ёшли bemornin оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардасида кўпгина ярачалар (афтлар) бўлиб, улар 7 кундан бери эпителізацияланмаяпти.

1.Ёруғлик билан даволашни тавсия этиш мумкинми? Қайси нур турини тавсия этасиз ва нимага?

2.Яна қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: 1.Бу ҳолатда ёруғлик билан тдаволашга қарши кўрсатма йўқ, шунинг учун ультрабинафша нурларини тавсия этиш мумкин, чунки улар бактерицид, яллигланишга қарши ва десенсибилизацияловчи таъсир этади.

2.Магниттерапия, минерал сувлар билан суғориш (ювиш), яллигланишга қарши, оғриқ қолдириш ва регенерацияни стимуллаш мақсадида лазертерапия.

3.Диагноз – юқори ва пастки лаб Herpes simplex. Ультрабинафша нурлатиш муолажаси тавсия этилган. Биринчи кун bemorda индивидуал биодоза аниқланган, кейинги куни қорин терисида нурлатиш соҳасида 5 та тирқишида аниқ чегара билан интенсив пушти ранг аниқланган.

1.Қайси мақсадда УБН тавсия этилган?

2.Беморда индивидуал биодозани аниқланг, агар нурлатиш 30 секунддан олиб борилган бўлса.

3.Бу ҳолатда нурлатиш қайси усулда ва қандай дозада тавсия этилади?

Жавоб эталони: 1.Беморга УБН вирусга қарши, яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи таъсир, иккиламчи инфекция профилактикасини ўтказиш мақсадида тавсия этилган.

2.беморнинг индивидуал биодозаси 1 минутни ташкил этади.

3.тошма ўчоғида маҳаллий усул қўлланилади, 2-3 биодозади, кун ора дозани ошириш бориши билан. Биринчи нурлатишларнинг давомийлиги 2-3 минутни ташкил этади.

4.55 ёшли bemорда ўраб оловчи темратка (опоясиваюший лишай) Шикоятлар: нерв бўйлаб оғриққа, герпетик тошмага. Касалликнинг биринчи кунларида қайси физиотерапевтик омилларни тавсия этиш зарур?

Жавоб эталони: вирусга қарши терапия ва иккиламчи инфекция профилактикаси мақсадида герпетик тошма ва сегментар соҳага ультрабинафша нурлатиш тавсия этилади, оғриқ синдромида –паравертебрал соҳага амплипульс ёки диадинамотерапия, яллиғланишга қарши терапия мақсадида – магниттерапия, олиготермик дозада ультраюқори частотали терапия.

5.45 ёшли bemорда рентгенологик тасдиқланган икки томонлама плантар фасциит (товон шпораси). Шикоятлари: товон соҳасида эрталаб ва юришдан сўнг кучавчи қаттиқ оғриқлар. Реабилитациянинг комплекс дастурига қайси физиотерапевтик муолажаларни қўшиш керак?

Жавоб эталони: ультраюқори частотали терапия, яллиғланишга қарши воситалар билан ультрафонофорез, зарбали тўлқин терапия, аналгетиклар билан электрофорез, лазертерапия.

6.Беморда бўйин миозити. Шикоятлари: бўйин соҳасида совук қотишдан кейин шакланадиган оғриқ. Объектив маълумотлар: бўйин соҳасида харакатнинг чегараланиши, бўйин мушаклари пальпациясида оғриқ. Инфрақизил нурлатиш (Соллюкс лампа) муолажаси тавсия этилган. Физиотерапиянинг мақсадини кўрсатинг ва физиомуолажани расмийлаштиринг.

Жавоб эталони: мақсад – яллиғланишга қарши ва оғриққа қарши терапия. Бүйин мушаклари соҳасига инфрақизил нурлатиш (Соллюкс лампа), лампадан таъсир соҳасигача масофа 30-50 см, муолажанинг давомийлиги 15-20 минут, кунига 2 марта, бир курс давога 6 муолажа.

7.Беморда бел-думғаза радикулити. Шикоятлари: бел-думғаза соҳасида оғриққа. Объектив маълумотлар: умуртқа поганасининг бел-думғаза соҳасида паравертебрал нукталари пальпациясида оғриқ. Оғриқ синдромини қолдириш мақсадида ультрабинафша нурлатиш тавсия этилган. Физиомуолажанинг усулини кўрсатинг ва расмийлаштиринг.

Жавоб эталони: индивидуал биодоза аниқланганидан кейин маҳаллий усул қўлланилади. Тавсия:умуртқа поганасининг бел-думғаза соҳасига ультрабинафша нурлатиш эритем дозаларда, 4 биодоза + 2 биодоза, 3 кундан кейин, бир курс давога 3 муолажа.

8.Беморнинг ўнг тизза бўғимида деформацияловчи остеоартроз. Шикоятлари: ўнг тизза бўғимида юкламадан сўнг ва куннинг охирида кучаовчи оғнириқ. Объектив маълумотлар: bemor семиз, тизза бўғими деформацияси, пальпация вақтида оғриқ. Анальгетик ва яллиғланишга қарши таъсир этиш мақсадида ва бириктирувчи тўқимада модда алмашинувини яхшилаш учун инфрақизил лазертерапия тавсия этилган. Усулини кўрсатинг ва физиомуолажани расмийлаштиринг.

Жавоб эталони: ўнг тизза бўғимининг бўғим оралиғи соҳасига инфрақизил лазертерапия, импульсли режимда, давомийлиги 2-4 минут, хар куни, бир курсга 10 муолажа.

9.Беморнинг ўнг қўлтиқ ости соҳасида чипқон (3 та чипқон). Физиотерапия мақсади: яллиғланишга қарши ва анальгетик таъсир. Муолажа тавсия этинг ва рецепт ёзинг.

Жавоб эталони: Тавсия : ўнг қўлтиқ ости соҳасига ультрабинафша нурлатиш эритем дозада, 2 биодоза+1 биодоза, кун ора, бир курс давога 5 муолажа.

10.28 ёшли бемор. Шикоятлари: қичишиш ва ачишиш, оралиқ соҳасида тиник суюқлик билан пуфакчаларнинг пайдо бўлиши. Тахминий диагноз: герпетик инфекция. Вирусли инфекцияда қайси физик омиллар самарадор ҳисобланади?

Жавоб эталони: жарохатланган соҳага ультрабинафша нурлатиш субжритем дозада (1-2 биодоза), кун ора, бир курс давога 6 муолажа.

4 боб.АЭРОЗОЛЬТЕРАПИЯ

Машғулот ўтказиш жойи: ўкув аудиторияси, физиотерапия бўлими ёки кабинети.

Машғулот мақсади: аэрозольтерапия ва турли касалликларда қўлланилиш хусусияти ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш, физиомуолажаларга рецепт ёзиш ва уларни амалий ўтказиш кўникмасини ривожлантириш.

Педагогик вазифалар:

- ❖ аэрозольтерапия ҳақидаги умумий билимларни мустахкам;
- ❖ аэрозольнинг ҳар хил турлари ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш;
- ❖ bemor организмига аэрозольтерапиянинг даволовчи таъсир механизми ва қўлланилиш мақсади ҳақидаги билимларни тартиблаштириш;
- ❖ турлии касалликлари бор bemorларга аэрозольтерапия тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатма (умумий вақ хусусий) ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва кенгайтириш;
- ❖ аэрозольтерапиянинг қўлланиладиган усулларини ўрганиш ва уларни намойиш этиш;
- ❖ аэрозольтерапия ўтказишга рецепт ёзиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ❖ физиотерапевтик аппарат билан ишлаш ва техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан физиомуолажани мустақил ўтказиш кўникмасини ривожлантириш;

- ❖ тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, ахборотни тахлил қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- ❖ коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш.

Ўқув фаолияти натижалари

Талаба билиши керак:

- ❖ аэрозольларга классификация бериш;
- ❖ bemor организмига аэрозольларнинг шифобаҳаш таъсир механизми ҳақида гапиришни;
- ❖ турли касалликлар билан касалланган bemorларга аэрозольларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ❖ аэрозольтерапиянинг қўлланиладиган методикаларини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- ❖ амалий кўникмаларни бажаришни – аэрозольтерапия ўтказиш учун рецепт ёзишни ва физиомуолажаларни мустақил ўтказишини.

Ўқитишиш методикаси ва техникаси: сухбат; техника: график органайзер – кластер.

Ўқитишиш воситалари: ўқув қўлланмалар, ўқув материаллар, физиоаппраталар, слайдлар, маркерлар, А3 ва А4 форматдаги қоғозлар.

Ўқитишиш шакллари: индивидуал иш, гурухларда ишлаш, жамоавий.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат, назорат саволлари, гурухларда ўқув вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецептларни ёзиш.

Мотивация: физик омиллар организмга турли йўналишда таъсир кўрсатади, стимулловчи, оғриқ қолдирувчи, яллигланишга қарши, сўрилтирувчи, репаратив-регенератив самарадорликларга эга. Касалликларни комплекс даволашда ва реабилитациясида физик омилларнинг қўлланилиши ўтказилаётган дори дармонли даво самарасини оширади, соғайиш муддатини

камайтиради, ремиссия даврини узайтиради, бемор организмига дори дармон юкламасини (миқдорини) камайтиради.

Турли касалликларни даволаш амалиётида физик омиллар кенг ва катта ютуқлар билан қўлланилади, бу талабаларни улар ҳақидаги маълумотларни чуқур ўрганишларини тақазо этади.

Фанлар аро ва фан ичида ўзаро алоқалари

Мазкур мавзууни ўқитишида талабаларнинг физика, биофизика ва биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропедевтикаси (вертикал интеграция) фанларидан олган билимларига таянада. Шунингдек терапия, жаррохлик, фтизиатрия, отолорингология, педиатрия, терапевтик ва жаррохлик стоматология (горизонтал интеграция) фанларидан олган билимларига таянади.

АЭРОЗОЛЬТЕРАПИЯ – дори моддаларини ингаляция усули ёрдамида организмга юборишdir. Физика нуқтай назаридан аэрозольлар 2 фазали системадир, яъни бир фазада газ ҳолатида, иккинчи фазада дисперс ҳолатида бўлади. Аэрозольларнинг таъсир даражаси юборилаётган зарраларнинг нафас йўлига қанчалик ичкарига кириши билан баҳоланади, бу эса зарраларнинг дисперслигига ёки катталигига боғлиқdir. Аэрозольларнинг 5 та дисперслик даражаси фарқланади :

-юқори дисперслик	-	0,5 - 5 мкм
-ўрта дисперслик	-	5 – 25 мкм
-паст дисперслик	-	25 - 100 мкм
-кичик томчили	-	100 - 200 мкм
-йирик томчили	-	250 - 400 мкм

Нафас системасининг қайси қисми заарланганлигига қараб аэрозольларнинг ҳар хил дисперслик даражаси қўлланилади. Масалан : альвеоллалар заарланганда юқори дисперслик, йирик бронхлар заарланганда ўрта дисперслик, юқори нафас йўллари заарланганда кичик ёки йирик томчили аэрозольлар қўлланилади.

Дори моддалари ингаляция усули ёрдамида организмга киргизилади, бунда түқималар жароҳатланмайды, нафас олиш органи жароҳатланган ерига



дори моддалари ўзгармаган ҳолда етказилади. Нафас йўллрига аэрозольлар тушиб нейро-рефлектор таъсир этади, шиллик қаватлари орқали сўрилиб, қонга тушади ва организмга тарқалади. Даволаш таъсири уларнинг фармако-логик хусусиятларига боғлиқдир. Дори моддалари

сифатида балғам ҳайдов-чи, десенсибилизация қилувчи, бактериоцид, бронхиал ўтказувчанликни тикловчи, қон томирларини кенгайтирувчилар қўлланилади. Ингаляция ёрдамида ҳар хил организмда яхши сўрилувчи ўсимлик мойлари билан таъсир қилиш мумкин, яъни шафтоли мойи, бодом, наматак, оплениха, мята. Эффалит ва бошқа мойлар. Шу билан бир қаторда балиқ, мол, минерал ёғлар ҳам қўлланилади. Амалиётда қуйидаги ингаляция турлари қўлланилади :

-иссиқ нам ингаляция – бошқаларга нисбатан кенг қўлланилади, унинг ёрдамида сульфаниламид, антибиотик ва бошқа дори моддалари организмга юборилади, шу билан бирга минерал сувлардан ҳам фойдаланилади;

-ёғли ингаляция - у асосан иссиқ нам ингаляциядан сўнг, яъни 15-30 минутдан кейин қўлланилади;

-намли ингаляция - бу усул ёрдамида организмга ферментлар, антибиотиклар, гармонлар ва фетеноцидлар юборилади;

-парли ингаляция - бу усулда асосан енгил пурланадиган дори мод-

далари қўлланилади : эфкалит ёғи, ментол ва х.з - порошоксимон - жуда кам қўлланиладиган усул бўлиб ҳисобланади, чунки уни қўллаш учун маҳсус порошок бўлиши керак. Унинг ёрдамида сльфаниламид, антибиотиклар, томирларни торайтирувчи ва аллергияга қарши порошок ҳолидаги дорилар қўлланилади.

Ингаляцион терапия маҳсус ингалятор аппаратлар ёрдамида ўтказилади. Улар дори моддаларини мақсадга мувофиқ равишда майдалаб, қўлланиладиган катталигига яраша ҳаво ёки газ (кислород) ёрдамида bemорга берилади. Пурлатиш механик йўли бўйича, яъни пульвиризаторлар ёрдамида олиб борилади. Юқори дисперслик аэрозольлар ультра товуш пульвиризаторлари билан берилади. Аэрозоль зарралари электр заряди билан ҳам пурлатилиши мумкин, бундай аэрозольлар электр аэрозольлар деб аталади. Электр аэрозольлар дори моддаларининг фаоллигини оширади, тўқиманинг электр потенциалини кучайтиради. Организмга манфий зарядланган аэрозольларнинг таъсири яққолдир. Уларнинг таъсирида ҳилпилловчи эпителиянинг фаоллиги ошади, ўпканинг максимал вентиляцияси кучаяди, ўпканинг тириклик сигими ошади, бундан ташқари улар гипотензив ва десенсибиляцияловчи таъсир ҳам этади. Даволаш амалиётида аэрозольтерапия ўтказища ҳароратнинг роли каттадир. Берилиш ҳарорати асосан 37,5 – 38,0 градус бўлиши керак, чунки бу ҳарорат организмнинг ички муҳитига мос тушади. Аэрозольтерапия гурухли ва якка тартибда ўтказилиши мумкин. Гурухли тартибли ўтказилишда бир хил тошхисли bemорлар маҳсус хонага йифилади ва дори моддалари туманга ўхшаш равища хонага пурлантирилади. Якка тартибдаги усулда аэрозольлар bemорнинг нафас олиш йўллари орқали узатилади. Bеморларнинг фаол ва чукур нафас олиши аэрозольларнинг чукурроқ кириши ва бир хил равища нафас йўлларида тарқалиши учун имкон яратади. Муолажани ўтказиш учун қуйидаги аппаратлардан фойдаланилади :

-партотив - ИП-2, АИ-1, ПАИ-1, ПАИ-2, Аэрозоль-П-1

-стационар - Аэрозоль –У-1, Аэрозоль-К-1, УИ-1

Ультра товушли пурлаткич ТУР аппарати, электр зарядлар олиш учун ГЭИ-1 аппарати, гурухли усулни ўтказиш учун ГЭК-1 аппарати, шу билан бир қаторда якка тартибда фойдаланиш учун ИКМ-М Снипхаллер балончиғидан фойдаланиш мумкин.

Аэрозольтерапия асосан нафас йўли касалликларида, гипертония касаллигига, куйиш ҳолатларида, трофик яраларни даволашда кенг қўлланилади, лекин бурун бўшлиғидаги полипларда, озена (сассиқ тумов) касаллигининг III-IV даражасида қўллаш мумкин эмас.

Беморларни даволаш аэрозольтерапия билан бир қаторда аэроионо- ва гидроаэроионотерапиядан ҳам кенг фойдаланилади. Аэроионлар атмосфера ҳавосидаги заррачалар бўлиб, ўзида мусбат ва манфий зарядни сақлайди. Табиий ҳолатларда аэроионлар қуёш радиацияси, коинот нурлари ва бошқа омилларидан ҳосил бўлади. Даволаш мақсадида асосан манфий зарядланган аэроионлар қўлланилади. Бу аэроионлар таъсирида оксидланиш-тикланиш жараёнлари фаоллашади, модда алмашинув жараёнлари кучаяди, ташқи нафас олиш яхшиланади, репорация жараёнлари фаоллашади, гипотензив таъсир қилиш хусусиятига эга. Даволаш амалиётида аэроионлар билан бир қаторда гидроаэроионлар ҳам қўлланилади. Гидроаэроионлар сувнинг парчаланишидан ёки пурлатилишидан ҳосил бўлади. Табиий ҳолатларда гидроаэроионлар тоғ дарёлари олдида, шаршара атрофида, фантанлар олдида ва сувнинг юқорига отилишидан ҳосил бўлади. Сунъий ҳолатларда гидроаэроионлар гидроаэроионизаторлар ёрдамида олинади. Организмга таъсири аэроионларнига ўхшаш. Бу даволаш усулларини қўллаш учун қуйидаги аппаратлардан фойдаланилади :

-Серпухов-1, АФ-3, ГАИ-4, ГАИ-Ч-6 ва ҳ.з.

Кўрсатмалар : нафас олиш органларининг касалликлари, гипертония касаллиги, ошқозон ва ўникки бармоқ ичак яра касаллиги, неврозлар, стоматит, мигрен, астеноневратик синдроми ва х.з.

Даволовчи самара: конкрет дори моддасининг маҳсус фармакологик самараси (вазоактив, бронхдренажловчи ва бошқалар).

Кўрсатма: юқори нафас йўллари, бронхлар ва ўпканинг ўткир ва сурункали касалликлари, юқори нафас йўллари ва ўпка сили, оғиз бўшлигининг ўткир ва сурункали касалликлари, ўткир респиратор-вирусли касалликлар, тери қопламаси ва шиллик пардаларнинг жароҳатлари (яранекротик гингивит, стоматит), оғиз шиллик қаватининг ва юз терисининг кувиши, трофик яралар.

Қарши кўрсатмалар. Киритилаётган дори дармонларга аллергик реакциялар, спонтан пневмоторакс. Ўпка эмфиземасининг тарқалган формаси, ўпкадан қон кетиш, ўткир зотилжам, ички қулоқ касаллиги, тубоотит, атрофик ринит, тез-тез бўладиган хуружлар билан Меньер касаллиги.

Параметрлар. Ҳарорати бўйича аэрозоллар бўлинади: *совуқ* ($25\text{-}28^{\circ}\text{C}$ ва ундан паст), *илиқ* ($28\text{-}35^{\circ}\text{C}$), *индифферент* ($35\text{-}40^{\circ}\text{C}$) ва *иссиқ* (40°C ва ундан юқори).

Дисперсли фазасининг тури бўйича илиқ буғли ва ёғли аэрозоллар фарқланади. Аэрозолтерапия учун қўлланиладиган дори моддалари ёқимсиз хид ва тамга эга бўлмаслиги керак. Уларнинг концентрациялари қоида бўйича 2% дан ошмайди.

Даволаш амалиётида аэрозолларни олиш учун қуйидаги усууллар қўлланилади:

- пневматик* (сиқилган ҳаво ёрдамида);
- ультратовушили* (ультратовуш частотасининг механик тебраниши суюқлик кавитациясини ва майда зарраларнинг ҳосил бўлишини чақиради);
- пропелленти;*

-бүгли (бүт ҳаракатида дори моддаларини ушлаб олади).

Методика. Ингаляция овқатланғандан кейин 1,5 соатдан сўнг беморнинг тинч ҳолатида ўтказилади. Бурунхалқум касаллигида ингаляция вақтида bemор бир хил нафас олиб чиқаради. Томоқ, трахея ва бронхлар касаллигида bemор чуқур нафас олиши, нафасни ушлаши ва нафасни бурун орқали чиқариши керак. Аэрозолларнинг кириш хусусиятини ошириш учун ингаляциядан олдин бронхлар ўтказувчанлигини яхшиловчи восита (бронходилятаторлар) қабул қилиш зарур. Ингаляциядан сўнг 10-15 минут дам олиш керак. 1 соат давомида овқатланиш, гаплашиш ва чекиш тавсия этилмайди.

Юқори нафас йўллари касалликларида ингаляция давомийлиги 5-10 минут. Трахея, бронхлар, ўпка касалликларида, шунингдек ўпкадан ташқари касалликларда транспульмонал таъсир мақсадида аэрозоллар қўлланилганда ингаляция давомийлиги 15-20 минутгача узайтирилади. Ингаляция кунига 1-2 марта ўтказилади, бир курс давога 10-20 муолажа. Аэрозолтерапиянинг қайта курслари 10-12 кундан кейин бошланади. Аэрозолтерапия бир кунда электрдаво усуллари, ультратовуш, сув ва иссиқлиқ даво муолажалари билан қўлланилиши мумкин. Кўкрак қафасига физик омиллар таъсирида ингаляция шу муолажалардан 15-30 минутдан сўнг ўтказилади. Касалликларнинг клиник ўзгаришига қараб дорили аэрозоллар сараланади.

Ташқи аэрозолтерапия тери юзасига, операцион майдонга, яра ва куйиш соҳаларига аэрозолларни сепиш йўли билан амалга оширилади. Муолажадан сўнг таъсир этилган соҳага қўлланилаётган дори суюқлигига намланган стерил боғлам қўйилади.

Ҳар куни ўтказиладиган муолажанинг давомийлиги 5-15 минут. Бир курс давога 10-20 муолажа. Зарурият туғилганда аэрозолтерапиянинг қайта курси 10-20 кундан кейин ўтказилади.

Стоматологик касалликларни даволаш учун аэрозол баллонларидағи препаратлар қўлланилади. Дори препарати аэрозоллар стабиллигига ,

зарраларнинг катталигига эга. У стерил, уни аниқ дозалаш, тежамли ишлатиш ва турли шароитларда қўллаш мумкин.

Микулин аппарати қўлланилганда бемор асбоб қархисига ўтиради ва 20-30 минут давомида аппарат трубкаси орқали ионлашган ҳаво билан нафас олади. Бир курс давога 15 муолажа ҳар куни.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

Тошкент минерал суви билан иссиқ нам ингаляция, сув ҳарорати 38-42⁰C, бир ингаляцияга 50-100 мл минерал сув, муолажа давомийлиги 5-10 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

Амалий қўникма

Аэрозольтерапия муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	Ингаляторни ишчи ҳолатга келтириш		15
2	Пурлатиш ва ҳажм шлангини аппартнинг олд девори билан бираштириш		15
3	Пурлаткичдан қалпоқчани олиш		15
4	Дори моддасининг эритмасини идишга солиш		15
5	Трубкага мосламани кийгазиши		15
6	Аппаратни ёқиши (клавиши “B” ҳолатга ўтказиш)		5
7	Муолажани ўтказиш (беморнинг ўзи		15

	ингаляцияни бошқаради, нафас олишда клапанни бармоғи билан ёпади, нафас чиқарганда уни очади)		
8	Аппарат компрессорини ўчириш, клавишни “О” холатга ўтказилади		5
	Жами:		100

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

1. Аэрозольтерапия нима?
2. Аэрозоль турлари
3. Аэрозольтерапияда қандай физиотерапевтик аппаратлар қўлланилади?
4. Аэрозольтерапияда қандай дори препаратлари қўлланилади?
5. Аэрозольтерапия ўтказилишига қандай кўрсатмаларни биласиз?
6. Аэрозольтерапия ўтказилишига қарши кўрсатмалар?
7. Аэрозольтерапия ўтказиш техникаси ва методикаси қандай?
8. Қайси касалликларда йирик томчили аэрозоллар тавсия этилади?
9. Қайси касалликларда юқори дисперстлик аэрозоллар қўлланилади?
10. Аэрозольтерапия қайси бошқа физиотерапевтик муолажалар билан ўтказилиши мумкин?

Тест вазифалари

№	Тест вазифаси	Тўғги жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Йирик томчили аэрозоллар бўшлиқда чўкади:	*трахея ва қизил ўнгач	альвеола	бронхиола	бронхлар
2	Аэроионотерапия усулида таъсир этувчи омил бўлиб	*электр зарядланган газ молекулалари ва	пурлатилган дори моддасининг инга-	электр зарядланган озон бўлаги	дори моддасининг аэрозоллари

	Хисобланади:	сув молеку- лалари	ляцияси		
3	Ичкарига күпроқ киришт хусусиятига эга аэрозоллар :	*юқоридис- перстли	ўртачадис- перстли	пастдис- перстли	майдатом- чили
4	Аэрозольтера- пияга қарши күрсатмани күрсатинг:	*аэрозол- нинг компо- нентларига аллергик реакция- нинг бўлиши	шиллик қаватнинг куйиши	шиллик қаватнинг ўткир ял- лиғланиш жараёни	афтоz стоматит
5	Стоматологияда аэрозольтерапия га кўрсатма:	*стоматит- лар, гинги- витлар	periостит	Кариес	чакка- пастки жағ бўғими артрити
6	Бронхиал астмада қўлла- ниладиган аэрозоллар:	*юқоридис- перстли	ўртачадис- перстли	пастдис- перстли	майдатом- чили
7	Бурин шиллик қаватининг зарарланишида аэрозолларнинг қўлланилиши:	* каттатом- чили	юқоридис- перстли	ўртачадис перстли	пастдис- перстли
8	Ёғли ингаляция- лар қўйидаги зарарланишда қўлланилади:	*бурун халқум	трахея	бронхлар	бронхиола- лар
9	Бронхолитик терапия мақса- дидага аэрозол таркибиغا қўшилади:	*эуфиллин	преднизо- лон	димедрол	гепарин
10	Субатрофик фа- рингитда шил- лик қаватида трофик жараён- ларни стимул- лаш мақсадидага аэрозоллар тавсия этилади:	*облапиха ёғи билан	эуфиллин билан	преднизо- лон билан	бикарбо- нат натрий билан

Вазиятли масалалар

1.Беморда ўткир герпетик стоматит аниқланди. Текширилганда шифокор-стоматолог томонидан аэрозольтерапия тавсия этилган.Аэрозольтерапия қандай мақсадда тавсия этилган? Муолажани қайси дори препаратлари билан ўтказилади?

Жавоб эталони: оғиз бўшлиғи микрофлорасига таъсир этиш учун аэрозольтерапия антисептиклар (риванол, фурацилин) билан қўлланилади, эпителизация учун – ингалипт, облепиха ёки наматак ёғи.

2.Беморда фиброз шаклдаги рецидивловчи афтозли стоматит, бир нечта афтлар бор (1-3); унинг жойлашиши – лабларнинг вестибуляр юзаси, тилнинг ёнбош юзаси ва чўққиси. Қайси физиодавони тавсия этиш керак?

Жавоб эталони: Оғриқ синдромини камайтириш учун аэрозольтерапия новокаин билан ўтказилади, эпителизация учун – ингалипт билан. Юқорида келтирилган ҳамма муолажалар УБН, афт соҳасига дарсонвализация, гидротерапия, минерал сув ва антисептик эритмалари билан бирга қўшиш мумкин.

3.14 ёшли bemor status astmaticus билан шифохонага тушган. Ўтказилган интенсив даводан кейин аҳволи яхшиланди. Объектив: ҳолати ўрта оғирлиқда. Тери қоплами рангпар. Масофада қуруқ хуштаксимон хориллаш эшитилади.Нафас олиш сони- минутига 28 та. Юрак қисқариш сони-минутига 96 уриш, қон босими-100/70 мм.сим.уст. Бемор учун қайси физик омиллар зарур?

Жавоб эталони: яллиғланишга қарши усууллар: небулайзер орқали кромглициев кислотали ингаляция; бронхолитик: эуфиллин билан ингаляция; гипосенсибилизацияловчи усул: галоингаляцион терапия.

4.Бемор 3 йил 6 кун аввал шифохонага қўйидаги шикоятлар билан тушган: тана ҳароратининг $38,5^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилишига, шиллик-йирингли балғам билан йўтал, нафас етишмаслиги. 5 кун ўтказилган антибиотик

терапиядан сўнг ҳарорат нормаллашган, ажратилаётган балғам миқдори камайган. Объектив: ҳолати қониқарли. Тери қоплами рангпар. Лекин балғам қийин ажралиши билан бўладиган йўталга шикояти қолган. Сиз қайси физик омилларни тавсия этган бўлардингиз?

Жавоб эталони: муколитик ва ферментлар билан ингаляция, УЮЧ-терапия.

5.10 ёшли бола, ЎРВИ билан касалланган, 7- кун, шикоятлари: уйқунинг йўқлиги, миалгия, умумий ҳолсизлик, енгил бош оғриғи, томоғида енгил катарал синдром, бошқа органлар томонидан патология йўқ. Қайси учта физиотерапевтик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: кўкрак қафасига инфрақизил нурлар, магниттерапия, аптекада сотиладиган мойчечак дамламали ингаляция.

5 боб. ИССИҚЛИК ВА СУВ БИЛАН ДАВОЛАШ

Машғулот ўтказиш жойи: ўқув аудиторияси, физиотерапия бўлими ёки кабинети.

Машғулот мақсади: даволовчи иссиқлик, сув ва курорт омилларининг турли касалликларда қўлланилиш хусусияти ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш, физиомуолажаларга рецепт ёзиш ва уларни амалий ўтказиш кўникмасини ривожлантириш.

Педагогик вазифалар:

- ❖ пелоидтерапия ва бальнеотерапия ҳақидаги умумий билимларни мустахкам;
- ❖ иссиқлик ва курорт омиллари ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш;
- ❖ bemor организмига келтирилган физик омилларнинг даволовчи таъсир механизми ва қўлланилиш мақсади ҳақидаги билимларни тартиблаштириш;
- ❖ турлии касалликлари бор bemorларга кўрилаётган физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатма (умумий вак хусусий) ҳақидаги билимларни мустахкамлаш ва кенгайтириш;
- ❖ қўлланиладиган усулларини ўрганиш ва уларни намойиш этиш;
- ❖ физиомуолажаларни ўтказишга рецепт ёзиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ❖ физиотерапевтик аппарат билан ишлаш ва техника ҳавфсизлигига риоя қилиш билан физиомуолажани мустақил ўтказиш кўникмасини ривожлантириш;
- ❖ тартиблаштириш, таққослаш, умумлаштириш, ахборотни тахлил қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- ❖ коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш.

Ўқув фаолияти натижалари

Талаба билиши керак:

- ❖ иссиқлик ва курорт омилларига классификация бериш;

- ❖ бемор организмига ўрганилган физик омилларнинг шифобахш таъсир механизми ҳақида гапиришни;
- ❖ турли касалликлар билан касалланган беморларга физик омилларни тавсия этиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни (умумий ва хусусий) санаб ўтишни;
- ❖ ўрганилган физиомуолажаларнинг қўлланиладиган методикаларини характерлашни.

Талаба бажара олиши керак:

- ❖ амалий кўнималарни бажаришни – парафин–озокерит аппликациясини ўтказиш учун рецепт ёзишни ва физиомуолажаларни мустақил ўтказишини.

Ўқитиши методикаси ва техникаси: суҳбат; техника: график органайзер – кластер.

Ўқитиши воситалари: ўкув қўлланмалар, ўкув материаллар, физиоаппраталар, слайдлар, маркерлар, А3 ва А4 форматдаги қоғозлар.

Ўқитиши шакллари: индивидуал иш, гурухларда ишлаш, жамоавий.

Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки назорат, назорат саволлари, гурухларда ўкув вазифаларини бажариш. Ёзма назорат: назорат саволлари, рецептларни ёзиш.

Мотивация: физик омиллар организмга турли йўналишда таъсир кўрсатади, стимулловчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши, сўрилтирувчи, репаратив-регенератив самарадорликларга эга. Касалликларни комплекс даволашда ва реабилитациясида физик омилларнинг қўлланилиши ўтказилаётган дори дармонли даво самарасини оширади, соғайиш муддатини камайтиради, ремиссия даврини узайтиради, bemor организмига дори дармон юкламасини (миқдорини) камайтиради.

Турли касалликларни даволаш амалиётида физик омиллар кенг ва катта ютуқлар билан қўлланилади, бу талабаларни улар ҳақидаги маълумотларни чукур ўрганишларини тақазо этади.

Фанлар аро ва фан ичида ўзаро алоқалари

Мазкур мавзуни ўқитишида талабаларнинг физика, биофизика ва биохимия, нормал анатомия ва физиология, патологик физиология, ички касалликлар пропедевтикаси (вертикал интеграция) фанларидан олган билимларига таянада. Шунингдек терапия, жаррохлик, травматология, гинекология, педиатрия, терапевтик ва жаррохлик стоматология (горизонтал интеграция) фанларидан олган билимларига таянади.

ГИДРОТЕРАПИЯ

Сувнинг маҳсус усуслар ёрдамида даволаш, касалликнинг олдини олиш ва тиббий реабилитация мақсадида қўлланилишига сув билан даволаш дейилади. Сув билан даволашда қуидаги асосий омиллар қўлланилади : чучук сув, минерал сув. Чучук сув суюқ, қаттиқ ва пар ҳолатида қўлланилади. Минерал сувлар газ ва сунъий аналог ҳолида қўлланилади. Чучук сув даволаш мақсадида тоза ҳолатда, шунингдек унга ҳар хил дорили ва бошқа моддаларни (хвойли экстракт, скипидар, горчица ва х.з) қўшиш билан қўлланилади. Сувнинг организмга таъсири асосида ҳароратли, механик, кимёвий, радиацион қўзғалиш ётади. Сувнинг организмга таъсирини аниқловчи омил бўлиб физиковий ва кимёвий хусусиятлар ҳисобланади. Сув билан даволаш қўпгина сурункали касалликларни даволашда кенг қўлланилади, шунинг учун унинг физиологик ва шифобахш таъсирини, техникаси ва усусларини ўрганиш зарур.

Сувнинг ҳароратли таъсири. Сувнинг физик хусусиятларидан иссиқлик сифими, иссиқликни ўтказувчанлиги, иссиқликни сақлаб туриши катта аҳамиятга эга. Иссиқлик сифими - бу жисмни 1 градусга қиздириш учун зарур бўлган иссиқлик миқдоридир. Иссиқлик ўтказувчанлик - бу жисмнинг бир қисмидан иссиқликни бошқа қисмига ўтказа олишидир. Иссиқликни сақлаб туриш хусусияти деганда иссиқликни ушлаб тура олиш тушунилади.

Одам организмининг нечоғли таъсирланиши, қанчалик ва қандай реакция кўрсатиши асосан иссиқлик сифими ва иссиқлик ўтказувчанлигига, яъни

организмга бериладиган ёки ундан олинадиган иссиқлик миқдорига боғлиқдир. Масалан : сувнинг иссиқлик сифими юқори бўлади. У шифобахш балчиққа қараганда иссиқликни икки баравар кўпроқ юта олади ва уни анча тез ўтказа олади.

Ҳарорат таъсири тушадиган жой териdir. Бунга жавобан ҳар хил рефлекслар юзага келади. Қон томирларга таъсир этиб, қоннинг организмда тақсимланишига таъсир этади. Терига юқори ҳарорат таъсир қилганида томирлар кенгайиб унга қон келиши зўрайди, шунинг натижасида иссиқлик бериш, яъни иссиқлик чиқариш ҳам кўпаяди. Паст ҳарорат таъсирида тери совийди, томирлар торайиб боради, уларнинг қон билан тўлиши камаяди, бунда иссиқлик бериш ҳам камаяди.

Кимёвий терморегуляцияси асосан алмашинув жараёнларига боғлиқдир. Кимёвий терморегуляция деганда атрофдаги муҳит ҳарорати таъсири билан моддалар алмашинуви интенсивлигининг ўзгариши тушунилади. Ташқи муҳит ҳарорати кўтарилиганда организмда иссиқлик ҳосил бўлиши камаяди. Кимёвий хусусиятларидан катта аҳамиятга эга бўлганлари бу минерал тузлар, газлар, органик бирикмалар, биологик актив моддаларнинг бўлишидир.

Ҳароратли таъсирда оғриқларнинг камайиши ва бутунлай тўхташини кузатишимииз мумкин (бунда теридаги рецепторлар блокадага учрайди ва МНСга патологик импульслар ўтишига тўскинлик қиласи).

Шундай қилиб, сув оғриқ қолдирувчи, спазмларни бартараф этувчи, яллигланишга қарши таъсир этади.

Сув муолажалари умумий ва маҳаллий турларига бўлинади. Умумий муолажаларда сув бутун тана юзасига бир хил қўзғатувчи таъсир этади : умумий ванналар, циркуляр душ, намли ўраб қўйиш, сув қуйиш, ишқалаб артиш ва х.з. Маҳаллий муолажаларга тааллуқли ҳисобланади ва бунда сув тананинг маълум бир чегараланган қисмига таъсир этади : оёқ, кўл ёки тос ванилари, юқорига кўтарилиувчи душ, грелка, компресс ва х.з.

Қўлланилаётган сувнинг ҳароратига қараб муолажалар фарқланади :

1.Совуқ	-	20 ° ва ундан паст	-	2 –5 минут
2.Салқин	-	21-33°	-	5 -10 минут
3.Индиферент	-	34-35°	-	15-20 минут
4.Илиқ	-	36-37°	-	10-20 минут
5.Иссик	-	38° ва ундан юқори	-	2 - 5 минут

Ҳар бир сув билан даволаш муолажасида ҳароратни кучайтирувчи сув массасининг механик таъсири, унинг тана юзасидаги ҳаракати ва периферик рецепторларга газ пулфакчаларининг қўзғатувчи таъсири билан биргаликда бўлади. Ҳар хил сув муолажаларида механик қўзғатувчанлик ҳар хил бўлади. Душ (Шарко души – 2-4 атм.) ва чўмилишда кўпроқ, ванналарда камроқ (0,3-0,4 атм). Кимёвий қўзғатиш чучук сув қўлланилганда минимал бўлади, унга туз, гарчица, хвой экстракти, скипидар қўшиш билан уни кучайтириш мумкин, у тери рецепторларининг қўзғалишини оширади, уларнинг баъзи бирлари хид сезиш в кўриш анализаторларига таъсир кўрсатади. Табиий ва сунъий тайёрланган сувларда сақланадиган моддалар ванналарни қабул қилиш вақтида қисман организмга киради, томир ва ички органлар рецепторига таъсир этади. Бундан ташқари газ ҳолатидаги моддалар нафас йўллари орқали тушади. Сув муолажаларига организмнинг жавоб реакцияси муолажанинг фақат физик ва кимёвий хусусиятларига эмас, балки МНС ва бутун организмнинг дастлабки функционал ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Тартиби бўйича қўйидаги ванналар бўлади :

- 1.чучук сули;
- 2.минерал сувли, ишқорий сувли;
- 3.ароматик, хвойли, тузли-хвойли сувли;
- 4.газли, сероводордли, азотли, кислородли, маржонли, радонли
- 5.ичакни сув ости ювиш, сув остида гимнастика, сув ости душ массажи, вибрацион ванна;
- 6.дорили (горчицали, марганецли, крахмалли, йод-бромли).

Сув тушушининг шаклига қараб қуйидаги душлар фарқланади : чангсимон, ёмғирсимон, игнасимон, елпифисимон, циркуляр, шотланд, Шарко ва бошқалар.

Босим даражаси бўйича душлар қуйидагиларга, яъни ўрта (2 атмосферагача) ва юқори (3-4 атмосферагача) босимга бўлинади.

Ванналарни қабул қилиш вақтида, айниқса иссиқ ёки совук, bemorларнинг ҳолатини кузатиб туриш зарур. Muolажа вақтида юрак томондан бехушлик сезилса, юрак сатҳига совук компресс қўйилади. Баъзи вақтларда илиқ ва иссиқ ванналардан сўнг сув қувиш ёки душ тавсия этилади. Сўнгра bemor 20-30 минут ётиши керак.

Бундан ташқари сувлар амалиётда қуйидаги кўринишда қўлланилади :

- минерал сувларни ичиш;
- сув қувиш;
- ишқалаб артиниш (нам ёки қуруқ);
- нам ўраб қувиш;
- компресс;
- “суғориш” (орошение).

Душлар – организмга турли шаклдаги, йўналишдаги, ҳароратли ва босимли сувнинг даволовчи таъсири. Бемор танасига урилаётган сув терининг турли соҳаларида қисқа вақтли даврли деформациясини чақиради, кейинчалик шу ерда жойлашган кўп миқдорли механорецепторлар ва ҳарорат сезув тузилмаларга таъсир этади. Натижада терида маҳаллий вазоактив пептидларнинг миқдори ортади (гистамин, брадикинин, простогландин ва бошқалар), улар тушаётган сув ҳароратига боғлиқ ҳолда қисқа муддатга arteriol ва чуқур жойлашган тери лимфа томирларининг тонусини ўзгартиради. Иссиқ ва қисқа муддатли совук душлар скелет мушаклари ва томирлари тонусини оширади, натижада умумий периферик томирларнинг қаршилиги ортади. Улар юрак циклининг давомийлигини ўзгартиради, қисқариш ҳажмини узайтиради ва ҳайдаш даврини кичиклаштиради.

Аксинча илиқ ва салқын душлар томирлар тонусини камайтиради, артериал босимни пасайтиради ва терида иммун жараёнларни кучайтиради.

Даволовчи самара: тинчлантирувчи, вазоактив, спазмолитик, трофик, иммунстимулловчи.

Кўрсатмалар. Таянч-ҳаракат аппарати ва периферик нерв системаси касалликлари ва жарохати асоратлари (плексит, невралгия, миозит), неврастения (гипостеник шакли), депрессив ҳолат, вегето-томир дисфункцияси, Рейно касаллиги, секин битувчи яралар, нейро-циркулятор дистония, гипретоник касаллик I-II даражаси, гипотоник касаллиги, инфарктдан кейинги кардиосклероз, сурункали гастрит, яра касаллиги ремиссия босқичида, сурункали колит ва ичакнинг функционал бузилиши, сурункали сальпингофорит, менструал циклнинг бузилиши, клиакс, гемморой, жинсий невроз, қўл – оёқ томирларининг облитерик атеросклерози, варикоз касаллиги, сурункали веноз етишмаслиги, I-даражали семириш.

Қарши кўрсатмалар. Юрак ишемик касаллиги, зўриқиши стенокардияси III-ФС, нафас системаси касаллиги, сийдиктош касаллиги, калькулез холецистит, ҳомиладорликнинг иккинчи даври, истерия, бош мия томирларининг атеросклерози, тери касалликлари.

Параметлари. Таъсири бўйича душлар умумий ва маҳаллий бўлади. Умумий душларнинг механик таъсири интенсивлигининг ўсиб бориши бўйича чангсимон, ёмғирсимон, игнасимон, циркуляр, елпифисимон, оқимли (Шарко, шотланд) душлар ва сув ости душ массажига ажратилади.

Ёмғирсимон, игнасимон ва чангсимон душлар. Ёмғирсимон душда сув маҳсус тўр орқали ўтади, алоҳида майда оқимларга ажralади ва танага ёмғирга ўхшаш тушади; игнасимонда сув маҳсус кичик диаметрли (чиқиш диаметри 0,5-1 мм) металл трубкалар қўйилган кам сони тешикчалардан ўтади ва танага алоҳида оқимлар билан игна сачишга ўхшаб тушади. Чангсимон душни олиш учун маҳсус шарга ўхшаш мослама хизмат қиласи,

ундан 90⁰ бурчак остида 4 та букилган трубка ўтиб, охири бир мунча кенгайған бўлади. Унда кичик тешикчалар жойлашган, ундан сув майда чангга ўхшаб чиқади ва танага тушади. Бу душлар турли сувнинг турли ҳароратларида қўлланилади (илик, индифферент, салқин ва совук); давомийлиги 1 минутдан 5 минутгача, сув 100-150 кПа (1-1,5 атм.) босим остида тушади. Муолажа ҳар куни ўтказилади, бир курс давога 15-25 муолажа.

Шарко души (оқимли). Кийимдан бутқул озод бўлган bemor кафедра қархисида 3-3,5 м масофада туради. Муолажа елпигичли оқим билан



бошланади, сўнгра оёғидан бошигача, аввал орқадан сўнгра олдиндан 1-2 марта оқим юборилади. Шундан сўнг компакт оқимга ўтилади, у билан секин орқа юздан бошланади, аввал бир оёқ бўйича пастдан юқорига бел соҳасигача, кейин иккинчи оёғи бўйлаб, 2-3 марта қайтарилади. Сўнгра сувни бирмунча кенгайтириб орқага ўтилади, кейин ҳар бир олдинга чўзилган қўл бўйича 1-2 марта ўтказилади. Кейин bemor ён томонга ўгирилади, сув оқими галма-гал ҳар бир ён томон юзаси оёқдан қўлтиқ остигача (bemor қўлларини юқорига кўтаради) ўтказилади. Сўнгра bemor кафедрага юзи билан ўгирилади ва 2-3 марта компакт сув оқими галма-гал оёқларга, охирида елпигичли ҳолда қоринга юборилади. Maxsus кўрсатмаларда қорин компакт сув оқими билан йўғон ичак бўйича айланма ҳаракатларда массаж қилинади. Тўлиқ муолажа елпигичли оқим билан тугатилади. Зарурий жавоб реакциясини олиш учун муолажа шу тартибда бир неча марта ўтказилади. Бунда умуртқа поганаси соҳаси авайланади ва сув оқимининг юзга, бошга, сут безига ва жинсий органларга тегишидан авайланади. Сув ҳарорати даволаш курси бошида 32-35⁰C (зарурият

туғилганда $40-42^{\circ}\text{C}$), муолажа охирида $15-20^{\circ}\text{C}$, унинг босими 190-200 дан 250-300 кПа гача (1,5-2 дан 2,5-3 атм.гача), муолажа давомийлиги 1-2 минутдан 3-5 минутгача. Муолажа ҳар куни ўтказилади. Бир курс давога 15-25 муолажа. Муолажани түғри ўтказилганлиги белгиси бўлиб теридаги яққол қизариш ҳисобланади, унга ҳароратни, сув босимини ва муолажа давомийлигини түғри ўтказилганда эришиш мумкин. Сув ҳарорати қанча паст бўлса, муолажа шунча қисқа бўлиши керак ва сув босими шунча катта бўлиши керак. Илиқ сув қўлланилганда муолажа давомийлиги узаяди, босим меъёрий бўлади. Иссик сув оқимли душ маҳсус кўрсатмалар билан қўлланилганда, кўпинча у маҳаллий қўлланилади.


Шодланд души. Ўтказилиш техникаси худди Шарко душига ўхшаш. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, унда кафедранинг иккала душ шланги қўлланилади: биридан иссиқ иккинчисидан совуқ сув берилади. Шотланд душида bemorга галма-гал иссиқ сув билан ($37-45^{\circ}\text{C}$) 30-40 секунд давомида, совуқ сув билан ($25-10^{\circ}\text{C}$) 15-20 секунд давомида таъсир этади. Бундай сув алмашиши 4-6 марта қайтарилади, давомийлиги 1-3 минут. Қоида бўйича муолажа иссиқ сувдан бошланиб, совуқ сув билан тугатилади. Биринчи муолажалар кам фарқ қилувчи сув ҳарорати билан ўтказилади. Муолажадан муолажага ҳарорат фарқи ортириб борилади, зарурият туғилганда муолажа охиригача 35°C гача етказилади. Сув босими 200 дан 300 кПа гача (2 дан 3 атм.гача) бўлади.

Бундай душлар маҳаллий ва умумий бўлади: муолажа ҳар куни ўтказилади, умумийси яхшиси кун ора ўтказилгани маъқул. Бир курс даво 15-20 умумий муолажани, 30 тагача маҳаллий муолажани олади.

Елпизичли душ. Сув оқими bemor танасига елпизич кўринишида тушади. Бунда шланг учига маҳсус мослама (лопата) кигизилади, лекин уни қўл бармоғи билан ҳам сиқиш мумкин. У бошқа душларга нисбатан (Шарко, шотланд) юмшоқ таъсир этади. У одатда умумий муолажа сифатида қўлланилади. Бемор душ кафедраси рўпарисига (2,5-3 м масофада) туради, 2-

3 марта секин ўгирилиш амалга оширилади, унга 2-3 минут керак бўлади. Беморга 2-3 марта муолажа ўтказилади, қизариш реакцияси пайдо бўлгунча. Даволаш курси бошида сув босими 150 кПа (1,5 атм.), аста секин 300 кПА (3 атм.) гача ошириб борилади, сув ҳарорати 35^0C дан 25^0C гача. Муолажа ҳар куни ўтказилади. Бир курс давога 15-20 муолажа.

Циркуляр душ. Махсус қурилма ёрдамида ўтказилади, яъни ингичка труба системасидан ташкил топган, айланма бўйича жойлаштирилган ва юқори ва пастки қисми тўлиқ бўлмаган ҳалқа билан тугайди. Трубаларнинг ички қисмida майда тешикчалари бўлиб, у орқали сув bemор танасига тушади. Бемор циркуляр душ қабул қилиш вақтида кўп сонли майда горизонтал сув оқими таъсирига дуч келади, сув bemор танасига ошган босим 100-150 кПа (1-1,5 атм.) билан тушади. Циркуляр душ сувнинг $36-34^0\text{C}$ ҳарорати билан бошланиб, аста секин ҳарорат туширилади, даво курси охирида 25^0C гача олиб борилади. Муолажа давомийлиги 2-5 минут, ҳар куни ёки қун ора ўтказилади. Бир курс давога 15-20 муолажа.



Оралик (кўтарилувчи) душ. Кийимларидан халос бўлган bemор ўртаси тешилган уч оёқли стулга ўтиради, унинг тагида тўрсимон мослама жойлаштирилган. Тўр орқали ўтаётган сув оралик соҳасига тушади. Сув ҳарорати ҳар хил бўлиши мумкин (илиқ, индифферент, салқин, совук) кўрсатмага мувофиқ. Совук душ қисқа муддатга, илиқ – бир мунча давомий.

Муолажа 2-5 минут давомийлиги билан ҳар куни ўтказилади. Бир курс давога 15-20 муолажа.

Сув ости душ массажи 400-500 л ҳажмли ваннада ёки маҳсус мослаштирилган бассейнда, сув ости душ массажи учун мосламадан (аппаратдан) фойдаланиб ўтказилади. Ванна 35-37⁰С ҳароратли сув билан тўлдирилади. Массаж bemorning сувга мослашганидан 5 минутдан кейин



бошланади ва массажнинг умумий қоидаларига риоя қилиш билан ўтказилади. Массаж қилувчи сув ҳарорати худди ваннадаги сув ҳароратига teng. Муолажа таъсирини кучайтириш учун сув ҳароратини пасайтириш

ёки ошириш билан ёки уларни галма-гал бериш билан (контраст массаж) ўтказиш мумкин. Массаж қилувчи сув оқими босими 100 дан 300-400 кПа гача (1 дан 3-4 атм.гача) бўлиши мумкин. Катта 300-400 кПа (3-4 атм.) босим билан асосан қўл-оёқлар массажи ўтказилади. Тананинг бошқа қисмларида (юрак, сут бези ва moyak соҳаларисиз) массаж эҳтиёйлик билан олиб борилади, мослама bemordan 12-15 см масофада ушлаб турилади. Муолажа давомийлиги 15-45 минут. Бир курс давога 15-30 муолажа.

Ванналар – сув мухитига тушган bemorга даволовчи таъсир этиш. Душлардан фарқли равишда ванна қабул қилишда bemorга муолажа



давомида мунтазам равишда механик, термик ва химик омиллар таъсир этади. Сувнинг химик таркиби, ҳарорати ва гидростатик босимига нисбатан ванналарнинг ҳар хил турлари

фарқланади. Ванналарни умумий (беморнинг бутун танаси сувга тушади) ва маҳаллий (тананинг маълум бир қисми тушади сувга) га фарқлаш мумкин. Муолажадан олдин ванна яхшилаб ювилиши ва дезинфекция қилиниши зарур. Аввал ванна исиқ сув, кейин маҳсус дезинфекцияловчи суюқлик (2% хлораминнинг эритмасини ишлатиш мумкин) билан ювилади.

Чучук сувли ванналар – чучук сувга тушган bemor танасига таъсир этиш. Ваннанинг совуқ суви жигар ва скелет мушакларида макроэргик бирикмалар гидролизи ва физик иссиқ маҳсулотларини тезлаштиради. Тери томирлари тонусининг фазали ўзгариши ҳосил бўлади: қисқа муддатли спазм ва тери рангизланиши томирлар кенгайиши ва унинг фаол гиперемияси 3-5 минутларда юз беради. Ваннанинг илиқ суви организм ичига илиқ оқимлар интенсивлигини оширади. Унинг катталиги сув ҳарорати ошиши билан ортади ва $34,9$ кДж/мин (40°C) етади. Натижада организмнинг иссиқлик бериши ортади, бунда асосий ўринни юз, бўйин ва кўкрак қафасининг юқори юзасидан бўладиган буғланиш эгаллайди. Терига чучук сувнинг таъсири натижасида эпидермис гидроксикерамиidlари эрийди, оғриқ ва тери сезувчанлигини камайтиради. Беморларда комфорт туйғуси ҳосил бўлади. Механик омил таъсирини кучайтириш учун сувнинг ҳар хил қатламларининг даврийли ҳаракати қўлланилади (вибрацион ванналар) ёки газ пуфакчалари (газли ванналар).

Даволовчи самара: вазоактив, метаболик, трофик, тинчлантирувчи, спазмолитик, анальгетик.

Кўрсатмалар. Периферик (неврит, невралгия, радикулит, миальгия) ва марказий (nevrozлар, бош мия ёпиқ жароҳатлари, спастик паралич, болалар церебрал параличи, бош мия томирлари атесклерози) нерв системаларининг касалликлари ва асоратлари, нафас органлари (бронхиал астма, сурункали зотилжам), қон айланиш (нейро-циркуляр дистония, гипертоник касаллиги I-II даражаси), ҳазм (сурункали гастрит, колит, ўт йўли

дискинезияси, сурункали калькулезсиз холецистит) касаллуклари, буйрак тош касаллиги, семириш, импотенция, геморрой.

Қарши кўрсатмалар. Ўткир яллиғланиш касаллуклари ёки сурункали касаллукларнинг авж олиши, вегетатив полиневропатия, гипотоник касаллик, рецидивловчи тромбофлебит, юрак ишемик касаллиги,



зўриқишиш стенокардияси III-IV ФС, қон айланиши этишмовчилиги II-босқичи, глаукома, намланувчи дерматитлар.

Параметрлари. Сув ҳарорати 15 дан 40°C гача. Аҳамияти бўйича совуқ (20°C дан паст), салқин ($20\text{-}34^{\circ}\text{C}$), индифферент ($35\text{-}37^{\circ}\text{C}$), илиқ ($38\text{-}39^{\circ}\text{C}$) ва иссиқ (40°C ва ундан юқори) ванналарга бўлинади. Улар билан бир қаторда контраст ванналар ва ҳарорати аста секин ошувчи ванналар қўлланилади.

Хуш бўй хидли ванналар. Сувда эриган хуш бўй моддалар эритмаси билан ванна сувига тушган bemor танасига даволовчи таъсир этиш. Муолажа ўтказилишида bemor танасига термик ва механик омиллар таъсири билан бир қаторда турли ўсимлик моддаларининг сувда эриган химик омиллари таъсири этади.

Даволовчи самара: тинчлантирувчи, томир кенгайтирувчи, анальгетик, қичишишга қарши, иммунмодулловчи, метаболик, актопротектор.



Кўрсатмалар. таянч-ҳаракат аппарати (турли этиологияли артритлар, деформацияловчи остеоартрозлар, Бехтерев касаллиги, спондилез, бурсит, миозит, тендовагинит), периферик нерв системасининг (бел-думгаза радикулити, вегетатив полиневропатия, неврастения)

касаллуклари ва асоратлари, томир касаллуклари (гипертония касаллиги I-II даражаси, облитерик эндоартерит, Рейно кас аллиги), сурункали простатит, қичишли дерматозлар, аёллар жинсий органларининг сурункали касаллуклари, ҳолсизланиш.

Карши қўрсатмалар. Истерия, намланувчи дерматитлар, ўткир яллиғланиш касаллуклари, юрак ишемик касаллиги, зўриқишиш стенокардияси III-IV ФС, сурункали гломерулонефрит, сурункали гепатит, жигар циррози, рецидивловчи тромбофлебит, қандли диабет, тиреотоксикоз, эпилепсия, микозлар, горчица ёки скипидарга тери сезувчанлигининг ортиши.

Хушбўй ванналар бўлади: хвойли, горчичли, кўпикли ванналар.

Газли ванналар – газ билан бойитилган чучук сувга тушган бемор танасига даволовчи таъсир. Уларнинг даволовчи самарадорлиги механизми сувдаги газларнинг организмга механик, термик ва химик таъсири билан аниқланади.

Даволовчи самара: метаболик, трофик (кислородли ванналар), тинчлантирувчи, анальгетик, гипосенсибилизловчи (азотли ванналар).

Кўрсатмалар. Периферик нерв системаси касаллуклари, неврастения, невроз, шизофрения, психастения, сурункали алкоголизм, климактерик синдром, коронар томирларнинг бошлангич атеросклерози, миокардиодистрофия, гипертоник касаллик I-даражаси, ички органларнинг сурункали яллиғланиш касаллуклари (сурункали бронхит, зотилжам, сурункали гастрит, колит, аднексит), томир касаллуклари (облитерик эндартерит, тромбофлебит).

Карши қўрсатмалар. Марказий нерв системасининг ошган қўзғалувчанлиги, вегето-томир дисфункцияси, вегетатив полиневропатия.

Ичакни ювиш – йўғон ичак деворини суюқлик билан даврили ювиш. Тўғри ичакка суюқликни бир марта киритиш клизма дейилади. Йўғон ичакнинг баъзи касаллукларида унинг эвакуатор функциясининг бузилиши, ахлат чиқишининг бузилиши (диарея, қавзият) кузатилади. Улар ичакка

юбориладиган суюқлик билан чиқарилади, бу йўғон ичакнинг мотор-эвакуатор функцияниң тикланишига олиб келади.

Даволовчи самара: дефекацияловчи, детоксикационловчи, метаболик, мотор.

Кўрсатмалар. Аллергик, инфекцион, токсик этиологияли сурункали колитлар, иккиламчи колитлар, сурункали қавзиятлар (алиментар, дискинетик, аралаш), сурункали гастрит, жигар ва ўт йўли касалликлари, модда алмашинув касалликлари (подагра, диабет, диатез) экзоген-конституционал семиришнинг I-II даражаси.

Қарши кўрсатмалар. Сурункали колит авж олиш босқичида, паразитар этиологияли сурункали колит, носпецифик ярали колит, полипоз, ичак тутилиши, сурункали энтероколит, сурункали проктит, тўғри ичак шиллиқ тушуши, геморрой авж олиш босқичида, қорин бўшлиғида операциядан кейинги битишма, чов чурраси, сурункали аппендицит.

Иссиқлик таъсирида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси микро томирларининг кенгайиши, тонуснинг пасайиши, қон ва лимфа оқимининг тезлашиши, циркуляр қон ҳажмининг ортиши ва унинг кислород билан бойиши, томир девори ўтказувчанлигининг, ферментатив фаолиятнинг, модда алмашинувининг ортиши кузатилади. Нерв рецепторларининг сезувчанлиги пасаяди. Совуқ сувли муолажа қарама қарши таъсир кўрсатади. Қўзғатувчига мослашиш натижасида қайта таъсир физиологик реакцияларнинг бўшашини чақиради, бу эса вақтнинг узайтирилишини ёки ҳароратни ошириш (камайтириш) талаб қилинади.

Бальнеотерапия (лат. balneum - ванна) – минерал сувларни даволашда қўллаш. Бальнеотерапиянинг асосини табиий ва сунъий тайёрланган минерал сувларни ташқи қўлланилиши ташкил этади. Шу билан бирга минерал сувлар ичга ҳам қўлланилади (ичиш, ингаляция, ичакни ювиш ва бошқалар).

Минерал сувлар – табиий сув, инсон организмига даволовчи таъсир кўрсатади, асосий ион-тузли ва газли таркибига, кўп миқдорда биологик актив компонентларнинг сақланишига ва маҳсус хусусиятларига (радиоактивлик, ҳарорат, мухит реакцияси) асосланган. Ҳамма минерал сув таркибига 4 та ўзаро боғланган компонентлар киради : неорганик минерал моддалар, газлар, органик моддалар ва микрофлора. Минерал сувларда ерда учрайдиган химик элементларининг деярли ҳаммаси бўлади. Энг кенг тарқалганлари уч катион (Na^+ , Mg^{2+} , Ca^{2+}) ва уч анион – Cl^- , SO_4^- , HCO_3^- . Сувда ионлар миқдорининг кўпайиши хелат типдаги бирикмалар миқдори ортади, табиатнинг органик моддалари парчаланиши натижасида сувга тушадиган комплексоналар билан ҳосил қиласи. Na и Cl ионлари учун бундай комплексонларнинг миқдори 50 % гача, Mg^{2+} , Ca^{2+} и SO_4^- -ионлари учун 95 % гача ортади. Минерал сувларда кам миқдорда сақланувчи кўпгина микроэлементлар ионлари (Mg , Cu , Zn , Fe , As , Co , B , F , Br , J) кўпгина энзимларнинг ко-фактори бўлиб ҳисобланади ва организмнинг турли модда алмашинувларига фаол қўшилади. Минерал сув ташки қўлланиш учун фойдаланганда уларнинг микрокомпонентлар таркиби роль ўйнамайди. Улар ичиш мақсадида қўланилганда муҳим аҳамиятга эга. Ионлар билан бир қаторда минерал сувларда эриган ҳолатдаги турли газлар сақланади, таркиби минерал сувларнинг келиб чиқишининг зарурий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва унинг ион таркибига таъсир этади. Минерал сувлар газ таркибининг асосий компонентлари бўлиб азот (N_2), метан (CH_4), углерод диоксиди (CO_2) и сероводород (H_2S) ҳисобланади. Шулар билан бир қаторда радиоактив газ радон ҳам учрайди. Унча кўп бўлмаган миқдорда бўлиши ва яхши эриши ҳисобига радон минерал сувларда факат эриган ҳолатда бўлади.

Органик моддалар орасида учувчи ёғ кислоталари устунлик қиласи (уксус, чумоли, ёғли, пропионли ва бошқалар), эфирлар, спиртлар, углеводлар ва гумин кислоталари. Органик бирикмаларнинг кўп миқдори

газли, нефти жойларда, юқори торф ҳосил қилувчи жойларда ер ости сувларида учрайди.

Минерал сувларнинг асосий параметрлари бўлиб унинг ионли ва газли таркиби бўлиб ҳисобланади. Химик таркиби, физик хусусияти ва даволовчи аҳамияти бўйича тибиий минерал сувлар 9 та асосий бальнеотерапевтик гуруғларга бўлинади:

1. “максус” компонентларсиз ва хусусиятларсиз сувлар (уларнинг таъсири ион таркиби ва минераллашганлиги билан аниқланади);
2. углекислотали сувлар;
3. сероводородли сувлар;
4. темирли ва “яримметалли” сувлар (марганец, цинк, қўрғошин, алюминиларни кўп микдорда бўлиши билан);
5. бромли, йодли, йодбромли сувлар;
6. кремнийли гипертермалли сувлар (термлар);
7. мишьякли сувлар;
8. радонли сувлар (радиоактив);
9. бор сақловчи сувлар.

Минерал сувларнинг термофизик хусусиятларининг асосий параметри бўлиб ҳарорат ҳисобланади. Минерал сувларда ҳарорат 0°C ва ундан пастдан $200\text{-}300^{\circ}\text{C}$ гача тебранади.

Минерал сувнинг радиацион таъсири сақланаётган радоннинг альфа-нурланиши билан аниқланади. Микдорий жихатдан у радоннинг радиоактивлиги билан характерланади, $\text{Бк}/\text{дм}^2$ да ўлчанади.

Минерал сувнинг механик хусусияти чучук сувникидан деярли фарқ қилмайди.


Гидротерапиянинг клиник таъсири остида механик тозаланиш, чуқур гиперемия, маҳаллий ҳароратнинг ошиши, милклар рангининг нормаллашиши, веноз димланиш ҳолатларининг бартараф этилиши,

сурункали яллигланишнинг камайиши, оғриқ сезувчанликнинг пасайиши ва чандиқли бириктирувчи тўқиманинг юмаши кузатилади.

Кўрсатмалар. Сурункали гингивит, пародонтит, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг яра-некрозли жароҳатланиши, сурункали афтозли рецидивловчи стоматит, чандиқлар.

Қарша кўрсатмалар. Ёмон сифатли шишишлар, йирингли яллигланиш касалликлари, озиб кетиш, ҳароратли ҳолат.

Методика. Оғиз бўшлиғи гидротерапияси. Гидротерапия тишлар, милк чўнтаклари маҳаллий тозаланганидан ва оғиз бўшлиғи санациясидан сўнг ўтказилади.



Мосла учини чапдан ўнгга ҳаракатлантириш билан аввал юқори, кейин пастки жағ ювилади. Ҳар бир жағни ювиш давомийлиги 5-7 минут. Яллигланиш белгиларида индиферрент ҳарорат ва кичик босим ($0,3-1$ атм), ўткир ости ва сурункали яллигланишда – юқори ҳарорат ($38-40^{\circ}\text{C}$) ва 2 атм.гача босим қўлланилада. Пародонтозда юқори босим $2-3$ атм кўрсатилган, ҳароратни аста секин $25-20^{\circ}\text{C}$ гача тушуриб борилади. Милкларнинг кичик томирлари тренировкаси учун контраст ҳарорат қўлланилади (совуқ-иссиқ) аста секин улар орасидаги фарқни ошириш билан олиб борилади. Бир курс давога $20-30$ муолажагача тавсия этилади.

Умуртқа поғанасини сув остида чўзиш

Умуртқа поғанасини сувда чўзишнинг турли усулари мавжуд. Илиқ сув тана мушакларининг бўшашига олиб келади ва уларнинг таранглигини олади, шунингдек оғриқ синдромини йўқотади ёки камайтиради. Сувнинг химик таркиби (чучук, сероводородли, натрий хлоридли, радонли, скипидарли) мухим аҳамиятга эга.


Умуртқа поганасини сув остида вертикал чўзии. Сувга тушган бемор



махсус мосламага жойлаштирилади (бош фиксацияланган, қўллар махсус мосламага кўйилган). Тос соҳасига кийилган белбоғга трос ёрдамида юклама осилади, уни аста секин 2-5 кг дан (муолажа бошида) 10-25 кг гача ошириб борилади. Умуртқа поганасини чўзишни махсус аппарат ёрдамида ҳам олиб

бориш мумкин.

Горизонтал юзада умуртқа поганасини чўзии. Тракцион шитнинг бош қисми ваннанинг бошга мўлжалланган бортига махкамланади, унинг оёқ



қисми махкамланмаган ҳолатда қолдирилади, бу шитнинг эгилиш бурчагини ўзгартиришга имкон беради. Умуртқа поганасининг бел қисмини чўзиш учун бемор шитга ётқизилади. Кўкрак қафасининг

пастки қисмига бақувват тўқимадан тайёрланган лиф қўйилади. Лиф лямкалари шитнинг бош қисмига боғланади. Бемор тосига лямкали яrim корсет жойлаштирилади. 5-7 минут давомида ванна 34-36⁰C ҳароратли сув билан шундай тўлдириладики, сув bemornинг кўкрагини қопламасин. Яrim корсет лямкаларига металл трослар ёрдамида, блоклар системаси орқали ташланган, ванна бортидан ташқарида юклама осилади. Чўзиш 5 кг юклама билан бошланади, сўнгра 4-5 минут давомида юклама 25-35 кг гача ошириб борилади. Муолажа охиригача юклама аста секин 0 гача тушуриласди. Кейинги муолажаларда оғирлик таъсир кучи 5 кг дан ошириб борилади ва 4-5 муолажада 35-55 кг га етказилади. Муолажанинг давомийлиги 20-40 минут, сўнгра bemor горизонтал ҳолатда ёки бош қисми кўтарилиган күшеткада 1,5 соат дам олади. Бир курс давога 10-12 муолажа.

Умуртқа поғанасининг бўйин қисмини чўзиш учун бемор боши Глиссон ҳалқаси билан фиксацияланади. Бунда кичик юалама қўлланилади ва муолажа давомийлиги камайтирилади. Биринчи муолажада 5-6 кг юклама қўлланилади, кейинчалик ҳар муолажада 1-2 кг га ошириб борилади ва 12-15 кг гача қўтариб борилади. Муолажа давомийлиги бошида 8-10 минут. Кейинчалик 12-15 минутгача етказилади. Бир курс давога 10-12 муолажа. Чўзишдан сўнг дарҳол бемор умуртқа поганасини иммобилизацияси учун “бинтланади” ёки штангист камари ёки “корсет” тақилади, шундан сўнг 1 соат давомида горизонтал ҳолатда дам олади. Бутун даво курси давомида беморлар қаттиқ тушакда ётадилар.

Парафинтерапия

Нефтни сублимация қилиб олинадиган парафин юқори молекулали углеводлар аралашмасидан иборатдир. Парафин ўзининг физик хусусиятлари – иссиқликни кам ўтказиш, иссиқлик сифимининг катталиги, қўйилган жойдаги тўқималарга босим билан таъсир кўрсатиши туфайли даволашда кенг қўлланилади. Тиббиётда зичлиги 0,9 ва эриш ҳарорати $45-52^{\circ}$ бўлган оқ парафин ишлатилади. Парафин қайта ишлатилганда, унга ҳар сафар 20-25 % янгиси қўшилиб турилади. Бир парафиндан 5-7 мартадан ортиқ фойдаланилмайди. Жароҳатга ёки шиллик пардага қўйилган парафин қайта ишлатилмайди. Парафиннинг даволовчи таъсири асосида иссиқлик ва механик омиллар ётади.

Апплекация соҳасида тўқималарга иссиқлик ўтказилади ва тўқималарнинг маҳаллий ҳароратини оширади ($1-3^{\circ}\text{C}$ га). Маҳаллий қон оқимининг паст молекуляр гуморал омилларининг йиғилиши натижасида микроциркуляр оқимнинг томирлари кенгаяди ва маҳаллий қон айланишини кучайтиради. Тери гиперемияси тўқималарда метаболизмни кучайтиради, шунингдек инфильтратларнинг сўрилишини ва жароҳатланган ўчоғда репаратив регенерацияни тезлаштиради. Апплекация соҳасида скелет мушаклар спазмининг, оғриқнинг камайишига, чандиқнинг қайта

тузилишига ва бўшашига олиб келади. Парафин совиганда унинг ҳажми кичиклашади, бу тўқималар юзаси компрессияси, тери механорецепторларнинг қўзғалиши ва унинг термомеханик сезувчанлик структурасининг фаоллашиши билан кечади. Натижада маҳаллий ва сегментар-рефлекторли нейро-рефлектор реакциялар шаклланади, бу таъсир соҳасидаги тўқималар трофикасини тезлаштиради.

Даволовчи самара: яллигланишга қарши (репаратив-регенератив, шишишга қарши), метаболик, трофик.

Кўрсатмалар. таянч-ҳаракат аппарати (суяқ синишлари, бўғим чиқишли, боғлам ва мушак узилишлари, артритлар, периартритлар, артрозлар) ва периферик нерв системасининг (радикулит, невралгия, невритлар) касалликлари ва жарохатлари асоратлари, ички органлар касаллиги (сурункали бронхит, трахеит, зотилжам, плеврит, сурункали гастрит, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги, дуоденит, сурункали холецистит ва гепатит, қорин бўшлиғида битишма жараёни, сурункали колит), аёллар жинсий органларининг сурункали яллигланиш касалликлари, варикоз касаллиги, полиомиелит, тери касаллиги, жарохатлар, куйишлар, совук уришлар, трофик яра, вибрацион касаллиги, Рейно касаллиги. Стоматологияда: юзнинг юмшоқ тўқималари ва жағнинг жарохатлари, сурункали яллигланиш жараёнлари, пародонтоз, оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг эрозив-ярали жарохати, юз ва уч бошли нерв жарохати.

Қарши кўрсатмалар. Ўткир яллигланиш жараёнлари, яққол атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, зўриқишиш стенокардияси II ФС дан юқори, сурункали гломерулонефрит, жигар циррози, тиреотоксикоз, инфекцион касалликлар, вегетатив-томир дисфункцияси, ҳомиладорликнинг иккинчи ярми ва лактация даври.

Параметрлари. Муолажа 60-90⁰C ҳароратгача қиздирилган суюқ парафин билан ўтказилади. Тибиёт амалиётида парафин препарatlари

озокерит, даволовчи балчик билан қўшиб ўтказилади. Улар юқори иссиқлик ушлаб қолиш хусусиятига эга.

Методика. Парафинни иситиш махсус идишларда, сув ҳаммомида ва парафин ванналарида амалга оширилади. Муолажа олдидан 10-15 минут давомида парафин стерилланади ($110\text{-}140^{\circ}\text{C}$ ҳароратда). Сўнгра совуётган парафин қатлам-қатлам, парафин ванночкаси ва апплекация усувларида вазелин билан ишлов берилган тери соҳасида қўлланилади.

Қатлам-қатлам усули. Кисточка ёки пахтали тампон $60\text{-}65^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эритилган парафинга ботирилади ва жарохатланган тери юзасига юпқа қатлам билан суртилади. Биринчи қатлам қотганидан сўнг кейинги қатламлар суртилади тики парафин қалинлиги 1,5-2 см га етгунча. Сўнгра аппликация клеенка, пахтали мато билан ўралади.

Салфетка-апплекация усули. Марлядан тайёрланган 10 қават букилган салфеткалар $60\text{-}65^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эриган парафинга солинади. Парафин билан шимилган салфеткалар олинади, сиқилади ва таъсир соҳасига қўйилади. Апплекация клеенка, пахтали мато билан ўраб қўйилади.

Кювет-апплекация усули. Эритилган парафин девор баландлиги 5-6 см ли кюветларга солинади. Парафин қаватининг қалинлиги 1,5-2 см. Парафиннинг $50\text{-}52^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача совиганидан сўнг аппликация bemornining жарохатланган соҳасига қўйилади. Қават юзаси клеенка ва одеял билан ўралади.

Сепии усули. Парафин 15 минут давомида 100°C ҳароратгача қиздирилиб стерилланади. Махсус пульверизатор металл балонига 80°C ҳароратли эритилган парафин қўйилади. Унга ҳаво юбориб, жарохат ёки яра юзасига парафин сепилади. Агар парафин сепилиши қийинлашса. уни қиздириш зарур. Парафин қалинлиги 0,3-0,5 см гача сепилади, клеенка, пахтали мато билан ўралади. Муолажа давомийлиги 20-60 минут.

Парафинли маска. Стерил парафин индивидуал сифимдан кисточка ёки пахтали тампон билан юзнинг терисига қатлам қилиб суртилади, бунда бурун

йўллари ва оғиз очик қолдирилади. Муолажадан олдин тери спирт билан ёғсизлантирилади, агар у ёгли бўлса, ёки ўсимлик ёғи билан артилади, агар у куруқ бўлса. Парафин қалинлиги 0,3-0,5 см га етганида, у клеенка ва пахтали мато билан ўралади. Таъсир этиш вақти косметика мақсадда 20 минут, даволовчи маска 30-60 минутга қолдирилади.

Юқори ёки пастки жас гальвеоляр ўсимтаси шиллиқ пародасининг апплекацияси. Оғиз бўшлиғи муолажага тайёрланади. Эритилган парафинга 8 қават букилган салфетка тушуриласди, парафин билан шимдирилади, енгил сиқиласди ва тиш қатори орқали кўприк қўринишида қўйилади. Бемор оғзини ёпади. Таъсир давомийлиги 30 минут.

Парафинтерапия озокериттерапия (*парафин - озокерит терапия*), балчиқ терапия (*парафин - пелотидотерапия*) ва инфрақизил нурлатиш (*парафин - фомототерапия*) билан қўшиб ўтказиласди.

Парафинтерапия муолажасини дозалаш қўлланиладиган парафин ҳарорати, таъсир майдони ва давомийлиги билан амалга ошириласди. Муолажа хар куни ёки кун ора ўтказиласди, давомийлиги 30-60 минут, бир курсга 12-15 муолажа. Муолажадан сўнг албатта 30-40 минут давомида дам олинади. Парафинтерапия курси 1-2 ойдан кейин қайта ўтказиласди.

Озокерит – тоғ мўми. У зич мўмсимон масса бўлиб, асосан церезин, парафин, минерал ёғлар ва смолалардан иборат. Таркибида смола кўп бўлган озокерит қора рангда бўлади. Таркибидан сув, ишқор ва кислоталар бутунлай чиқариб ташланган “тиббиёт озокерити” ёки стандарт озокерит даволашда кенг қўлланилади. Озокерит $32-55^{\circ}$ да суюлади. Озокеритнинг даволов-чи таъсири унинг физик ва кимёвий хусусиятларига асосланган. Унинг иссиқлик сифими катта бўлиб, иссиқликни жуда ёмон ўтказади. Бундан ташқари озокеритда иссиқлик жуда узоқ вақт сақланади. Унинг афзаллиги шундаки, иссиқликни организмга ил ва торф балчиқларига қараганда секин ва узоқ вақт ўтказади. Физик хусусиятлари, тайёрлаш техникаси ва қўлланиш усули

бўйича парафинга яқин туради. Озокерит биологик актив моддаларни ўзида сақлаши билан терапевтик фаолияти бўйича парафиндан устун туради. Иссиқлик билан даволашда кўпинча парафин ва озокерит аралашмасидан, 1:1 нисбатда фойдаланилади. Парафин ва озокеритнинг асосий, зарурий хусусиятлари бўлиб иссиқлик кенгайиши ҳисобланади, яъни қиздирилганда ҳажмининг ўзгариши. Парафин суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтганида кичиклашади. Бу билан парафин ва озокеритнинг компрессион таъсири юзага келади, шунинг учун қайта қўлланилганда 10-15 % янги аралашма қўшилади. Парафин-озокеритнинг қўлланиш усуллари қуидагилар : қатлам-қатлам, парафин-ванночка, сальфетка-апплекация, кювет-апплекация. Вагинал ва ректал тампонлар қўпинча 55-65° ҳароратли озокерит билан қўлланилади. Маҳаллий қўлланилганда унинг давомийлик эфекти шишни йўқотиш, оғриқни камайтириш ва яллиғланишга қарши таъсир қўрсатишдан иборатдир. Унинг таъсирида қон ва лимфа айланиши яхшиланади, тўқималарда алмашинув кучаяди. Кенг қўлланилади : бўғимлар ва мушакларнинг касалликларида, лат ейиш, секин битаётган жароҳатлар, чандиқлар, невралгиялар, невритлар ва бошқалар.

Балчиқтерапия.

Даволаш мақсадида ил, торфли, сапропелли, сопкали балчиқлардан фойдаланилади. Балчиқларда 3 та асосий қисм фарқланади : кристал скелет, коллоид фракцияси ва балчиқ суюқлиги. Бу қисмлар турли балчиқларда ҳар хилдир. Кристал скелет эримайдиган майда бўлаклардан ташкил топган. Скелет бўлакларининг диаметри 0,25 мм дан катта бўлмаган балчиқ даволаш мақсади учун кенг қўлланиладиган бўлиб ҳисобланади. Агар бўлаклар диаметри катта бўлса, у балчиқнинг ифлосланганлигидан дарак беради. Ил балчиғининг ифлосланиш даражаси 10% гача рухсат этилади, торф балчиғиники – 25% гача. Коллоид фракция скелетнинг алоҳида бўлакларини боғлаб туриб, улар орасидаги бўшлиқни тўлдириб туради. Коллоид фракция балчиқнинг пластиклигини ва адсорбцияловчи хусусиятини таъминлайди.

Сувли – минерал эритма, балчиқнинг скелети ва коллоид фракцияни намлаб туради, балчиқ эритмаси деб аталади. Шифобахш балчиқлар ўзининг иссиқлик ва намлик ҳажми, кичик иссиқлик ўтказувчанлиги ва юқори адсорбцион хусусияти билан ажралиб туради, сув билан қўшилиб бир хил пластик эритма ҳосил қиласди. Бу хусусият ҳар хил балчиқларда ҳар хил ва ил балчиқларида юқори бўлади. Балчиқларда биологик актив моддалар, витаминга ўхшашиб моддалар, ферментлар, гармонлар, антибиотиклар, шунингдек холин, гистамин, бактериофаг, радиоактив моддалар сақланади.

Ил балчиғи – чўкма балчиқ, мазсимон, қора, водород сульфид ҳидига эга масса бўлиб, денгиз ва кўпгина кўлларда чўкинди жинслардан микроорганизмларнинг актив иштирокида ҳосил бўлади. Чўкма балчиқ ҳосил бўлиши жараёнида маҳсус бактериялар – балчиқ ҳосил қилувчилар иштирок этиб, булар водород сульфид ажратади. Водород сульфид темир тузлри билан бирикиб, темир сульфид ҳосил қиласди. Темир сульфид борлиги туфайли балчиқнинг ранги қора ва пластик бўлади. Сувнинг миқдори 40% дан 60% гача бўлиши мумкин. Балчиқ реакцияси нейтрал ёки суст ишқорийдир.

Сапропелл балчиғи – чириётган чўкма балчиқ чучук сувли очик ҳавзаларда тупроқ ва қум заррачалари, тупроқдаги чиринди моддалардан, бактериялар ва ферментлар иштирокида ҳосил бўлади. Сапропеллда суюқ ва қаттиқ углеводородлар, мураккаб эфирлар, органик кислоталар, спиртлар ва смолалардан иборат моддалар бор. Балчиқ реакцияси нейтралга яқин. Унинг таркибида сув 90-95% ни ташкил этади.

Торф балчиғи – ботқоқликларда ўсимликлар, организмнинг узок вақтгача кислородсиз чириши натижасида ҳосил бўлади. Мана шундай маҳсулотларнинг минераллашган сув таъсирида аралashiшидан торф массаси ҳосил бўлади, у аста секин ботқоқлик тагига чўкиб, зичлаша боради. Торф таркибида ўсимлик моддалари қолдиқлари, смолали моддалар, филтупроқ, натрий хлорид, темир тузлари, водород сульфид, коллоид органик моддалар ва бошқалар бўлади. Торф ҳамирсимон консистенцияли масса, қуриганда

майдаланиб кетади. Даволаш учун ишлатиладиган торфни қўлга олиб сиқилганда, у пластик масса каби бармоқлар орасидан осонгина сиқилиб чиқади ва қўлга юқади. Унинг таркибида 65% дан 85% гача сув сақланади. Балчиқ реакцияси суст кислотали, кам ҳолларда нейтрал бўлади.

Сопка балчиғининг асосини лой ташкил этади. Унинг суюқ қисмида минерал тузлар ва органик моддалар бўлади. Бу турдаги балчиқ газ – нефтли ерларда углеводород газлар таъсирида ҳосил бўлади.

Шифобахш балчиқлар организмга ҳароратли, механик ва кимёвий таъсир кўрсатади. Балчиқнинг физик хоссалари, балчиқ билан даволаш вақтида бирмунча юқори ҳароратдан фойдаланишга имкон беради. Иситилган балчиқнинг баданга суритилган юпқа қавати тезда совиб қолади, бу иссиқликнинг бир қисми терига берилиши сабабли ҳосил бўлади. Бу иссиқлик аста секин берилганлиги сабабли, балчиқ секин совийди. Шунинг учун балчиқ организмга узок вақт ўз иссиғини йўқотмай таъсир кўрсатади.

Механик таъсир балчиқ массасининг босими ва бадан ҳамда балчиқ зарралари ўртасидаги ишқалниш натижасида юз беради.

Кимёвий таъсир (ил балчиғида таъсир яққол кўринади) балчиқдан организмга тери орқали ўтадиган турли кимёвий моддалар (газсимон, учувчан моддалар, ферментлар, биологик актив моддалар ва бошқлар) таъсирига боғлиқ. Балчиқлар таъсирида асаб ва юрак-қон томир системаларида, қон таркибида, моддалар алмашинуви жараёнларида ўзгаришлар юз беради, пульс тезлашади, муолажа бошида нафас ҳам тезлашади, қон айланиши яхшиланади. Даволашнинг бошида ЭЧТ кўтарилиши мумкин, модда алмашинув жараёни кучаяди. Иситилган балчиқ теридаги рецепторларга таъсир қилиши натижасида бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнлари кучаяди. Балчиқ билан даволаш муолажаси вақтида, айниқса, муолажадан сўнг bemорларни уйқу босиши бунинг далилидир. Организмда балчиқ таъсирида пайдо бўладиган ўзгаришлар умумий ва маҳаллий реакция сифатида юз беради. Умумий реакцияда тана ҳароратининг бир мунча кўтарилиши,

ЭЧТнинг тезлашиши кузатилади, маҳаллий – тўқималар шишиши (отёк) ва гиперемиянинг кучайиши кузатилади.

Шифобахш балчиқ ёғоч яшикларда, бетон ҳовузларда сақланиши лозим. Ил балчиғининг қуриб қолмаслиги учун унга 5% ош тузининг эритмаси қўшилади. Ишлатилган балчиқни регенерациялаш (йўқотган хоссаларини тиклаш) учун унга ош тузининг 5% эритмаси ва бир мунча янги балчиқ қўшиш керак, балчиқни 3-5 ойдан сўнг қайтадан ишлатса бўлади. Балчиқлар асосан сув ҳаммомида иситилади. Жароҳат, йирингли яраларни даволашда, тўғри ичак ва қин тампонлари учун ишлатилган балчиқлардан қайта фойдаланилмайди. Балчиқ албатта бактериологик текширувдан ўтказилиши зарур, агар патоген микроорганизмлар топилса, балчиқ даволаш мақсадида қўлланилиши мумкин эмас.

Балчиқ аппликацияси умумий ва маҳаллий бўлади. Курортларда асосан умумий балчиқ апплекацияси қўлланилади. Умумий апплекация учун 40-42° ҳароратли, маҳаллий учун 42-44° ҳароратли балчиқ қўлланилади.

Балчиқлар қўйидги қўринишларда қўлланилади : балчиқли ванналр (37° ҳароратда), балчиқ апплекацияси (“қўлқоп”, “наски”, “ёқа”, “этик”, “труси”), жигар ва ошқозон соҳасининг апплекацияси (38-40° ҳароратда), ректал ва вагинал тампонлар (40-42° ҳароратда), компресслар, балчиқли электрофорез, пеллоидиннинг мушак ичига инъекцияси. Муолажа тамом бўлгач, балчиқ бадандан олинниб, бемор ҳарорати 36-37° ёмғирсимон душ остида ювинади, сўнгра 30-40 минут давомида дам олади.

Даволовчи самара: яллигланишга қарши, метаболик, трофик, иммунмодулловчи, дефиброзловчи, бактерицид, биостимулловчи, тинчлантирувчи, коагуляцияловчи, кератолитик.

Кўрсатмалар : таянч-харакат аппарати (бўғимларнинг специфик ва носпецифик яллигланишт ва алмашинув касалликлари, қўл-оёқлар, боғлам ва мушакларнинг травматик жароҳати, контрактуралар, остеомиелитлар) ва нерв системасининг (бош миянинг ёпиқ жароҳати асоратлари, церебрал

арахноидит, радикулитлар, невритлар, плекситлар, ҳаракат ва сезувчанликнинг бузилиши) касалликлари ва жарохат асоратлари, нафас (сурункали бронхит, зотилжам) ва ҳазм (ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллигининг ремиссия даври, сурункали гастрит, колит, проктосигмоидит, холециятит, гепатит) органлари касалликлари, аёл ва эркак жинсий органлари касаллиги, Рейно касаллиги, тери касаллиги, қулоқ, бурун, томоқ ва кўз касалликлари, қорин бўшлигидаги битишма, трофик яралар, турли тжойлардаги чандиқ-биришма жараёнлари.

Қарши қўрсатма : гипертиреоз, буйрак функцияси бузилиши билан кечадиган касалликлар, қон айланишининг етишмаслиги билан бўладиган юрак қон томир касалликлари, юрак ритмининг ўтказувчанлигининг (Гис боғламишининг ўнг ва чап оёқларининг тўлиқ блокадаси) бузилиши ва стенокардия (III ва ундан юқори функционал синф) билан кечувчи сурункали юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллигининг II А босқичидан юқори бўлиши, септик тромбофлебит асоратлари ва х.з.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг балчиқли апплекацияси. 45^0C ҳароратли балчиқ 3-5 см энли ва 1-10 см узунли марляга жойлаштирилади (таъсир этиш соҳасининг майдонига нисбатан) ва жгутга ўралади. Оғиз бўшлиғи муолажага тайёрланади. Балчиқли жгут оғиз бўшлиғи, жағнинг альвеоляр ўсимтаси шиллик пардасининг жарохатланган соҳасига қўйилади. Оғиз ёпилади. Таъсир вақти 20 минутгача. Муолажа тугагач оғиз перманганат калий (1:1000) эритмаси билан чайлади.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РЕЦЕПТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА МИСОЛЛАР

1.Парафин-озокерит апплекацияси

Пастки жағ соҳасига парафин-озокерит терапия, кювет-аппликация усули, қатлам қалинлиги 3-5 см, ҳарорати $48-55^0\text{C}$. Давомийлиги 20 минут, ҳар куни, бир курс давога 10 муолажа.

2.Бальнеотерапия муолажаси

Оғиз бўшлиғини минерал сув билан чайиш, ҳарорати 36-37⁰C, 250 мл, давомийлиги 5-7 минут, кунига 2-3 марта, ҳар куни, даво курси 3-5 кун.

Амалий қўникма

Парафин-озокерит аппликация муолажасини ўтказиш

Мақсад: талабаларга даволаш мақсадида муолажани ўтказиш техникасини тўғри бажаришни ўргатиш.

Бажариладиган босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарилмаган (0 балл)	Тўлиқ тўғри бажарилган
1	5 см чуқурликдаги кюветни олиш		10
2	Стерилланган иссиқ суюқ озокеритни 2-4 см қалинликда олдиндан тиббий клеенка билан қопланган кюветга қуиши		15
3	Аста-секин совуши учун кювет куруқ иссиқлик шкафга жойлаштирилади (пластик консистенциягача олиб борилади)		10
4	30-40 минутдан кейин кювет шкафдан олинади		10
5	Тавсия этилган усулда клеенка билан апплекация қилинади		15
6	Ватникка ва иссиқ одеялга ўраш		10
7	30-60 минутга кўйилади		10
8	Маълум вақтдан кейин озокерит апплекация олиб ташланади		10
9	Бемор 30-60 минут давомида дам олади. Беморга рухсат берилади		10

	Жами:		100
--	-------	--	-----

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

1. Сув билан даволаш турларини санаб ўтинг.
2. Қайси физик омиллар иссиқлик билан даволашга тааллуқли?
3. Парафин-озокеритнинг таъсир механизми.
4. Пелоидтерапияга кўрсатма ва қарши кўрсатма.
5. Стоматологияда парафин-озокерит терапиянинг қайси усуллари қўлланилади?
6. Бальнеотреапияга тушунча беринг.
7. Минерал сувларнинг классификацияси.
8. Минерал сувларнинг таъсир механизми.
9. Бальнеотерапия. Стоматологияда қўлланиладиган усуллари.
10. Стоматологияда бальнеотерапия қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатма.

Тест вазифаси

№	Тест вазифаси	Тўғги жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	Оғиз бўшлиғи бальнеотерапияси қўйдаги ҳолатларда қилинмайди:	*сўлак безлари оқмаларида	афтоз стоматитда	гингивит-ларда	пародон-тозда
2	Ошқозон секрециясининг пасайишида минерал сувни ичиш овқат қабул қилишдан қанча вақт олдин тавсия этилади:	*10-15 минут олдин	30-45 минут олдин	1 соат олдин	2 соат олдин
3	Махаллий иси-	*синишлар-	ўткир	сурункали	синишлар-

	тиш муолажала-ри (балчиқ билан даволаш, парафин билан даволаш ва бошқалар) қуидаги беморларда қўлланилади:	да иммобилизация даврида	периостит	остеомиелит	да
4	Гидротерапия таъсирида пайдо бўлади:	* заарланган соҳанинг механик тозаланиши, веноз димланишнинг йўқотилиши, оғриқнинг камайиши	йирингли жараённи тезлаштириш	веноз димланишни тезлашриш оғриқни кучайтириш	томирлар тонусини ошириш, гиперемия
5	Балчиқ билан даволашга қарши қўрсатма бўлиб ҳисобланади:	*ревматоид артрит, фаоллик II	бўғим контрактураси	ошқозон яра касаллигининг ремиссия даври	ревматоид артрит, фаоллик I
6	Тизза бўғимида парафин билан таъсир этиш учун қуидаги усулинни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади:	*кювет-аппликация	салфетка-аппликация	қатлам қатлам	ванночка
7	“Гидротерапия“ бу:	*чучук сувнинг шифобахш қўлланилиш	минерал сувнинг шифобахш қўлланилиши	душ ва ванналарнинг шифобахш қўлланилиши	денгизда чўмилиш
8	Парафинотерапияга қарши қўрсатма:	*абсцесс	чандиқли жараён	чаноқсон бўғими-нинг артрози	спастик миозит
9	Парафин ва озо-	*20-25	10-15 минут	30-40	50-60

	керит аппликациясининг ўртаси давомийлиги қанча?	минут		минут	минут
10	Углекислотали ванналарнинг таъсири қўйидаги омилларга боғлиқ эмас:	*ваннадаги сув микдорига	ваннадаги сув ҳароратига	углекислотали газ микдорига	организм система-ларининг функционал ҳолатига
11	Ҳаракатсиз душларга тааллуқли:	*кўтарилив чи	шотланд	елпифмч-симон	струяли
12	Балчиқ билан даволаш мумкин бўлмаган касалликлар:	*пиодермия	склеродермия	тизза бўғими артрози	товоң суяги шпораси
13	Махаллий истиш муолажалири (балчиқ билан даволаш, парафин билан даволаш ва бошқалар) қўйидаги bemorlarда қўлланилади:	*сурункали аднексит ремиссия босқичида	юз нерви неврити ўткир ости босқичида	мастопатия	гепатит-нинг ўткир даврида

Вазиятли масала

1. Беморда 50 йиллик инъекциядан кейинги чайнов мушаклари контрактураси.

1. Қайси мақсадда bemorга физик омиллар билан даволаш тавсия этилади?

2. Қайси физиомуолажаларни тавсия этасиз?

Жавоб эталони: 1. физиотерапевтик даволашнинг мақсади-яллиғланишга қарши, миорелаксацияловчи ва миостимулловчи таъсир.

2. Магниттерапия, УЮЧ-терапия, амплипульс терапия, парафин-озокерит апплекацияси.

2. Бемор чакка-пастки жағ бўғими чиқиши диагнози билан.

1.Мазкур патологик ҳолатда физиодавонинг вазифаларини келтиринг.

2.Қайси физик омилларни тавсия этиш мумкин?

Жавоб эталони: 1.физиотерапевтик даволашнинг мақсади-анальгетик, яллиғланишга қарши, регенерация таъсирини стимулловчи, бўғимлар контрактурасининг профилактикаси.

2.периартикуляр тўқималарда микроциркуляция ва микрореологияни яхшилаш мақсадида магниттерапия, гидрокортизонли ёки индометацинли ёки гепаринли мазлар билан ультрафонофорез, яллиғланишга қарши ва сўрилтирувчи терапия мақсадида жароҳатланган бўғим соҳасига УЮЧ-терапия ёки новокаин, калий йод, натрий салицилат билан электрофорез, бўғим ва бўғим олди тўқималарга трофик таъсир мақсадида парафин-озокерит ёки балчиқли апплекация.

3.7 ёшли бола юз жағ соҳасининг туғма деформацияси билан, жисмоний ривожланиши паст.

1.мазкур патологик ҳолатда физиодаволашнинг вазифаларини сананг.

2.Мос физиотерапевтик давони тавсия этинг.

Жавоб эталони: 1.физиотерапевтик даволашнинг мақсади-трофик жараёнларнинг стимуляцияси, иммунмодуляцияловчи, умуммустахкамловчи таъсир.

2.магниттерапия, парафин-озокерит ёки балчиқли апплекация, заифлашган мушаклар соҳасига амплипульстерапия, умумий УБН, чиниктириш, гидротерапия, бальнеотерапия, массаж.

6 боб. КУРОТОЛОГИЯ. ЎЗБЕКИСТОН КУРОРТЛАРИ

Курортология – тиббий илмий фан бўлиб, тиббий физик омилларнинг даволаш хусусиятларини, уларнинг одам организмига таъсирини, курортларда ва курортлардан ташқари муассасаларда уларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш мақсадида қўлланилиш имкониятини ўрганади, санатория-

курортларда даволаш учун тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган кўрсатмаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, курортология вазифаларига курорт ресурсларини топиш, аҳолининг санатория-курортларда даволаниш эҳтиёжларини ўрганиш, курорт қурилишининг принцип ва нормативларини ўрганиш, курорт ресурсларини санитария муҳофаза қилиш саволлари киради.

Курорт – табиий даволаш омилларига, минерал манбаларига, шифобахш балчик қатламларига, мақбул иқлимга, шунингдек беморларнинг даволаниши ва дам олиши учун мўлжалланган бальнеотехник, гидротехник иншоатларига, санаторияларига эга бўлган жойдир.

Курортлар асосий табиий шифобахш омиллар характеристи бўйича бир нечта типларга бўлинади : бальнеологик, балчиқли ва иқлимли. Курортларнинг кўпчилиги ўзида иккита, учта шифобахш омилларини сақлади ва бальнео-балчиқли, бальнео-иқлимли, бальнео-иқлимли-балчиқли бўлиб ҳисобланади.

Бальнеологик курортларнинг асосий шифобахш омиллари минерал сувлар ҳисобланади, ҳозирги вақтда 9 та бальнеологик гурух минерал сувлари аниқланган, яъни

1-гурух минерал сувлари, таъсири ион таркиби ва минерализация билан аниқланади;

2-гурух ангидридли сувлар;

3-гурух водород сульфидли сувлар;

4-гурух темирли сувлар;

5-гурух бромли, йодли, бромйодли сувлар;

6-гурух кремнили ҳароратли сулар;

7-гурух мишъяқ сақловчи сувлар;

8-гурух родонли сувлар;

9-гурух бор сақловчи сувлар, одам терисининг юза қисми учун ва ичиш учун қўлланилади.

Балчиқли курортларда даволаш мақсадида сульфидли ил балчиғи, сапропел, торфли, сопочкали балчиқ турлари қўлланилади.

Иқлимли курортларда асосий шифобаҳш омил – иқлимнинг хоссаси бўлиб, курортларнинг географик жойлашишига, денгиз сатҳидан баландлиги, ўсимликлар турларига, сув ҳавзаларининг борлигига асослангандир.

Санатория-курортда беморларни даволаш босқичларидан бири бўлиб, олдинги ва кейинги касалликни даволаш-олдини олиш чоралари билан боғлиқ бўлиши керак. Даволашнинг яхши натижаси асосан беморларни курорт ва санаторияга тўғри танлаб олиш билан аниқланади. Бемор санаторияга санатория-курорт картасисиз қабул қилинмайди, чунки унда даволовчи шифокорнинг касаллик даражаси ва босқичларини ҳисобга олиб берган тиббий тавсияномаси, bemorning умумий аҳволи, асосий касалликка йўлдош касалликлар, санаторияга юборишдан олдин текширишлар ва шифохона ёки поликлиникада даволанган натижалари ёритилган бўлади.

Беморни санаторияга юборишнинг қуйидаги тартиби қабул қилинган : шифокорнинг санатор-курорт билан даволаниш тавсияномасини, курорт (санатория) типини, даволаш (санаторияда, амбулаторияда) турини ва йилнинг қайси вақтида даволашни ўз ичига олган маълумотномани (тасдиқланган шакл бўйича) bemor қўлига берилади. Берилган маълумотнома санатор-курорт картасининг ўрнига ўта олмайди ва bemorni санаторияда даволаниш учун қабул қилиш хуқуқини бермайди. У фактат йўлланма олиш жойига тавсия қилиш учун берилади. Йўлланмани олиб даволовчи шифокор қабулига келади, ўз навбатида шифокор йўлланма ва тиббий тавсияноманинг бирбирига тўғри келишини текшириб, шундан сўнг санатория-курорт картасини тўлдиради ва bemorga беради. Маълумотнома ва санатор-курорт картаси ўз таъсир кучини 2 ойгача сақлайди. Сил билан касал bemorlar учун тартиб қуйидагича, яъни уларни санатория-курортда даволанишга ноҳия (шахар) силга қарши диспансерлари юборади.

Санатория-курортга даволаниш учун юборишда нафақат беморнинг ҳолатини баҳолаш; балки беморни санатор-курортда даволанишга юбориш учун умумий қабул қилинган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳам эътиборга олинади.

Беморларни (катталар ва ўсмирлар) курортга юборишга умумий қарши кўрсатмалар :

-ўткир босқичдаги ҳамма касалликлар, авж олиш босқичидаги сурункали касалликлар ва ўткир йирингли жараёнлар билан асоратланган касалликлар;

-ўткир юқумли касалликнинг яккаланиш (изоляция) вақти тугагунча;

-ўткир ёки юқумли шаклдаги ҳамма таносил касалликлар;

-руҳий касалликлар. Гиёхвандликнинг ҳамма шакллари ва сурункали алкоголизм, тутқаноқ;

-ўткир ва авж олиш босқичидаги қоннинг ҳамма касалликлари;

-келиб чиқиши ҳар хил бўлган қахексия;

-ҳавфли ўスマлар (радикал даволанган, яъни жарроҳлик, кимётерапевтик, нурланиш, комбинацияланган усуллар билан даволанган беморлар).

Умумий ҳолати қониқарли бўлган ҳавфли ўсма билан касал беморлар факат маҳаллий санаторияга даволаниш учун юборилади;

-қуидагиларни талаб қилувчи ҳамма касалликлар ва ҳолатлар:

а) касалхонада даволанишни;

б) жарроҳликнинг аралашуви;

в) мустақил ҳаракат ва ўзига хизмат қила олмайдиганлар.

-ҳар хил ерда жойлашган эхинококк;

-тез-тез қайталанадиган ёки кўп миқдорда қон кетиш;

-балънеологик ва балчиқли курортларга ҳомиладорликнинг ҳамма ойларида юбориш ман этилади, иқлимли курортларга эса ҳомиладорликнинг 26-ҳафтасидан бошлаб юбориш ман этилади; текис ерларда яшовчиларни

денгиз сатҳидан 1000 метр баландликдан юқори жойлашган тоғли курортларга юбориш мумкин эмас;

-актив босқичдаги силнинг ҳамма шакллари – силга мослашмаган ҳамма санаториялр;

-балънеологик, балчик ва тоғли курортларга юрак-қон томир етишмаслигининг I-даражасидан юқорисидаги ҳамма касалликлар, маҳаллий санаторияларга – II-даражадан юқори даражадаги bemорлар.

Умумий қарши кўрсатмалар билан бир қаторда bemорларни санатория-курортда даволаниш учун юбориша маҳсус қарши кўрсатмалар ҳам эътиборга олинади.

Ўзбекистон курортлари

Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашиши ҳақида қичқача маълумот. Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё марказида Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган бўлиб, 447,4 минг километр квадрат майдонни эгаллайди. Ўзбекистон шимолдан 925 кмга, ғарбдан шарққа эса 1400 км гача чўзилгандир. Майдоннинг тахминан 4/5 қисми (80 %) текислиқдан иборат, шу қаторда Турон пастлиги ҳам, факат узоқ шарққа Тянь-Шань ва Гиссар-Олой (баландлиги 4000 метргача ва ундан юқори) системаларига тааллуқли тоғлар қад кўтара бошлайди. Текислик қисмida Устюрт платоси ва Амудрё дельта ажралиб туради, марказий қисмida қумли Қизилқум чўли жойлашган. Иқлимли кескин континентал қуруқ.

Ўзбекистоннинг табиий курорт ресурсларини асосан таркиби ва даволаш хусусиятлри ҳар хил бўлган минерал сувларнинг топилган жойлари ташкил этади.

Иқлимли курортлар. Республикада биринчи бўлиб тоғ иқлимли Шоҳимардон курорти 1934 йилда очилган бўлиб, Фарғонадан 52 км нарида, дengiz сатҳидан 1540-1570 метр баландликда жойлашган. Курорт сил касаллиги билан хасталанган bemорларни даволаш учун мўлжалланган. Комплекс даволашга аэрогелиотерапия, йилнинг қиши фаслида – ультрабинафша нурла-

ниш, бактерияларга қарши терапия, пархез ва шифобаҳш жисмоний тарбиялари киради. “Ҳамза-Ҳакимзода” ва “Кўк-қўл” номли иккита санаторияга эга.

Кўрсатмалар – силнинг актив шакли, кўқрак қафасидаги лимфа тугуларининг тумори ва инфильтратли сил, инфильтрация ва емирилиш босқичидаги ўпканинг инфильтратив ва диссеминланган сили, ўчоғли сил, бир ёки икки ёқлама ўпка сили бўйича жарроҳлик ёрдами кўрсатилган беморлар (қийин нафас олиши ва тахикардия яққол бўлмаган ҳолатда), тана ҳарорати юқори бўлмаган, сусайиш босқичидаги сил плевритлари, лимфа тугунлари сили.

Қарши кўрсатмалар – умумий қарши кўрсатмалар, казеозли зотилжам, инфильтратив-пневматик силнинг тарқалган шакли, суб- ва декомпенсация босқичидаги фиброз-кавернозли сил, циррозли сил, тез-тез қайталаниладиган қонқусишига моил сил жараёни.

Тоғ иқлими Оқ тош курорти – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида 1500 га дан ортиқ майдонни эгаллаб, денгиз сатҳидан 1140 метр баландликда, Тошкентдани 65 км масофада жойлашган. Худуди кенг баргли ўрмонзорлар билан ўралган бўлиб, кидан Оқтош ва Аюбсой тоғдарёлари оқиб ўтади. Оқ тош санаторияси нафас олиш органларининг специфик бўлмаган касалликлари билан касал беморларга мўлжалланган бўлиб, йилнинг маълум фаслида фаолият кўрсатади (15 майдан 15 октябргача). Даволаш комплексида сунъий ванналар (игнабаргли, тузли), сауна, парафин ва озокерит билан даволаш, массаж, терренкур, аэрогелиотерапия, шифобаҳш жисмоний тарбия, пархез, физиотерапия муолажалари киради.

Кўрсатмалар – сурункали трахеит, зотилжам, бронхитлар, плевро-пневмония, қуруқ ва фиброз-серозли плевритлардан сўнг қоладиган асоратлар, пневмосклероз, I-II даражалардан юқори бўлмаган қон айланишининг бузилиши, ўпка эмфиземаси, тез-тез қайтарилмайдиган ва оғир кечмайдиган бронхиал астма хуружи.

Бальнеологик ва бальнеоичимлик курортлар

Чорток курорти – Фарғона водийсининг Чотқол тизмасининг жанубида, денгиз сатҳидан 623 метр баландликда, Намангандан 30 км нарида жойлашган. Курортнинг асосий шифобахш омилларидан ичишга мўлжалланган йод-бромли, хлорид-натрий-кальцийли юқори минерализацияланган юқори ҳароратли минерал сув, хлорид-сульфат-натрийли кам минераллашган сувлар ва иқлим ҳисобланади.

Кўрсатма – таянч-ҳаракат аппаратининг касалликлари, яъни келиб чиқиши бўйича силга боғлиқ бўлмаган артритлар ва полиартритлар, деформацияланувчи остеоартроз, остеохондроз, остеохондропатия, спондилоартроз, миозитлар, сановитлар, бурситлар; асаб системасининг касалликлари, яъни периферик асаб касалликлари, МНСнинг функционал касалликлари, периферик асаб системаси жароҳатининг асорати, ҳазм системаси органи касалликлари, тери касалликлари – сурункали босқичли псориаз, чекланган ва тарқалган нейродермит (эксудатив шаклдагисидан ташқари), сурункали экзема, себоррея экземаси, қизил яssi лишай, енгил даражадаги қичима, аёллар жинсий органларининг сурункали яллиғланиш касалликлари, кон айланиши етишмаслигининг I-даражасидан юқори бўлмаган юрак-кон томир системасининг касалликлари.

“Чимён” курорти – Фарғона вилояти, Водил ноҳиясининг Олой тизмасининг тоғ ёнбағрида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, Фарғона шаҳридан 32 км масофада жойлашган, бальнеологик курорт. Асосий шифобахш омил бўлиб субтерминал, ўзида юқори миқдорда сероводород тузини сақлаган кам минераллашган водород сульфид суви ҳисобланади. У ванналар, ингаляция мақсадида қўлланилади. Физиотерапевтик мауолажалар, массаж, кислородли ванна, парафин-озокерит ва бошқалар қўлланилади.

Кўрсатма – таянч-ҳаракат аппарати, периферик асаб системаси, юрак-кон томир системаси, аёллар жинсий органлари, тери каслликлари.

“Тошкент минерал сувлари” курорти – Тошкент яқинида, денгиз сатҳидан 420-450 метр баландликда жойлашган. Асосий шифобахш омили

бўлиб кам миқдорда минераллашган, ишқорий, гидрокарбонат-натрийли, юқори ҳароратли сув ҳисобланади. Тошкент минерал суви ичиш, ошқозон ва ичакни ювиш ва сугориш, трансдуоденал ювиш мақсадида қўлланилади. Ҳазм қилиш органларининг касалликларини, сийдик-таносил системаси баъзи касалликларини (пиелонефрит, цистит) даволашда юқори яхши натижалар беради.

Жайронхона курорти – Сурхондарё вилояти, Сурхондарё соҳилида Термиздан 22 км нарида, дengiz satxidan 360 metr balandlikda joylashgan. Asosiy shifobaxsh omili bўlib водород-сульфидли, бромли, кремнийли, хлорид-натрий-кальцийли юқори ҳароратли сув ҳисобланади. Кўрсатмалар Чимён курорти учун кўрсатмаларига ўхшаш.

Уч-қизил курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Сурхондарё вилояти, Термиз ноҳияси, Термиз шаҳридан 16 км нарида, Уч-қизил сув омбори соҳилида жойлашган. Асосий шифобахш омили ҳароратли (33-40 градусли) минераллашган сульфидли-хлорид-натрийли сув. Кўрсатмалар Чимён курорти учун кўрсатмаларига ўхшаш.

“Нагорная” курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Самарқанддан 650 км нарида, Катта қўрғон ноҳиясида жойлашган. Асосий табиий шифобахш омил – 2 хил турдаги минерал сувлар. Минераллашган хлорид-сульфат-натрийли юқори ҳароратли (45 градус)сув, овқатни ҳазм қилиш органлари касалликларида ичиб даволаш мақсадида қўлланилади. Минераллашган родонли хлорид-сульфат-натрийли ҳароратли (37-43градус) сув, юрак-қон томир, асаб системаси, таянч-харакат аппарати касалликларида ванна усулида қўлланилади.

Қизил-Тепа курорти - бальнеологик ичимли курорт бўлиб, Фарғона вилоятида Олтиариқ ноҳиясида, Фарғонадан 40 км нарида жойлашган. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-сульфат-гидрокарбонат-натрийли сув, ҳарорати 42 градус.

Кўрсатма – овқат ҳазм органлари, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари.

Жанубий Олмалиқ курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Андижон вилоятининг Жалол қудук нохиясида, Андижондан 25 км нарида жойлашган. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-натрийли ҳароратли сув.

Кўрсатма – периферик асаб системаси, таянч-ҳарорат аппарати, гинекологик, тери касалликлари.

Мохи-Хоса санаторияси – иқлимий бальнеологик курорт бўлиб, Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 м баландликда, Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида, Бухоро амирининг собиқ қароргоҳи худудида жойлашган. Иқлим шароити буйрак касалликларини даволаш учун_кулай ҳисобланади. Иқлим терапия билан бир қаторда минераллашган сульфат-хлорид натрийли ҳароратли 45 градусли сув, физиотерапия муолажалари, лазертерапия, балчик билан даволаш, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, фитобар ва парҳезли тоам қўлланилади.

Кўрсатма – буйрак касалликлари май ойидан октябр ойигача асаб системаси, таянч-ҳаракат ва ҳазм органлари касалликлари.

Маҳаллий санаториялар

“Яланғоч” санаторияси – Тошкент вилоятининг Орженекидзе нохиясида жойлашган бўлиб, силнинг актив шаклидаги bemorlar учун мўлжалланган.

“Турон” санаторияси – Тошкент шаҳрида жойлашган, юрак-қон томир ва асаб тизими, андрологик ва гинекологик касалликлари билан касал bemorlar учун мўлжалланган. Миокард инфарктини ўтказган bemorlar учун реабилитация бўлими мавжуд. Комплекс даволашга иқлим терапия, кам минераллашган хлорид-гидрокарбонат-сульфат-натрийли ва радонли маданли ванналар, балчик ва парафин билан даволаш киради. Миокард инфарктини ўтказган bemorlarни реабилитация (тиклаш) қилишга иқтисослашган санатория бўлиб ҳисобланади. Ташхис қўйишда ва даволашда

компьютерли ЭКГ ва УТД аппаратлари, клиник ва биохимик лабораториялар, тор мутахассислар: кардиолог, неврапатолог, уролог-андролог, гинеколог, дерматолог, окулист, психотерапевт ва стоматологлар фаолият кўрсатадилар.

“Чинобод” санаторияси – Тошкентда жойлашган бальнеологик санаториядир. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-гидрокарбонат натрийли, 51 градус ҳароратли сув, шунингдек Жиззах вилояти Балиқли кўлидан олиб келинадиган даволаш хусусиятига эга бўлган балчиқлар ҳам кўлланилади. Минерал сувдан ванналар, ичакни чайиш, меъдани ювиш, дуоденал дренажлар, ичиш сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари балчиқ билан даволаш, парафин-озокерит муолажаси, сув ости душ массажи, физиотерапия муолажалари, массаж, даволовчи жисмоний тарбия олиб борилади ва парҳез таомлар берилади.

Кўрсатма – овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат аппарати, асаб системаси, гинекологик касалликлари, қандли диабет.

“Умид гулшани (8 март)” санаторияси – Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган. Санатория гинекология ва андрология бўлимларидан иборат, уларда муваффақиятли равишда эркак ва аёллар бепуштлиги диагностикаси ўтказилади, ҳамда бепуштлик, репродуктив аъзолар инфекцияси, жинсий бузилишлар билан хасталанган bemорлар даволанади. Санаторийда физик омиллардан ташқари, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, психотерапия, игна-рефлекс терапия, лазертерапия, балчиқ, парафин ва озокерит, парҳез овқатланиш даволаш мақсадида кўлланилади.

“Ботаника” санаторияси – иқлимли ва бальнеологик курорт, Тошкентдан 30 км масофада, Тиён-Шон тоғи этакларида, денгиз сатхидан 570 м баландликда жойлашган бўлиб, юрак-қон томир, ошқозон- ичак йўли ва асаб системаси касалликларини даволаш учун мўлжаллангандир. Асосий даволаш омили – хлорид-гидрокарбонат-натрийли ҳароратли (37°) минерал сув – ичиш, ванна ва душ учун, ичакларни чайиш ва меъдани ювиш мақсадида кўлланилади. Бундан ташқари Жиззах вилоятининг Балиқли

кўлидан келтирилган балчиқдан аппликация билан даволанади, физиотерапия муолажалари, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, лазертерапия, игна-рефлексотерапия, парафин-озокерит, парҳез овқатланиш даволаш мақсадида қўлланилади.

“Абу Али Ибн Сино”санаторийси – Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг Нуробод туманида жойлашаган. Бу санаторий асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, тери касалликларига дучор бўлган bemorlarни даволайди. Санаторийнинг асосий хосияти радонли сувидир. Термал ($37\text{-}43^{\circ}\text{C}$), таркиби табиий родонли ($20\text{-}25 \text{ мКиFn}$), хлорид-сульфатнатрийли. Кам ишқорий ($\text{рН}-8,1$) ва азот газли сувидир. Хусусиятига кўра, у машхур Цхалтуба сувига ўхшаш. Санаторийнинг даволаш-диагностика хоналари замонавий тиббиёт аппаратлари ва ускуналари билан жиҳозланган. Беморларни даволашда физиотерапия, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, парафин, балчиқ ва игна билан даволаш, ўт-гиёхлардан дамламалар тайёрлаш, ичакларни ювиш, ингаляция усулларидан фойдаланилади. Санаторийда парҳезли овқатланиш яхши йўлга қўйилган.

Эгаллаган билимларни назорат турлари

Назорат саволлари

- 1.“Курорт”, “Санаторий” тушунчаларига аниқлик беринг.
- 2.Курорт ва санаторийларнинг классификацияси.
- 3.Курорт омилларининг таъсир механизми.
- 4.Мослашиш (аклиматизация) нима?
- 5.Тоғли иқлимини характерланг.
- 6.Чўл ва дашт иқлимини характерланг.
- 7.Денгиз ва денгиз атрофи иқлимини характерланг.
- 8.Санатор-курорт давога bemorlarning бориши учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

9. Санатор-курорт саралаш, санатор-курорт картасини расмийлаштириш тартиби.

10. Нафас системаси касаллуклари билан беморлар қайси санатор ва курортга юбориладилар?

11. Юрак-қон томир системаси касаллуклари билан беморлар қайси санатор ва курортга юбориладилар?

12. Нерв системаси касаллуклари билан беморлар қайси санатор ва курортга юбориладилар?

13. Таячн-харакат аппарати касаллуклари билан беморлар қайси санатор ва курортга юбориладилар?

Тест вазифалари

№	Тест вазифаси	Тұғы жағоб	Мүқобил жағоб	Мүқобил жағоб	Мүқобил жағоб
1	Ўзбекистон-нинг бальнеологиялык курортини кўрсатинг:	*Чорток, Чимён	Оқтош, Турон	Хумсон, Бўстон	Ситораи Мохи Хоса, Умид Гулшани
2	Углекислотали ванналар нафас системасига қўйидагича таъсир этади:	*нафас марказининг фаоллигини оширади, нафас частотасини камайиши, бронхолитик таъсир	нафас ҳажмининг камайиши, нафас минутлик ҳажмининг ортиши	нафас частотасининг тезлашиши, бронхлар дренаж функциясининг яхшиланиши	эритропоззия, тезлашиши, гемоглобининг кислородга боғланнишинг ортириш
3	Санатор-курорт картасини расмийлаштиришда зарурий диагностик минимум ўзи чига олади:	*қон ва сидикнинг умумий анализлари, ЭКГ, флюорография	қоннинг биохимик анализи, Эхо-КГ, кўкрак қафасининг рентгенографияси	коагулограмма, бактериал экиш, ички органлар УЗИси	ЭГДФС, ревмопроба, Нечипоренко ва Зимницкий синамаси
4	Кучсиз совуқ	*ревматизм	гипертония	церебрал	юрак

	юкламали ҳа-- воли ванналар касалликка тавсия этимайди:		касаллиги II даражаси	атероскле- роз	ишемик касаллиги II ФС
5	Умуртқа поғо- наси касаллик ва жарохатлари бор беморлар ихтисослашти- рилган курорт- га юборилади:	*Чимиён	Оқтош	Чинобод	Турон
6	12 бармоқли ичак яра касал- лиги тулиқ бўл- маган ремиссия даврида юбо- риш мумкин бўлган санаторий:	*Чинобод	Турон	Оқтош	Чимиён
7	Миокард ин- фарктини ўт- казган бемор- ларни, юбориш мумкин бўлган санаторий:	*шахар иҷидаги маҳаллий кардиология	тоғли	балънеоло- гик	балчиқли
8	Ўзбекистондаги тоғли иқлимли курортни кўрсатинг:	*Оқтош	Чинобод	Чортоқ	Чимиён
9	12 бармоқли ичак яра касаллигига минерал сувларни ичиш тартиби:	*кунига 3 марта100-150 мл дан овқат- дан 40-45 минут олдин	кунига 3 марта100- 150 мл дан овқатдан 10-15 минут олдин	кунига 3 марта100- 150 мл дан овқатланиш вақтида	кунига 3 марта100- 150 мл дан овқатдан 40-45 минут кейин
10	Қуёшли ванна қўйидаги беморларга яхши тъясир қиласди:	*псориазли	системали қизил бўрича	сурункали пиелонеф- рит	сурункали гастрит

Вазмятли масалалар

1.Бемор 38 ёшда. Диагнози: икки томонлама илдиз олди бронхопневмония тузалиш босқичида. Бу bemорни қайси санаторийга юбориш мумкин?

Жавоб эталони: Соғайиш даврида тоғли-иклими курорт (Оқтош, Хумсон, Бильдирсой ва бошқалар) тавсия этилади.

2.А. исмли bemор 29 ёшда. Диагнози: Бехтерев касаллиги, марказий шакли, минимал фаоллик. Bеморни қайси санаторийга юбориш мумкинлигини күрсатинг?

Жавоб эталони: ноактив босқичда bemорни бальнеологик ёки балчиқли курортга юбориш тавсия этиади (Чимён, Чорток).

3.56 ёшли bemор. Диагнози: гипертоник касаллик, II-даражада, АГ II. Бу bemорни қайси санаторийга юбориш мумкин?

Жавоб эталони: стабил қон босимда ва ўзгаришсиз ЭКГда bemорга шаҳар ичидаги ихтисослаштирилган кардиологик санаторийга бориш тавсия этилади (Турон), шунингдек тоғли-иклими курорт тавсия этилади (Оқтош, Хумсон, Билдирсой).

4.Bемор 35 ёшда. Диагнози: 12 бармоқ ичак яра касаллиги яллигланишнинг сусайиш босқичида. Bеморни қайси санаторийга юбориш мумкин?

